ISSN 2181-9521

№ 9-son, 2026

ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Ҳамкорлар
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.09.2026 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 13/8,8 босма табоқ.
Буюртма № 87. Адади 1650.
Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй
Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ 4

“ОДИЛ СУДЛОВ – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 6

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЖАРАЁНИГА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ КИРИТИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАР

МУТАХАССИС ФИКРИ 8

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД ХАБАРНОМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ 10

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 12

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ 14

РАҚАМЛИ ДУНЁ

КИБЕРФИРИБГАРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, САҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ

НУҚТАИ НАЗАР 16

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ 18

МЕНИНГ ФИКРИМ

СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ 20

СУД ТИЗИМИДАГИ ОРТИҚЧА ЮКЛАМА ВА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ

МУЛОҲАЗА 22

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ОНГ: ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРИШНИНГ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

СУДЬЯ МИНБАРИ 23
ЎЗБЕКИСТОНДА УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ
24
МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВ: СУД ҲИМОЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ
26
КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОТАРИУСНИНГ РОЛИ
29 ТАДҚИҚОТ
МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИДА ТОВАР СИФАТИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ
31
ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ
33
ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТИЗИМИДА "ҚИЛМИШНИНГ ХУСУСИЯТИ" ВА "ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ" ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ
35
КРИПТО-АКТИВЛАР МУҲОФАЗАСИ: КВАЛИФИКАЦИЯ МУАММОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
37
ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК
39
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА "ОЖИЗ АҲВОЛДАГИ ШАХС" ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ
41
КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ
43
НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ: ҲУҚУҚИЙ ЧЕКЛОВЛАР ВА УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЗАРУРАТИ
45
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ
47 ВАЖНАЯ ТЕМА
МАТЕРИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ КОНТРОЛИРУЮЩИХ ДОЛЖНИКА ЛИЦ К СУБСИДИАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ДЕЛАХ О НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ
ТЕМА ДНЯ 50
КОНСУЛЬСКАЯ ЛЕГАЛИЗАЦИЯ И АПОСТИЛЬ: СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОЙ СИСТЕМЫ ПРИЗНАНИЯ ДОКУМЕНТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН
52 ПРОЦЕСС
ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДНК КАК УНИВЕРСАЛЬНОГО БИОМЕТРИЧЕСКОГО ИДЕНТИФИКАТОРА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ
НОВЫЙ ЭТАП 56
ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРОМЫШЛЕННОГО ОБРАЗЦА И ЕГО ОГРАНИЧЕНИЕ ОТ ОБЪЕКТОВ АВТОРСКОГО ПРАВА
59
THE CONCEPT OF PLATFORM EMPLOYMENT AND THE SYSTEM OF TERMS DESIGNATING ITS SUBJECTS
62
LEGAL ASPECTS OF ORGANIZING ACTIVITIES RELATED TO TAX CONSULTING IN THE FIELD OF JUSTICE

“ОДИЛ СУДЛОВ – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: *мақолада “Одил судлов – 2030” стратегияси шароитида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилган. Экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, электрон далиллар алмашинуви, видеоконференцалоқа ва жиноий активларни қайтариш механизмлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда суд назорати нуқтаи назаридан баҳоланади. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг ёндашувлари қиёсий таҳлил қилиниб, Жиноят-процессуал кодексида халқаро ҳамкорликнинг рақамли тартиб-таомилларини алоҳида институт сифатида белгилаш таклиф этилади.*

Калит сўзлар: *халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, жиноят процесси, экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, рақамли далил, суд назорати, видеоконференцалоқа, активларни қайтариш.*

“Одил судлов – 2030” стратегиясининг “Халқаро эътироф” ва “Рақамли одил судлов” йўналишлари жиноят ишлари бўйича ҳамкорликни янги мазмунда кўришга асос беради. Биринчи йўналиш миллий ҳуқуқни умумэътироф этилган стандартлар билан қиёслашни, иккинчиси эса суд ишларини рақамлаштириш орқали фуқарога қулай ва тезкор тартибни яратишни назарда тутади. Мақолада ушбу устуворликлар экстрадиция ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам жараёнларига нисбатан қўлланганда, “рақамли сўров” ва “рақамли далил”нинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланиши керак, деган хулоса илгари сурилади.

Миллий ислоҳотлар мантиғи бундай ёндашув учун янги эмас. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида халқаро ҳамкорликка оид нормаларни Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқлаштириш, процессуал кафолатларни кучайтириш, “электрон жиноят иши” ва масофадан сўроқ қилиш механизмларини жорий этиш вазифалари белгиланган эди. Демак, Стратегия ушбу йўналишларни алоҳида чоралар мажмуи сифатида эмас, суд ҳокимиятининг сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ ягона сиёсат сифатида давом эттиради.

Шу билан бирга, стратегиядаги рақамлаштириш вазифаси ҳар қандай электрон алоқани автоматик равишда ишончли далилга айлантирмайди. Электрон шакл фақат юбориш тезлигини оширади; унинг ҳақиқийлиги, яхлитлиги, келиб чиқиш манбаси ва сақлаш занжири алоҳида текширилмаса, у судда баҳсли ҳужжатга айланади. Шу сабабли халқаро сўровлар учун ягона идентификатор, электрон имзо, вақт белгиси, кириш журналлари ва қайта узатиш тарихини мажбурий реквизит сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда олимлардан Д. Базарова ва Ш. Маматалиева жиноий одил судловнинг мазмунини ҳимоя ҳуқуқи, тарафлар тенглиги ва холис суд назорати билан боғлайди. Бу ёндашув тўла қўллаб-қувватланади. Аммо унинг халқаро ҳамкорликка татбиқида яна бир қоида зарур: хориждан олинган маълумот ёки далил миллий иш юритувга қўшилган пайтдан бошлаб, ҳимоя томони унинг қонуний келиб чиқиши ва мақбуллигини баҳслашиш имкониятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда жиноий одил судловнинг тенглик тамойили ички далилларга татбиқ этилган, трансчегаравий далилларга эса татбиқ этилмаган ҳолат юзага келади.

С.Саҳаддиновнинг Жиноят-процессуал кодексига шарҳларида процессуал тартибнинг аниқлиги ва иштирокчилар ҳуқуқларининг белгиланган қонунийликнинг асосий шарти сифатида кўринади. Ушбу фикрни халқаро ҳамкорликка нисбатан ривожлантириш мумкин: сўровга жавоб беришда қайси орган ваколатли экани, унинг ижро муддати, рад жавобининг асослари ва шахснинг процессуал мақоми қонун даражасида равшан бўлмаса, ҳар қандай рақамли платформа амалда идоралараро ёзишма воситасига айланиб қолади. Демак, техник интеграциядан олдин процессуал аниқлик талаб этилади.

Бу борада қуйидагича фикрга келиш мумкин: Бассюнининг инсон ҳуқуқларига эътиборли мувозанат модели, Бойстернинг миллий имплементация ҳақидаги фикри ва маҳаллий олимларнинг процессуал кафолатларга доир ёндашуви бир-бирларини тўлдиради. Бироқ уларнинг синтези қонунчиликда аниқ тартибга солинмас экан, амалиётдаги ваколатлар тарқоқ қолади. Шунинг учун халқаро ҳамкорликка оид қоидаларни умумий ҳавола нормалари билан чеклаш эмас, балки ЖПКда алоҳида боб сифатида тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай боб сўровни қабул қилишдан тортиб, олинган далилдан судда фойдаланишгача бўлган тўлиқ процессуал занжирни қамраб олиши лозим.

Рақамли халқаро ҳуқуқий ёрдамнинг энг муҳим муаммоси сўровни электрон шаклга ўтказиш эмас, балки унинг ҳуқуқий ишончлилигини яратишдир. Сўров юборилганидан кейин унга ким киргани, қандай файл қўшилгани, файлнинг хеш-коди ўзгармагани ва қайси орган уни қабул қилиб, қайси ҳаракатни бажаргани ҳужжатлаштирилиши зарур. Бу маълумотлар кейинчалик суд назорати ва ҳимоя томонининг эътирози учун текшириладиган манба бўлиб хизмат қилади. Техник журналнинг процессуал аҳамияти аниқ белгиланмаса, у фақат маъмурий ахборот тизими бўлиб қолади.

Видеоконференцалоқа орқали гувоҳни ёки экспертни сўроқ қилишда ҳам “онлайн иштирок” тушунчаси етарли эмас. Тарафларнинг савол бериш ҳуқуқи, таржимоннинг иштироки, шахсни идентификация қилиш, ташқи таъсирдан холи муҳитни таъминлаш ва техник узилиш содир бўлганда баённомани давом эттириш тартиби олдиндан белгиланиши керак. Бу талаблар бажарилганда видеоконференцалоқа суд мажлисидаги бевосита текшириш тамойилига зид келмайди; бажарилмаганда эса кўрсатувнинг ишончлилигига шубҳа туғдиради.

Электрон далиллар бўйича яна бир баҳсли масала – хусусий сектордан, хусусан, хорижий провайдердан олинган маълумотнинг мақбуллиги. Бунда давлат органининг тўғридан-тўғри мурожаати тезкор бўлиши мумкин, лекин ҳуқуқий асоси ва шахсий ҳаёт дахлсизлигига аралашув даражаси баҳоланиши шарт. Шунинг учун маълумот мазмуни, унинг сақланиш жойи ва шахс ҳуқуқига таъсирига қараб сўровнинг турли даражадаги процессуал рухсат билан юборилиши қонуний ёндашув бўлар эди.

Экстрадиция, вақтинча ушлаб туриш, ҳисобварақни музлатиш ёки шахсий маълумотга кенг кўламда кириш каби ҳаракатлар фақат ўзаро ишонч тамойили билан оқланмайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт эркинликдан маҳрум қилишнинг қонунийлиги ва одил судлов кафолатларини умумий мезон сифатида белгилайди. Шунинг учун сўров келиб тушганидан кейин ваколатли суд органи камида унинг ҳуқуқий асоси, мутаносиблиги, икки томонлама жиноят деб тан олиш талаби зарур бўлган ҳолатлар ва асосий ҳуқуқларга хавфни текшириши лозим.

БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 35-сон Умумий шарҳида эркинликдан маҳрум қилиш устидан самарали суд текшируви талаб қилинади. Унинг қоидалари Ўзбекистон учун халқаро мажбурият мазмунини белгилайди. Европа инсон ҳуқуқлари суди амалиёти эса миллий ҳуқуқнинг тўғридан-тўғри манбаи эмас, лекин адолатли суд муҳокамаси бўйича инсон ҳуқуқларига хавфни баҳолашда қиёсий-методологик аҳамиятга эга. Шу сабабли уни “мажбурий прецедент” деб эмас, процессуал кафолатларни баҳолашдаги илғор тажриба деб қабул қилиш тўғри бўлади.

Мулкка доир сўровларда ҳам суд назоратини чеклаш мумкин эмас. Жиноий активни музлатиш ва мусодара қилиш чоралари далилларни сақлаш ёки зарарни қоплаш учун зарур бўлиши мумкин, аммо улар учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир қилади. Шунинг учун активнинг келиб чиқиши, мулкдорнинг виждонлилиги, зарарни қоплаш устуворлиги ва олинган активни қайтариш тартиби суд қарорининг асослантирувчи қисмидан ўрин олиши керак. Бу ҳолатда халқаро ҳамкорликнинг натижадорлиги ҳамда мулк ҳуқуқининг ҳимояси бир-бирига қарши қўйилмайди.

Халқаро сўровнинг бир манзилдан қабул қилиниши фақат ташкилий қулайлик эмас, балки жавобгарликни аниқлаш усули ҳамдир. Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциянинг 18-моддаси давлатдан ўзаро ҳуқуқий ёрдам сўровларини қабул қилиш ва ижро этиш учун марказий органни белгилашни талаб қилади. Бироқ марказий органни “барча қарорларни қабул қилувчи” субъект деб талқин қилиш хатодир. Унинг вазифаси сўровнинг расмий тўлиқлигини, шартномавий ёки ўзаролик асосини, таржима ва илова ҳужжатларни, бажарилиши лозим бўлган ҳаракатнинг миллий ҳуқуқдаги мақбул шаклини текширишдан иборат бўлиши керак. Асосий ҳуқуқларга аралашув масаласи эса ваколатли прокурор ёки суд органининг мустақил процессуал баҳосида қолиши лозим.

Шу нуқтада икки мутлақ ёндашувга қўшилиб бўлмайди. Биринчи ёндашув марказий органни фақат почта-қайд вазифасини бажарувчи тузилмага айлантиради; бунда сўровнинг камчиликлари ижрочига ўтиб, муддат йўқотилади. Иккинчи ёндашув

эса барча ҳуқуқий баҳони марказий органга тўплаб, суднинг конституциявий ролига путур етказиши мумкин. Мақбул ечим икки босқичли фильтрдан иборат: дастлабки маъмурий-ҳуқуқий текширув марказий органда, эркинлик, мулк ёки махфийликка жиддий аралашувни баҳолаш эса мустақил процессуал қарор қабул қилувчи органда амалга оширилади. Бундай тақсимот тезкорлик ва холисликни ўзаро зид қадриятлар эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи талаблар сифатида бирлаштиради.

Мазкур модель рад этиш ҳақидаги қарорни ҳам асосли қилади. Агар сўровда маълумотнинг предмети, амалнинг ҳуқуқий асоси ёки унинг зарурлиги очиқ кўрсатилмаган бўлса, марказий орган уни дарҳол рад этиш ўрнига камчиликларни бартараф этиш учун аниқ саволлар билан қайтариши керак. Бу ортиқча формализм эмас: тўғри тузилган сўров кейинчалик далилнинг мақбуллиги ҳақидаги баҳсни камайтиради. Шу билан бирга, рад этиш ёки кечиктириш сабаблари электрон реестрда қайд этилиб, улар юзасидан ички идоравий ва суди орқали текширув имконияти таъминланиши лозим.

Электрон далилнинг халқаро алмашинувида тезкор тўғридан-тўғри ҳамкорлик воситалари жозибали кўринади. Масалан, Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияга Иккинчи қўшимча протокол провайдерлар ва регистраторлар билан тўғридан-тўғри алоқа, фавқулодда ҳолатда тезкор ёрдам ва видеоконференцалоқани назарда тутади. Лекин ушбу воситаларнинг ўзи "далил автоматик равишда мақбул" деган қоидани англатмайди. Уларни қўллашда сўровнинг ваколатли субъект томонидан юборилгани, сўралган маълумот ҳажми мақсадга мутаносиблиги ва шахсий маълумотлар ҳимояси бўйича кафолатлар текширилиши шарт.

Мақбулликни баҳолашда тўрт мезонни алоҳида қайд этиш таклиф қилинади: биринчиси — манбанинг қонунийлиги, яъни маълумотни сўраган ва берган субъектнинг ваколати; иккинчиси — ҳақиқийлик, яъни файл ёки ёзувнинг муайян манбага тааллуқлилиги; учинчиси — яхлитлик, яъни олишдан судда текширишгача бўлган даврда мазмун ўзгармагани; тўртинчиси — тортишувли текшириш имконияти, яъни ҳимоя томони ушбу далилнинг келиб чиқиши, олиниш усули ва тўлиқлигига эътироз билдириш имконига эгалиги. Хеш-код, электрон имзо, метамаълумот ва ҳаракатлар журнали шу мезонларнинг техник ифодаси бўлиши мумкин, лекин улар суд баҳосининг ўрнини босмайди.

Баъзи амалий ёндашувларда электрон далилни техник сертификат билан тенглаштириш учрайди. Бу тўғри эмас, чунки сертификат файлнинг муайян вақтдаги ҳолатини тасдиқлаши мумкин, аммо уни олишнинг қонунийлиги ёки шахснинг процессуал ҳуқуқлари таъминланганини ўз-ўзидан исботламайди. Шу сабабли ЖПКда электрон далилга оид норма техник реквизитлар билан чекланмасдан, уни олишнинг ҳуқуқий асоси, сақлаш занжири, таржима ва нусха билан ишлаш, шунингдек судда қарши текшириш қоидаларини ҳам қамраб олиши лозим.

Нормани қабул қилишнинг ўзи халқаро ҳамкорлик сифатини автоматик оширмайди. Унинг ишлаши учун марказий ва бошқа ваколатли органларнинг янгиланадиган алоқа маълумотлари, сўров намуналари, текширув рўйхатлари ҳамда иш юритишнинг рақамли занжири керак. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси марказий ва ваколатли миллий органлар маълумотномасини, шунингдек халқаро жиноят ишларида иштирок этувчи органлар учун рақамли иш юритиш воситаларини шакллантиргани бундай инфратузилманинг амалий аҳамиятини кўрсатади. Ўзбекистондаги ягона реестр ҳам ана шу тажрибани чуқур ўрганган ҳолда миллий ЖПК ва шахсий маълумотлар муҳофазаси талабларига мослаштириб ташкил этилиши мумкин.

Институционал модель кадрлар тайёргарлиги билан тўлдирилмаса, унинг рақамли қисми формал бўлиб қолади. Терговчи, прокурор, судья, таржимон ва техник мутахассис учун ягона ўқув модулларида сўров тузиш, электрон далилни тавсифлаш, махфийлик грифини қўллаш, видеосўроқда тарафларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва активларни қидириш масалалари ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилиши керак. БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция бўйича қўлланмаси ҳам сўровнинг аниқлиги, марказий органлар ўртасидаги алоқа ва амалий йўриқномаларнинг аҳамиятини кўрсатади. Демак, қонунчилик ислоҳоти амалий стандартлар, ўқув ва мунтазам сифат мониторинги билан бирга олиб борилгандагина барқарор натижа беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг жиноят ишларини юритишда халқаро ҳамкорликка бағишланган ўн тўртинчи бўлимини халқаро стандартлар билан қиёслаб таҳлил қилган ҳолда, унда қуйидаги масалалар комплекс тартибга солиниши лозим: ҳамкорликнинг принциплари; марказий ва бошқа органлар ваколати; сўровнинг шакли ва мазмуни; сўровни қабул қилиш ҳамда ижро этиш муддатлари; рад этиш ёки кечиктириш асослари; электрон ҳужжат ва электрон далилнинг мақоми; видеоконференцалоқа орқали процессуал ҳаракатлар; экстрадиция, транзит, вақтинча ушлаб туриш ва активлар бўйича суд назорати; шахснинг ҳимоя воситалари.

Бунда ваколат процессуал аралашув даражасига қараб дифференциация қилинади. Унинг мақсади ҳамкорликни секинлаштириш эмас, балки қайси қарор учун қайси даражадаги ҳуқуқий асос ва назорат талаб этилишини олдиндан аниқ белгилашдир.

Ҳамкорлик ҳаракати	Таклиф этиладиган ваколат	Асосий кафолат
Техник ёки очиқ ахборот сўрови	Марказий ваколатли орган	Электрон имзо ва реестрда қайд этиш
Видеосўроқ ёки шахсий маълумотга чекланган кириш	Прокурор розилиги ёки суд рухсати	Тарафларнинг иштирок ҳуқуқи ва техник баённома
Экстрадиция учун ушлаб туриш, активни музлатиш	Суд қарорининг ўзи	Мутаносиблик, шикоят қилиш ва мотивировка

Бундай дифференциация Конституцияда мустаҳкамланган суд орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ғоясига мос келади ва халқаро сўровни кўриб чиқишда ваколатлар кесишувининг олдини олади.

Шунингдек, жиноий иш бўйича халқаро сўровлар ва уларнинг ижроси учун ягона ҳимояланган электрон реестр яратиш лозим бўлади. Реестрда сўровнинг идентификатори, ҳуқуқий асоси, илова ҳужжатлари, электрон имзо, ижро қилувчи орган, ижро ҳаракатлари ва натижани юбориш вақти акс этиши керак. Реестрга кириш ваколати бўйича даражаланган тартибда берилиши, ҳар бир кириш автоматик журналлаштирилиши ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш талаби таъминланиши зарур. Бу механизм сўровлар мониторингини эмас, уларнинг қонунийлигини текшириш имконини кучайтиради.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик "Одил судлов – 2030" стратегиясидаги халқаро эътироф ва рақамли одил судлов ғояларини жиноят процессида амалга оширишнинг муҳим майдонидир. Унинг самарадорлиги сўровлар сони ёки юбориш тезлиги билан эмас, процессуал кафолатлар сақланган ҳолда олинган натижанинг судда ишончли қўлланилиши билан ўлчаниши керак.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, халқаро ҳамкорлик ЖПКда алоҳида процессуал институт сифатида тизимлаштирилиши лозим; иккинчидан, электрон сўров ва электрон далил учун ҳақиқийлик, яхлитлик ва сақлаш занжирини тасдиқловчи мажбурий реквизитлар белгиланиши керак; учинчидан, ҳуқуқларга аралашув даражасига қараб суд назорати дифференциация қилиниши зарур; тўртинчидан, видеоконференцалоқа орқали олинган кўрсатувни текширишнинг тортишувли тартиби кафолатланиши шарт; бешинчидан, активларни қайтаришда учинчи шахслар ва мулкдорнинг ҳуқуқлари мустақил баҳоланиши лозим. Шунда халқаро ҳамкорликнинг тезкорлиги ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланган ҳимояси ўртасида амалий мувозанат вужудга келади, деб ҳисоблаш мумкин. Бу эса миллий жиноят процессида далилларнинг ишончлилиги, суд қарорларининг асослилиги ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдондаги ишончини оширишга хизмат қилади.

Толибжон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августдаги ПФ-160-сон Фармони "Одил судлов – 2030" Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида".
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Амалдаги таҳрир.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида".
4. Базарова Д., Маматалиева Ш. Жиноий одил судлов асослари. Дарслик. Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2025. 248 б.
5. Саҳаддинов С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
6. Bassiouni M. Cherif. International Extradition United States Law and Practice. 6th ed. Oxford: Oxford University Press, 2014.
7. Boister N. An Introduction to Transnational Criminal Law. 2nd ed. Oxford: Oxford University Press, 2018.
8. Council of Europe. Second Additional Protocol to the Convention on Cybercrime on enhanced co-operation and disclosure of electronic evidence. Strasbourg, 2022.
9. United Nations Office on Drugs and Crime. Manual on Mutual Legal Assistance and Extradition. New York: United Nations, 2012.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЖАРАЁНИГА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ КИРИТИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАР

АННОТАЦИЯ: *мақолада айблов хужжати билан судга келиб тушган, аммо суд муҳокамаси бошлангунига қадар тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини дастлабки эшитувда ҳал қилиш масаласи таҳлил қилинади. ЖПК нинг 405[3]-моддасидаги умумий тугатиш асоси билан 405[10]-моддадаги чекланган ҳаволалар ўртасидаги норматив узилиш кўрсатилади. Ярашув оддий қўшимча банд эмас, балки жабрланувчининг мажбурий иштироки, ихтиёрийлик ва тазйиқсизликни суд текшируви, ҳимоячининг иштироки, муваффақиятсиз музокаралар бўйича далилий иммунитет, оилавий зўравонлик ишлари учун истисно ҳамда шикоят кафолатларини ўз ичига олган махсус модуль сифатида таклиф этилади.*

Калит сўзлар: *дастлабки эшитув, ярашув, жиноят ишини тугатиш, ресторатив адлия, медиация, жабрланувчи, суд назорати, процессуал иқтисод.*

Дастлабки эшитув — ишни моҳиятан ҳал қилиш эмас, балки суд муҳокамасига қадар процессуал тўсиқларни суд назоратида бартараф этиш босқичидир. ЖПК 405[3]-моддаси уни иш юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш, ишни прокурорга қайтариш, бирлаштириш ва номақбул далилларни чиқариш учун назарда тутади. Аммо 405[10]-моддадаги ҳаволалар ярашувни қамраб олмайди, 62-боб эса асосан судгача ариза билан махсус тартибда юборилган ишга мўлжалланган. Шу боис одатдаги айблов иши судга келгандан кейинги ярашув учун аниқ процессуал йўл йўқ.

Ярашув, Олий суд Пленуми изоҳлаганидек, айбдорлик масаласини ҳукм билан ҳал қилмасдан ишни тугатишга олиб келувчи нореабилитация асосидир. ЖК 66[1]-моддаси тегишли жиноят, айбга иқрорлик, жабрланувчи билан ярашиш ва зарарни бартараф этишни талаб қилади. ЖПК 583-моддаси аризани турли босқичларда беришга йўл қўяди, оилавий (маиший) зўравонлик ишларида эса фақат суд муҳокамасида тақдим этиш кўзда тутилган. Ярашув ҳам, дастлабки эшитув ҳам тўлиқ суд терговисиз қонуний якунга олиб келиши мумкин, бироқ ярашув жабрланувчининг эркин иродаси ва тиклов натижасини махсус текширишни талаб қилади. Демак, ечим — умумий рўйхатни механик кенгайтириш эмас, махсус кафолатли модуль яратишдир.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар турли ёндашувларни илгари сурадилар. Хусусан, С.Н. Эсаналиев ва Д.С. Довудованинг дастлабки эшитувда иш моҳиятан кўрилмаслиги ҳақидаги ёндашуви реабилитация асосларига татбиқан ўринли. Аммо ярашувда суд айбни ҳукм даражасида исботламайди: у ЖК 66[1]-моддаси шартлари, тарафлар иродаси ва зарар қопланганини текширади. Иқрорликни баҳолаш ҳам “айб исботланганми?” деган савол эмас, балки унинг ҳимоячи иштирокида эркин ва англанган ҳолда берилганини текшириш билан чекланиши лозим.

С.М. Сахаддинов эса ярашувни алоҳида иш юритиш, ошкоралик, тезкорлик, тарафлар тенглиги ва шикоят кафолатлари билан боғлайди. Бу унинг функционал интеграциясини инкор этмайди: 584-модда бўйича судгача берилган ариза махсус тартибда кўрилади, одатдаги иш судга келгандан кейинги ярашув эса дастлабки эшитув модулида ҳал қилинади. Бунда 405[6]-моддадаги жабрланувчи келмаслигига йўл қўювчи умумий қоида қўлланмаслиги лозим.

А.У. Нишоновга кўра, медиациянинг ихтиёрийлик ва махфийлик кафолатлари муҳим, аммо медиация келишувга эришиш жараёни, ЖПКдаги ярашув эса жиноий жавобгарликдан озод қилишга олиб келувчи суд қароридир. Шу боис музокара баёнотлари махфий ва исботда фойдаланилмайдиган бўлиши, якуний розилик ва иқрорлик эса ҳимоячи иштирокида судда алоҳида текширилиши керак. С. Махмудов ва М.Ҳ. Рустамбаевнинг моддий шартлар ҳақидаги қарашлари айнан шу процессуал шакл билан тўлдирилади.

Хорижлик ҳуқуқшунослардан Ҳ. Зер ресторатив адлияни зарар ва эҳтиёжларни аниқлаш, уни бартараф этиш ва манфаатдор шахсларни жалб қилиш билан боғлайди. Н. Кристи низо иштирокчиларига ўз овозини қайтаришни талаб қилади; Ж. Брейтуэйт эса кучлар нотенглиги шароитида ҳуқуқий чекловлар, шикоят ва адолатли процедура устуворлигини кўрсатади. Ушбу қарашларнинг синтези ярашувга доир суд мажлисида жабрланувчининг шахсий иштирокини ва мустақил суд назоратини талаб қилади. БМТнинг 2002 йилги принциплари ҳамда Европа Кенгашининг 1999 ва 2018 йилги тавсиялари эркин, хабардор ва қайтариб олиниши мумкин бўлган розилик, хавфсизлик ва кучлар мувозанатини таъминлашни белгилайди.

Бу йўналишда хорижий давлатлар амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, Германия ЖПКнинг 155а-параграфи прокуратура ва суддан ҳар бир босқичда ярашув имкониятини текширишни талаб қилади, аммо жабрланувчининг очиқ иродасига қарши бундай жараёнга йўл қўймайди. Ўзбекистон учун шу тамойилни қабул қилиш мақсадга мувофиқ, аммо суд фақат ҳуқуқни тушунтириб, мустақил медиаторга мурожаат имконини кўрсатиши, лекин келишувга ундамаслиги шарт.

Россия ЖПК ярашув бўйича тугатиш асоси мавжуд бўлса, дастлабки эшитувда қарор қабул қилишга имкон беради. Миллий муаммо эса умумий формуланинг йўқлигида эмас, балки 405[3] ва 405[10]-моддалар ўртасидаги номутаносибликдадир. Шунинг учун фақат янги банд эмас, иштирок, текширув ва қарор нормаларини ҳам уйғун ўзгартириш зарур.

Қозоғистон амалиёти ярашув бўйича тугатиш масаласини дастлабки эшитувда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатади. Бу тажриба муқобил якуний қарор суд муҳокамасигача қабул қилиниши тизимни бузмаслигини тасдиқлайди. Бироқ миллий моделда прокурор хулосаси жабрланувчининг эркин иродасини алмаштирмаслиги, суд эса прокурор позицияси билан боғланмаслиги керак.

Ярашув учун тўлиқ суд тергови зарур эмас, аммо ишни формал ёпиш ҳам мумкин эмас, чунки натижа жавобгарликдан озод этишга ва жабрланувчининг қайта тиклашни талаб қилиш ҳуқуқини йўқотишига олиб келади. Дастлабки эшитув – умумий муҳокама билан 62-бобдаги махсус тартиб ўртасидаги мутаносиб шаклдир; у судга келган ишни прокурорга қайтаришнинг олдини олади.

Айблов хулосаси билан келган ишда зарар қопланиб, жабрланувчи суд муҳокамасидан олдин ярашув аризаси берса, масала махсус мажлисда ҳал қилиниши керак. Бир неча жабрланувчи бўлса, ҳар бири билан ярашув ва зарар қопланган текширилади. Бўлиб-бўлиб тўлаш ёки келгуси хизмат ҳақидаги ваъда эса амалдаги “зарар бартараф этилган” талаби ўрнини босмайди.

Иқтисодий, оилавий, хизмат ёки криминал босим ташқи кўринишдаги ихтиёрий келишувни сохталаштириши мумкин. Суд жабрланувчини айбланувчисиз сўраш, махфий маслаҳат учун вақт бериш, зарур ҳолда психолог ёки қўллаб-қувватлаш хизмати мутахассисини жалб этиш ва муҳофаза чораларини кўриш имконига эга бўлиши зарур. Бу медиация эмас, ихтиёрийликни суд текширишидир.

Ярашув рад этилса, кечирим, таклиф, музокара ёки ушбу мақсаддаги баёнотлар айбдорлик далилига айланса, тарафлар ростгўй мулоқотдан воз кечади. Шу боис уларга нисбатан далилий иммунитет белгиланади; ярашувдан мустақил олинган қонуний далиллар эса ўз кучини сақлайди.

Ярашув ихтиёрий эмаслиги, зарар қопланмагани ёки оғирроқ жиноят аломатлари бўлса, тугатиш рад этилади. Барча ҳолатда ишни прокурорга

қайтариш шарт эмас: фақат судда бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқ ёки оғирроқ квалификация аломатлари мавжуд бўлганда шу чора қўлланади; бошқа ҳолатда иш суд муҳокамасига тайинланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПК 405^3-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги 6-банд билан тўлдириш таклиф этилади:

"айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан судга келиб тушган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси бошлангунига қадар ушбу Кодекснинг 583-моддасига мувофиқ ярашув тўғрисидаги ариза берилган бўлса, тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш масаласини ҳал қилиш, бундан ушбу Кодекс 583-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ишлар мустасно".

Норма фақат одатдаги айблов иши, суд муҳокамаси бошлангунига қадар берилган ариза ва оилавий зўравонлик бўйича истисноға тааллуқли; судгача берилган ариза 584–586-моддалар бўйича кўрилади.

Ярашув мажлисида жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили, айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчисининг иштироки шарт бўлиши керак. Мажлис, қоида тариқасида, очиқ ўтказилади; жабрланувчи хавфсизлиги, шахсий ҳаёти ёки вояга етмаган шахс манфаатларини ҳимоя қилиш зарур бўлса, асослантирилган ажрим билан тўлиқ ёки қисман ёпиқ ўтказилади.

Ярашув рад этилганда судья музокаралар ва иқрорликка доир маълумотни билади. Шу сабабли ташкилий имконият бўлса, у ишни моҳиятан кўрмаслиги мақбул. Бундай имконият бўлмаган судларда баённомада музокара тафсилотларини чеклаш, далилий иммунитет ва рад этиш ажримида айбдорликка баҳо бермаслик холислик хавфини камайтиради.

405^{14}-моддада ярашув муносабати билан тугатиш ва тугатишни рад этиб ишни суд муҳокамасига тайинлаш қарорлари алоҳида кўрсатилиши керак. Ажримда ярашув асослари, текширилган шартлар, зарар қопланган ва ҳуқуқий оқибатлар баён қилинади. Нусха тарафларга дарҳол берилиб, хусусий шикоят ҳуқуқи тушунтирилади; шикоят тезкор тартибда кўрилади.

Амалдаги ЖПКда 405^3-моддадаги умумий тугатиш асоси билан 405^{10}-моддадаги чекланган амалга ошириш механизми ўртасида норматив узилиш мавжуд. У одатдаги айблов иши судга келгандан кейинги ярашув учун аниқ шакл қолдирмайди. Таклиф этилаётган махсус дастлабки эшитув модули ресторатив адлия, процессуал дифференциация, жабрланувчининг субъектлиги, оқилона муддат ва суд назоратини уйғунлаштиради.

Ислоҳот 405^3-моддага янги асос киритиш билан чекланмаслиги керак: 405^6-моддада иштирок ва очиқлик режими, 405^{11}-моддада текширув мезонлари ва далилий иммунитет, 405^{14}–405^{15}-моддаларда қарор ва шикоят тартиби белгиланиши лозим. Суд медиатор эмас, ярашувнинг қонунийлиги ва ихтиёрийлигини кафолатловчи орган бўлиб қолади. Шундагина жабрланувчи манфаати реал тикланади, айбланувчи масъулиятни онгли қабул қилади ва иш адолатли ҳамда ўз вақтида тугатилади.

Қиёсий таҳлил Германиянинг ҳар бир босқичда ярашув имкониятини текшириш, Россиянинг умумий тугатиш асосидан фойдаланиш ва Қозоғистоннинг дастлабки эшитувни амалий платформа сифатида қўллаш тажрибалари миллий қонунчилик учун муҳим эканини кўрсатди. Бироқ уларни механик кўчириш мумкин эмас: жабрланувчи иродаси прокурор хулосаси билан алмаштирилмаслиги, келишувга суд томонидан босим ўтказилмаслиги ва оилавий зўравонликка оид қонунчилик чеклови тўлиқ сақланиши зарур. Амалиётда суд барча жабрланувчилар билан ярашув, зарарнинг амалда қопланган, айбланувчининг ҳимоячи иштирокидаги розилиги ҳамда тазйиқ йўқлигини текшириши керак. Шартлар бажарилмаса, ишни прокурорга автоматик қайтариш эмас, уни суд муҳокамасига тайинлаш асосий ечим бўлади; прокурорга юбориш фақат қонунда белгиланган зарурат бўлганда қўлланади.

Сарвар МАМАДИЕВ,
юридик фанлар номзоди, доцент в.б Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023 // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/6445145.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994 (2026 йил 4 август ҳолатига).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 (2026 йил 4 август ҳолатига).
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сон "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/5295912.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ-978-сон "Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/7165389.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 27-сон "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/1453539.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2022 йил 14 майдаги 6-сон "Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/6033146.
8. Esanaliev S.N. Jinoyat prosessida dastlabki eshituv institutining o'ziga xos xususiyatlari // Journal of Science, Research and Teaching. 2023. Vol. 2. No. 8. P. 73–78. URL: https://jsrt.innovascience.uz/index.php/jsrt/article/view/275.
9. Эсаналиев С.Н. Жиноят процессида дастлабки эшитув институтини такомиллаштириш: юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати.
10. Dovudova D.S. Preliminary hearing of criminal cases: features, issues and need for improvement // International Journal of Law and Criminology. 2022. Vol. 2. No. 8. P. 19–24. URL: https://inlibrary.uz/index.php/ijlc/issue/view/1750.
11. Сахаддинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент, 2005.
12. Сахаддинов С.М. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Тошкент, 2013.
13. Нишонов А.У. Жиноят процессида медиация институти: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: магистрлик диссертацияси. Тошкент, 2021
14. Махмудов С.А. Жиноят ишини тугатиш асоси сифатида ярашув ва хусусий айбловнинг ўзига хос жиҳатлари // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. 2023. № S/4 (3). Б. 393–399. DOI: https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N49.
15. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021
16. Zehr H. The Little Book of Restorative Justice. Intercourse, PA: Good Books, 2002.
17. Christie N. Conflicts as Property // The British Journal of Criminology. 1977. Vol. 17. No. 1. P. 1–15. DOI: https://doi.org/10.1093/oxfordjournals.bjc.a046783.
18. Braithwaite J. Restorative Justice and Responsive Regulation. Oxford: Oxford University Press, 2002.
19. Braithwaite J. Setting Standards for Restorative Justice // The British Journal of Criminology. 2002. Vol. 42. No. 3. P. 563–577. DOI: https://doi.org/10.1093/bjc/42.3.563.
20.Braithwaite J. Principles of Restorative Justice // von Hirsch A., Roberts J.V., Bottoms A.E., Roach K., Schiff M. (eds.). Restorative Justice and Criminal Justice: Competing or Reconcilable Paradigms? Oxford: Hart Publishing, 2003. P. 1–20.
21.United Nations Economic and Social Council. Resolution 2002/12 of 24 July 2002. Basic principles on the use of restorative justice programmes in criminal matters. URL: https://ecosoc.un.org/sites/default/files/documents/2023/resolution-2002-12.pdf.
22.United Nations Office on Drugs and Crime. Handbook on Restorative Justice Programmes. 2nd ed. Vienna: United Nations, 2020.
23.Council of Europe. Recommendation No. R (99) 19 of the Committee of Ministers to member States concerning mediation in penal matters. Adopted on 15 September 1999. URL: https://rm.coe.int/1680706970.
24.Council of Europe. Recommendation CM/Rec(2018)8 of the Committee of Ministers to member States concerning restorative justice in criminal matters. Adopted on 3 October 2018. URL: https://rm.coe.int/09000016808e35f3.
25.Strafprozeßordnung (StPO) in der Fassung der Bekanntmachung vom 7. April 1987 (BGBl. I S. 1074, 1319). §§ 153a, 155a, 155b. URL: https://www.gesetze-im-internet.de/stpo/.
26.Strafgesetzbuch (StGB) in der Fassung der Bekanntmachung vom 13. November 1998 (BGBl. I S. 3322). § 46a. URL: https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/__46a.html.
27.Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 № 174-ФЗ. Статьи 25, 229, 239. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/.
28.Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V. Статьи 35, 36, 321, 327. URL: https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231.
29. Нормативное постановление Верховного Суда Республики Казахстан от 8 декабря 2017 года № 10 "О некоторых вопросах применения судами норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу". URL: https://adilet.zan.kz/rus/docs/P170000010S.
30. Назаров Р.Т. Ўзбекистон жиноят процессуал қонунчилигида дастлабки эшитув институти // Modern Science and Research. 2025. Vol. 4. No. 7. Б. 73–75. DOI: https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/119234.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД ХАБАРНОМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик принципининг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг шаклланиш тарихи ва замонавий халқаро стандартлардаги ўрни таҳлил қилинган. Инглиз-америка ҳуқуқий тизимида шаклланган "open justice" концепцияси, Жереми Бентамнинг фалсафий қарашлари, Scott v Scott иши ҳамда замонавий хорижий олимларнинг илмий ёндашувлари ўрганилган. Шунингдек, Европа инсон ҳуқуқлари стандартлари, Европа суди амалиёти ва рақамли технологияларнинг суд ошкоралигига таъсири тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида фуқаролик ишлари бўйича ошкораликни таъминлаш механизмининг асосий процессуал-ҳуқуқий элементлари аниқланган.*

Калит сўзлар: *суд хабарномаси, фуқаролик процесси, ошкоралик принципи, суд мажлиси, суд қарорлари, рақамли адлия, шаффофлик, жамоатчилик назорати, одил судлов, инсон ҳуқуқлари.*

Фуқаролик суд ишларини юритишда иш кўришнинг ошкоралиги тамойилининг амалда рўёбга чиқиши, аввало, процесс иштирокчиларининг суд жараёни ҳақида тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор қилинишига бевосита боғлиқ. Шахс суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида лозим даражада хабардор қилинмаса, у ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, далиллар тақдим этиш, тарафларнинг узаро тортишувида иштирок этиш каби имкониятлардан маҳрум бўлади.

Бугунги кунда бу жараён анъанавий (қоғоз шаклидаги почта, шахсан топшириш) ва замонавий рақамли усуллар (электрон почта, СМС-хабарнома, веб-порталлар орқали хабардор қилиш, "шахсий кабинет" тизимлари) ўзаро уйғунлашган ҳолда амалга оширилмоқда.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, у фуқароларга судьяларнинг фаолияти билан бевосита танишиш, уни жамоатчилик назорати остига олиш имконини беради ва шу орқали фуқаролик ишларининг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлайди.

Ҳуқуқшунос олим, профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрига кўра, фуқаролик ишларининг очиқ, ошкора кўрилиши процесс иштирокчилари ҳамда суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларда катта таассурот қолдириб, суд жараёнининг тарбиявий ролини таъминлайди[1].

Ўз навбатида, Д.Ю.Хабибуллаев эса суд муҳокамасининг ошкоралигини, бир томондан, суд иш юритувининг демократиклик белгиси, иккинчи томондан эса конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули сифатида таърифлайди[2].

Шу нуқтаи назардан, суд хабарномаларидан фойдаланиш ошкоралик тамойилининг "кириш эшиги" вазифасини бажаради.

Суд хабарномаларини қўллашга доир халқаро стандартларда одил судловга бўлган ҳуқуқнинг халқаро-ҳуқуқий кафолатлари тизимида тарафларни тегишли тартибда хабардор қилиш масаласи марказий ўрин эгаллайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддаси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси ҳар бир шахснинг ўз ишининг адолатли ва очиқ кўрилишига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлайди[4]. Бу эса тарафнинг жараён ҳақида хабардор бўлишини зарурий шарт сифатида назарда тутади.

Европа Кенгашининг Судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси (CEPEJ) томонидан 2021 йил 9 декабрда қабул қилинган "Судларнинг электрон тарзда мурожаатларни қабул қилиш (e-filing) ва рақамлаштириш бўйича йўриқномаси"да электрон коммуникациянинг қуйидаги икки таркибий қисми ажратиб кўрсатилган: биринчиси, тарафлар, вакиллар ва бошқа шахслар томонидан ҳужжатларнинг электрон шаклда судга тақдим этилиши; иккинчиси, суд томонидан процессуал ҳужжатларнинг электрон каналлар орқали тарафларга етказилиши ва хабарномалар юборилиши[4].

Шунингдек, CEPEJнинг 2021 йил 8–9 декабрда қабул қилинган суд тизимини рақамлаштириш бўйича Ҳаракатлар режасида одил судлов фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, фойдаланувчилар учун қулай ва ўзаро мослашувчан рақамли коммуникация воситаларини жорий этиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Бунда рақамлаштириш судьянинг жараёндаги марказий ролини алмаштирмаслиги, балки уни қўллаб-қувватлаши лозимлиги алоҳида таъкидланган[5].

Хорижий давлатларнинг суд хабарномаларини қўллашга доир англо-саксон ҳуқуқ тизими давлатлари (масалан, АҚШ) тажрибасига тўхталадиган бўлсак, АҚШнинг Федерал фуқаролик процессуал қоидаларининг (Federal Rules of Civil Procedure) 5-қоидасида процессуал ҳужжатларни тарафларга етказиш усуллари батафсил тартибга солинган[6].

Қоидага кўра, ҳужжат расмий равишда рўйхатдан ўтган фойдаланувчига суднинг электрон рўйхатдан ўтказиш тизими (electronic-filing system) орқали топширилиши ёхуд тараф ёзма равишда розилик берган бошқа электрон восита орқали жўнатилиши мумкин. Бундай ҳолатда хабарнома топшириш фактини жўнатилган ёки топширилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бироқ агар жўнатувчи хабарномани олувчи томонга етиб бормаганлигини билиб қолса, бу ҳолат топшириш ҳақидаги тахминни рад этади.

Романо-герман ҳуқуқ тизими давлатлари, хусусан Германия Фуқаролик процессуал кодексининг (Zivilprozessordnung, ZPO) §173-моддаси электрон ҳужжатларни топшириш тартибини тартибга солади. Бунда "ишончли қабул қилувчилар" (zuverlässige Empfänger) тоифасига кирувчи адвокатлар, нотариуслар ва бошқа профессионал иштирокчилар учун хавфсиз узатиш йўли (sicherer Übermittlungsweg) орқали электрон топшириш мажбурий тартибда жорий этилган. ФПК §175-моддасининг 4-бандига мувофиқ, топшириш ҳақидаги тасдиқнома (Empfangsbekenntnis) ёзма равишда, факсимиле орқали ёки электрон ҳужжат шаклида (§130a) судга жўнатилиши лозим[7].

МДҲ давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам ўзига хос тартибга амал қилинади. Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 113-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар буюртма хати билан жўнатилган хат, топшириш ҳақида хабар берадиган суд чақирув қоғози, телефонограмма ёки телеграмма, факсимиле алоқа воситалари ёхуд хабарномани ва уни адресатга топширилишини қайд этиш имконини берувчи бошқа алоқа ва етказиб бериш воситалари орқали хабардор қилиниши мумкин[8].

Россия суд тизимида амалга оширилаётган "ГАС Правосудие" давлат автоматлаштирилган тизими доирасида электрон хабарномалар Ягона давлат хизматлари порталининг (ЕПГУ) шахсий кабинети орқали, тарафнинг бундай тартибда хабардор қилинишига розилиги мавжуд бўлган тақдирда юборилиши мумкин.

Россиялик ҳуқуқшунос олим И.Н.Бартошнинг тадқиқотида қайд этилишича, СМС-хабарномалар фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнига электрон хабарномаларнинг тарихан илк шакли сифатида киритилган бўлса-да, улар ҳозиргача Россия ФПКда бевосита мустаҳкамланмаган.

Қозоғистон Республикасида суд органларининг "Төрелік" ахборот-таҳлил тизими доирасида процесс иштирокчиларини СМС-хабарлар ва электрон почта орқали хабардор қилиш тизими амал қилади[9]. Бунда "Сот ка-

бинеті" электрон хизмати орқали тарафлар ишнинг боришини масофадан кузатиш ва ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятига эга.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ошкоралигини таъминлашга каратилган суд хабарномаларини татбиқ этишда Хитой тажрибаси эътиборга лойиқ. Масалан, Хитой Халқ Республикасида "Ақлли суд" (智慧法院, Smart Court) концепцияси доирасида процессуал ҳужжатларни электрон почта ёки қисқа хабар (СМС) орқали автоматик тарзда юбориш тизими амал қилади. Унга кўра, 2021 йил 1 августдан кучга кирган Халқ судларининг онлайн судлов қоидаларига мувофиқ, тарафнинг онлайн усулдан фойдаланишга аниқ ва огоҳ розилиги (informed consent) олиниши шарт қилиб қўйилган. Шунингдек, тараф истаган вақтда ушбу розилигини қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эга. Бу эса рақамли одил судлов тизимида шахс автономиясини таъминлашга хизмат қилади[10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган 2017–2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастур доирасида иқтисодий судларда 2018 йил 1 январдан буён электрон ҳужжат алмашинуви, суд статистикасини юритиш ва процессуал муддатлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида марказлаштирилган бошқарув платформасидаги электрон маълумотлар базаси амал қилмоқда[11]. Бугунги кунда "Sud.uz" ва "My.sud.uz" интерактив хизматлар порталлари орқали фуқаролар суд хабарномалари ва чақирув қоғозларини онлайн тарзда олиш, суд ишининг ҳолати ва кўриб чиқилиш жараёнини масофадан кузатиш, видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида иштирок этиш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли фармонига асосан тасдиқланган "Рақамли суд" концепцияси мамлакат суд тизимини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган бўлиб, унинг таркибий йўналишлари қаторида ариза бериш ва ҳужжат айланмасини тўлиқ электронлаштириш, суд иштирокчиларининг масофадан қатнашишини таъминлаш ҳамда суд жараёнларини автоматлаштириш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Концепцияга мувофиқ, 2025 йил охиригача Тошкент шаҳрида тажриба тарзида махсус суд заллари ташкил этилиши, 2026–2027 йилларда эса ушбу тизим республика миқёсида босқичма-босқич жорий этилиши режалаштирилган[12].

Суд хабарномаларини қўллашга доир суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш масалаларига доир статистик маълумотларга қараганда, маъмурий судлар томонидан суд ҳужжатларини қайта кўриш тўғрисидаги аризалар сони барқарор ўсиш тенденциясига эга. Хусусан, 2021 йилда 396 та, 2022 йилда 499 та, 2023 йилда 526 та, 2024 йилда эса 573 та ариза қайд этилган. Ушбу кўрсаткичларнинг ичил ўсиши, бошқа сабаблар қаторида тарафнинг ишга оид муҳим ҳолатлардан, шу жумладан суд мажлиси ҳақидаги хабарномадан ўз вақтида хабардор бўлмаганлиги билан боғлиқ можароларнинг кўпайиб бораётганлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган хорижий тажриба, халқаро стандартлар ва миллий амалиёт таҳлили асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин бўлади:

1) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 156-моддасида "электрон суд хабарномаси" тушунчасини алоҳида мустаҳкамлаш ва унга Кодекснинг қоғоз шаклидаги хабарномага тенг ҳуқуқий ҳужжат мақоми беришни назарда тутувчи норма киритиш, бунда Германия ZPOсининг §173-моддасидаги "ишончли қабул қилувчи" тоифасига ўхшаш тарзда, адвокатлар, юридик шахслар ва давлат органлари учун электрон хабарномани мажбурий тартибда қабул қилиш каналини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

2) АҚШнинг Федерал Фуқаролик процессуал қоидаларидаги ёндашувга мувофиқ, электрон хабарномани "жўнатилган пайтдан бошлаб топширилган ҳисобланади, башарти жўнатувчи унинг етиб бормаганлигини билиб қолмаса" тарзидаги ҳуқуқий тахминни (presumption of receipt) ва бунинг исботланиш мажбуриятини жўнатувчи зиммасига юкловчи нормани киритиш;

3) Россия ва Қозоғистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биринчи марта судга чақириш тўғрисидаги хабарномани фақат анъанавий усул (почта, шахсан топшириш) ёки тарафнинг олдиндан ёзма розилиги мавжуд бўлган электрон канал орқали юбориш, такрорий хабарномалар учун эса СМС ва электрон почтадан кенг фойдаланишни процессуал жиҳатдан тартибга солиш;

4) Хитойдаги "Ақлли суд" тажрибасига мувофиқ, электрон хабарнома ва онлайн иштирок усулидан фойдаланишга тарафнинг аниқ ва огоҳ розилигини олиш, шунингдек унинг исталган вақтда ушбу розилигини бекор қилиш ва анъанавий усулга қайтиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, бу билан рақамли ва анъанавий усуллар ўртасида тарафнинг ихтиёрий танлов ҳуқуқини кафолатлаш;

5) Электрон почта ёки СМС орқали хабарнома юборилган тарафга жавоб бериш ёки суд мажлисига тайёргарлик кўриш учун қўшимча муддат (масалан, 2–3 иш куни) беришни назарда тутувчи нормани киритиш таклиф этилади. Бу, ўз навбатида техник носозликлар туфайли хабарноманинг кечикиб етиб бориши хатарларини компенсация қилади;

6) CEPEJнинг e-filing йўриқномасида кўрсатилган фойдаланувчи марказийлиги ва маълумотларни ҳимоя қилиш тамойилларига мувофиқ, "Рақамли суд" концепцияси доирасида ишлаб чиқилаётган электрон хабарнома тизимининг ёлғиз техник, балки ҳуқуқий ва процессуал жиҳатларини ҳам комплекс тарзда қонун даражасида тартибга солиш зарурлигини инобатга олган ҳолда Фуқаролик процессуал кодексининг 16-бобига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, суд хабарномаларини қўллаш институтини такомиллаштириш фуқаролик ишларининг ошкоралиги тамойилини шакл жиҳатидан эмас, моҳиятан таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этиш, шунингдек халқаро стандартларга мувофиқ процессуал кафолатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган "Рақамли суд" концепциясининг муваффақиятли татбиқ этилишига, шу орқали фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эркин САБИРОВ,

Одил судлов академияси Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шорахметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2010.

2. Хабибуллаев Д. Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари: ўқув қўлланма / Ш. Ш. Шорахметов таҳрири остида. — Тошкент: ТДЮИ, 2006.

3. Мамасиддиқов М. М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм: дарслик / масъул муҳаррир О. Оқюлов. — Тошкент: ТДЮИ, 2010.

4. European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ). Guidelines on Electronic Court Filing (e-filing) and Digitalisation of Courts. CEPEJ(2021)15. 9 December 2021. URL: https://rm.coe.int/e-filing-en/1680b2ca1c.

5. CEPEJ. 2022–2025 Action Plan: Digitalisation for a Better Justice. CEPEJ(2021)12Final. Adopted 8–9 December 2021. URL: https://rm.coe.int/cepej-2021-12-en-cepej-action-plan-2022-2025-digitalisation-justice/1680a4cf2c.

6. Federal Rules of Civil Procedure. Rule 5: Serving and Filing Pleadings and Other Papers // Cornell Law School, Legal Information Institute. URL: https://www.law.cornell.edu/rules/frcp/rule_5.

7. Zivilprozessordnung (ZPO). §173; §175 Abs. 4 // Gesetze im Internet. URL: https://www.gesetze-im-internet.de/zpo/__173.html; https://www.gesetze-im-internet.de/zpo/__175.html.

8. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14 ноября 2002 года №138-ФЗ. Статья 113. Действующая редакция // КонсультантПлюс. URL: https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/9acb58923613923b40d6c2121c685a48d1987c1a/.

9. Электронное правосудие // ИС "Параграф". 2 ноября 2017 года. URL: https://prg.kz/Document/?doc_id=33749812.

10. Beckett N., Chen K. CMS Expert Guide to Digital Litigation in China. 11 May 2023. URL: https://cms.law/en/int/expert-guides/cms-expert-guide-to-digital-litigation/china.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. URL: https://lex.uz/docs/3327998.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сон "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. URL: https://lex.uz/docs/7696567.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *Ушбу мақолада жиноят процессида ярашув институтининг назарий-ҳуқуқий асослари, миллий қонунчиликдаги процессуал механизмлари ва уни амалиётда қўллашнинг долзарб муаммолари тикланувчи одил судлов концепцияси доирасида чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада Олий суд томонидан эълон қилинган сўнгги суд статистикаси кўрсаткичлари, жумладан, 2025 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ярашув институти самарали қўлланилиши натижасида 13 224 нафар шахсларнинг жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги динамикаси ҳамда маҳаллий судлар амалиёти умумлаштирилган. Шунадай бўлса-да, амалиётда жабрланувчининг позициясини муҳофаза қилиш, тазйиқ ўтказиш хавфини бартараф этиш, етказилган зарарни қоплаш мезонлари ва медиация институти билан интеграцияда тизимли коллизиялар мавжудлиги асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *ярашув институти, тикланувчи одил судлов, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, медиация, жабрланувчининг ҳуқуқлари, процессуал кафолатлар, етказилган зарарни қоплаш.*

Замонавий жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи фанларида жиноий сиёсатни изчил либераллаштириш, давлатнинг жазолаш монополиясини муайян даражада чеклаш ҳамда инсонпарварлик тамойилини устувор қадриятга айлантириш марказий ўринда туради. Жиноят ҳуқуқининг аниқ жазолаш моделидан тикланувчи одил судлов моделига босқичма-босқич ўтиши жамиятда ижтимоий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, жиноятдан жабрланган шахснинг бузилган ҳуқуқлари, моддий ва маънавий манфаатларини жадал тиклаш ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта ижтимоийлаштиришга хизмат қилади. Тикланувчи одил судлов концепциясининг мазмуни фақат айбдорни жазолаш билан чекланмасдан, балки жиноий тажовуз натижасида бузилган ижтимоий мувозанатни қайта тиклаш, жабрланувчига етказилган жисмоний, маънавий ва мулкий зарарни тўлиқ қоплаш ҳамда тарафлар ўртасидаги низога муросали ечим топишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида жиноий-ҳуқуқий муносабатларни либераллаштиришда ярашув институти (ЖК 66[1]-моддаси ва ЖПК 62-боби) фундаментал аҳамиятга эга. Давлат раҳбарининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва низоларни муқобил ҳал этишга оид фармон ҳамда қарорларида маҳалла даражасида ва суд жараёнида муроса механизмларини кенг жорий этиш концептуал вазифа қилиб белгиланган. Қонунчилик динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, ЎРҚ-675-сонли қонун билан ЖПКга “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” (62[1]-боб) институтининг киритилиши ҳамда ЎРҚ-978-сонли қонун билан оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича ярашув аризасини беришнинг фақат суд муҳокамаси босқичи билан чекланиши ярашув институтининг процессуал доираларини тобора аниқлаштириб бермоқда. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133 ва 134-моддалари бўйича ҳам ярашув нормаларининг жорий этилиши ушбу институтнинг ижтимоий қамрови кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан эълон қилинган 2025 йилги расмий статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 63 177 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 79 554 нафар шахсга нисбатан тегишли суд қарорлари қабул қилинган. Ушбу даврда судланганлик ҳолатини камайтириш ва жабрланувчиларга етказилган зарарни тезкор қоплашда ярашув институти фаол қўлланилиб, унинг самарали ишлаши натижасида 13 224 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган ва уларга нисбатан жиноят ишлари тугатилган. Судланганларнинг умумий таркибида (63 340 нафар) 55 829 нафари эркаклар, 7 511 нафари аёллар, 23 973 нафари ёшлар (шу жумладан 2 431 нафари вояга етмаганлар) ва 2 830 нафари 60 ёшдан ошган шахсларни ташкил этган. Туманлар микёсидаги эмпирик маълумотлар ҳам ушбу институтнинг юқори аҳамиятини тасдиқлайди: хусусан, Сурхондарё вилояти ЖИБ Қумқўрғон туман суди томонидан 2025 йил давомида 258 нафар шахсга нисбатан 208 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлиб, шундан 42 нафар шахсга нисбатан 41 та жиноят иши айнан ЖК 66[1]-моддаси асосида — айбига иқрор бўлиб, зарарни тўлиқ бартараф этгани ва ярашгани сабабли тугатилган.

Амалиётдаги энг жиддий процессуал муаммолардан бири — ярашув жараёнида жабрланувчининг ҳақиқий эрк ифодаси ва ихтиёрийлигини тўлиқ кафолатлаш ҳамда унга нисбатан руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш хавфини бартараф этишдан иборат. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида айбдор шахс, унинг қариндошлари ёки жиноий шериклари томонидан жабрланувчи ёки унинг оила аъзоларига аризани қайтариб олиш ёки ярашишга мажбурлаш мақсадида яширин босим ўтказиш ҳолатлари учраб туради. Қонунчиликда жабрланувчининг ярашув аризасини бериш пайтида эркин ва мустақил қарор қабул қилганини текширувчи махсус процессуал тестлар ёки суҳбат протоколлари назарда тутилмаганлиги суд-тергов органларининг юзаки ёндашувига олиб келмоқда.

Иккинчи тизимли муаммо — жиноят муносабати билан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш мезонларининг ноаниқлиги ҳамда уни баҳолашдаги субъективизмдир. ЖК 66[1]-моддасида “етказилган зарарни бартараф этса” деган императив шарт қўйилган бўлса-да, амалиётда фақат бевосита моддий зарар инобатга олинмоқда, маънавий зарар ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар (соғлиқни тиклаш харажатлари) эса эътибордан четда қолмоқда. Маънавий зарарни қоплаш миқдори ва шакли тарафларнинг ўзаро келишувига ташлаб қўйилгани сабабли, айбдорнинг молиявий имконияти паст бўлган ҳолларда жабрланувчининг манфаатлари тўлиқ қаноатлантирилмасдан ҳам сохта ярашув битимлари тузилиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Учинчи муҳим муаммо — жиноят-процессуал қонунчилиги ва “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўртасидаги функционал коллизия ҳамда жиноят процессида профессионал медиатор мақомининг мавжуд эмаслигидир. Амалдаги “Медиация тўғрисида”ги Қонун асосан фуқаролик, оилавий ва меҳнат низоларига қаратилган бўлиб, ЖПКда ярашувни расмийлаштириш суриштирувчи, терговчи ва судья зиммасига юкланган. Бу ҳолат тергов ва суд органига бир вақтнинг ўзида ҳам айблов, ҳам одил судлов, ҳам яраштирувчилик (муросачилик) функциясини юклаб, манфаатлар коллизиясини келтириб чиқаради ҳамда профессионал медиатив усуллардан фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Тикланувчи одил судлов соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади. БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг (ECOSOC) 2002 йил 24 июлдаги 2002/12-сонли Резолюцияси билан тасдиқланган “Жиноят ишларида тикланувчи одил судлов дастурларидан фойдаланиш бўйича асосий тамойиллар” ва БМТ Бош Ассамблеясининг 40/34-сонли Декларациясида ярашув жараёни тарафларнинг тўлиқ ва ихтиёрий розилиги, бетараф медиатор иштироки ҳамда жабрланувчининг хавфсизлиги кафолатланган шароитда ўтказилиши шартлиги белгиланган. Шунингдек, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг Recommendation No. R (99) 19 ва Rec (2006) 8-сонли Тавсияларида жиноят процессининг сифатли ва инсонпарвар бўлиши учун медиация хизматларини давлат томонидан бепул тақдим этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ярашув институтини амалиётга татбиқ этишнинг юқори самарали моделларини намоён этади. Германия ва Францияда жиноят процессида ярашув махсус субъект — профессионал жиноий медиатор томонидан амалга оширилади ва эришилган келишув суд томонидан тасдиқланади. Буюк Британия ва АҚШ тажрибасида эса, агар айбдор шахснинг зарарни қоплашга моддий имконияти бўлмаса, давлат томонидан ташкил этилган махсус Компенсация фондлари орқали жабрланувчига зарар тўлаб берилади ва сўнг айбдорга регресс талаб қўйилади. Қўшни Тожикистон Республикаси ЖПК 30-моддасида ярашувни терговга қадар текширув босқичида ҳам қўллаш тартиби белгиланган бўлса, Қирғизистон Республикаси ЖПКда медиатив келишув ва реституция механизмлари алоҳида боб даражасида тизимлаштирилган.

Миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари таҳлили ярашув институти бўйича қизғин доктринал баҳсни намоён этади. Жабрланувчининг процессуал мақоми борасида Д.Р.Тураева шахсни фақат қарор чиқарилган вақтдан эмас, балки жиноий тажовуз натижасида реал зарар кўрган ондан бошлаб “фактдаги жабрланувчи” сифатида эътироф этиш зарурлигини илгари суради. ЖПК 84-моддаси 1-қисми 6-банди ва ЖПК

325-моддаси бўйича Б.Б.Муродов эса қонундаги "325-моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно" иборасини чиқариб ташлашни таклиф этган бўлса, С.А.Маҳмудов ва Ж.К.Атаниязовлар ушбу мустаснолик айнан прокурорнинг ожиз аҳволдаги жабрланувчи манфаатида аризасиз иш қўзғатиш ваколатига тегишли эканлигини мустаҳкамлашни тавсия этадилар. М.А.Ҳайитов ва Д.Ш.Бекматовалар эса диспозитивлик принципидан келиб чиқиб, жабрланувчининг аризани қайтариб олиш ёки даъводан воз кечиш ҳуқуқини терговнинг сифатли ва очиқ нормалари билан таъминлашни асослаб берадилар.

Ярашув институтининг самарадорлиги нафақат жиноят ишини тугатиш пайтида, балки ярашувдан кейинги постқриминал хулқ-атвор мониторинги ва такрорий (рецидив) жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам намоён бўлиши лозим. Амалдаги тартибда ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахсларга нисбатан ҳеч қандай синов муддати ёки хулқ-атвор назорати ўрнатилмайди, бу эса айрим ҳолларда шахсда жазосизлик ҳиссини келтириб чиқариши мумкин. Маҳалла ва профилактика инспекторлари (пробация хизмати) томонидан "маҳалла еттилиги" тизими орқали ярашган тарафлар ўртасидаги муносабатларни камида 6 ой давомида мониторинг қилиш ва психологик-ижтимоий кўмак кўрсатиш механизмини жорий этиш рецидив жиноятларнинг барвақт олдини олади.

Жиноят процессининг турли босқичларида (суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси) ярашувни расмийлаштиришнинг процессуал муддатлари ва ўзига хос фарқлари мавжуд. ЖПКнинг 584-моддасига мувофиқ, ярашув тўғрисидаги ариза олингач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда ишни судга юбориш ҳақида қарор чиқарилади. Бироқ терговга қадар текширув босқичида ярашув аризаси берилганда ишни қўзғатишни рад этиш механизми аниқ мустаҳкамланмаганлиги сабабли сунъий равишда жиноят иши қўзғатилиб, сўнг тугатилмоқда. Шу сабабли терговга қадар текширув босқичида ҳам ярашув асосида ишни қўзғатишни рад этиш ваколатини суриштирувчи ва терговчига бериш процессуал муддатларни ва давлат ресурсларини тежашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида ярашув институти тикланувчи одил судлов ва инсонпарварлик тамойилларини амалга оширишнинг энг мақбул ва самарали дастагидир. Ушбу институтнинг истиқболдаги ривожи процессуал коллизияларни бартараф этиш, жабрланувчининг ихтиёрийлиги ва хавфсизлигини кафолатлаш, медиация институтини ЖПКга тўлиқ интеграция қилиш ва етказилган зарарни қоплашнинг аниқ мезонларини мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқдир. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган норматив таклифлар миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва суд-тергов амалиётини қонунларни бир хил қўллашни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги аниқ меъёрий ўзгаришлар илгари сурилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66^1-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

"66^1-модда. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш". Унга мувофиқ ЖПК 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш) назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни тўлиқ бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ярашув процесси профессионал медиатор ёки тарафларнинг ўзаро розилиги билан тайинланган холис шахс кўмагида амалга оширилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 6-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

"84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

6) иш фақат жабрланувчининг аризаси билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса ёки ушбу ариза жабрланувчи (ёхуд унинг қонуний вакили) томонидан қайтариб олинган бўлса, ушбу Кодекс 325-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно"

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

325-моддасини қуйидаги мазмунда таҳрир этиш:

Ушбу модда жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишни назарда тутади.

Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141^1-моддасининг биринчи қисмида, 149, 284-моддасининг биринчи қисмида ва 298-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мулкдорнинг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади. Шу боис уни "Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарамлиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилолмайдиган алоҳида ҳолларда, прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт" мазмунда таҳрир қилиш лозим.

4. ЖПК 62-бобини (583–586-моддалар) медиация тартиб-таомилларини мустаҳкамловчи 585^1-модда билан тўлдириш:

"585^1-модда. Ярашув жараёнида медиаторнинг иштироки

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафларнинг илтимосномасига кўра медиация тартиб-таомилини ўтказиш учун ишни юритишини 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатиб туришга ва ишни медиаторга юборишга ҳақли. Медиация натижасида эришилган ва зарарни қоплаш шартлари акс этган медиатив келишув суд томонидан тасдиқланади".

Бекзод ЖУМАБАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги таҳрир, 2023. Амалдаги таҳрир // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/6445145.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Амалдаги таҳрир // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/111453.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Амалдаги таҳрир // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/111460.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сон "Медиация тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/3805227.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ-978-сон "Оилавий (маиший) зўравонликдан ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/7165389.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сон "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/5295912.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/5749291.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/7330260.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/7690026.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 27-сон "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарори. Амалдаги таҳрир // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/1453539.

11. БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг 2002 йил 24 июлдаги 2002/12-сон резолюцияси. Илова: "Жиноят ишларида тикланувчи одил судлов дастурларидан фойдаланиш бўйича асосий принциплар".

12. Жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий принциплари декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/34-сон резолюцияси билан қабул қилинган.

13. Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг манфаатларини муҳофаза қилишнинг айрим хорижий давлатлар тажрибаси: монография / Г.З. Тулаганова умумий таҳрири остида. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2026. — 210 б.

14. Атаниязов Ж.К. Жиноят процессида жабрланувчи манфаатларини таъминлашнинг айрим жиҳатлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 2025 йил 29 сентябрь — Тошкент: ЖХУ, 2025. — Б. 210–219.

15. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: монография. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — 166 б.

16. Махмудов С.А. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари // Юрист ахборотномаси. — 2020. — № 6. — Б. 110–115.

17. Ҳайитов М.А. Жиноят процессида хусусий айблов тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи // Journal of New Century Innovations. — 2022. — Vol. 6, Issue 3. — Б. 108–118.

18. Бекматова Д.Ш. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида жиноий таъқиб функциясининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. — Тошкент, 2020. — Б. 21.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Судлар томонидан 2025 йилда кўриб чиқилган жиноят ишлари юзасидан ахборот. — 2026 йил 9 январь // SUD.UZ. URL: https://sud.uz/news-2026-01-09-1/.

20. Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судида 2025 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот. — 2026 // Gov.uz. URL: https://gov.uz/uz/qumqorgon/sections/view/116964.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *ушбу илмий мақолада диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш жинояти ҳақида олимлар томонидан билдирилган илмий-назарий ёндашувлар, жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони, жиноятни содир этишда қўлланиладиган усуллар таҳлил қилинган. Диний экстремистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни тузиш, раҳбарлик қилиш ёки иштирок этишнинг ўзаро фарқлари тушунтириб берилган. Сўнгги йилларда республикада ушбу жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ статистик маълумотлар ўрганилган ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, тақиқланган ташкилотлар тузиш, ахборотлаштириш, мафкура, зўравонлик, жиноятнинг объекти, жиноятнинг объектив томони, жиноят содир этиш усули, инсон ҳаёти.*

Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига биноан диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш экстремистик фаолиятнинг энг ашаддий шаклларидан бири ҳисобланади.

Бундай ҳаракатларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244[2]-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилган деб топилади. Мазкур жиноят мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятлар туркумига киритилган.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар турли ёндашувларни ифода этадилар. Хусусан, Ж.А. Иброҳимов бу жиноятда терроризм билан боғлиқ элементлар мавжудлиги сабабли унинг террорчилик хусусиятига эга эканлигини таъкидлаган[1].

Ю.А. Клименконинг фикрича, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 282.1-моддасида назарда тутилган жиноятнинг юридик табиати жиноий ҳамжамиятга бирлашиш йўли билан экстремистик йўналишдаги жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўришдан иборат[2].

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш жиноятининг таркиби хусусида олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган.

Хусусан, М.Х. Рустамбаевнинг фикрича, ушбу жиноятнинг объектини жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ташкил этади[3]. О.В. Ермакованинг қайд этишича, экстремистик ҳамжамият тузиш жиноятининг бевосита объекти фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир[4]. Ю.А. Клименко бу фикрга қўшилмайди ва асосий бевосита объект сифатида ижтимоий тинчликни кўрсатади.

Экстремистик жамоа ёки ташкилотлар тузиш жиноятига қарши курашиш йўналишида тадқиқотлар олиб борган Л.И. Залиханова эса бу жиноят бевосита жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг маънавий-ахлоқий саломатлигига жиддий таҳдид солишини таъкидлаган. У жиноятнинг қўшимча объектига жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини киритган.

Тадқиқотчи томонидан билдирилган фикрлар М.Х. Рустамбаевнинг фикрларига мазмунан жуда ўхшаш бўлиб, жиноят объектига аҳолининг маънавий саломатлигини ҳам киритиб ўтмоқда. Фикримизча, аҳолининг маънавий саломатлиги экстремистик мафкурани тарғиб қилиш билан боғлиқ жиноятнинг бевосита объекти бўлиб, мазкур жиноятнинг эса умумий объекти деб айтсак тўғри бўлади. Бизнинг жиноят қонунчилигимизда ҳам жамоат тартиби жиноятнинг бевосита объекти деб қаралади.

А.А. Туришев экстремистик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш жиноятининг бевосита объектини икки тоифага ажратади. Улар: биринчиси, конституциявий тузум, кўпмиллатли ва кўпдинли давлатнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги бўлса, иккинчиси фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, аҳоли саломатлиги, тинчлик ва хавфсизлик ҳисобланади[5].

А.В. Ростокинский ўз тадқиқотларида тинчлик, хавфсизлик ва давлатнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган институтларнинг нормал фаолиятини таъкидланаётган жиноятнинг бевосита объекти сифатида кўрсатиб ўтади[6].

Д.И. Леньшиннинг фикрича, жиноятнинг объекти шахснинг ҳаёти, соғлиги, фуқароларнинг фаровон ҳаёти, тинчлиги кабилардан иборат. Чунки ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар ўзида экстремистик хусусиятни намоён этади[7].

Бизнингча, олимлар томонидан илгари сурилаётган фикрларни тўғри деб баҳолаш учун содир этилаётган жиноятнинг мақсади ва мотивидан келиб чиқиш зарур. Шахс ўзининг шахсий манфаати йўлида бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қиладиган бўлса, унда унинг ҳаракатларида экстремистик хусусиятлар мавжуд деб бўлмайди. Агар шахс миллий, ирқий, этник, диний адоват замирида ёки экстремистик ташкилотнинг мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида бундай тоифадаги жиноятга қўл урсагина, унинг ҳаракатларини экстремистик фаолият сифатида баҳолаш мумкин.

Олимлар А.А. Туришев ва А.В. Ростокинский томонидан билдирилган фикрларнинг умумий жиҳати шундаки, улар экстремистик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш жиноятининг объектини давлат тузумининг нормал фаолияти ва тинчлиги сифатида кўрсатиб ўтишмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мазкур жиноятнинг умумий объектини тинчлик, хавфсизлик ва жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этса, унинг бевосита объектига экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва бошқа тақиқланган ташкилотлар тузишга қарши курашиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари тузиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар киради.

Модданинг биринчи қисми объектив томондан диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, раҳбарлик қилиш унда иштирок этиш орқали содир этилади.

Бу борада, М.Х.Рустамбаевнинг айтиш мумкинки, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш деганда, ушбу ташкилот аъзоларини танлаш ва жойлаштириш, унинг тузилмасини шакллантириш ҳамда фаолият йўналишини белгилаш, бундай ташкилотга раҳбарлик қилиш деганда эса мазкур ташкилотнинг иш олиб боришини таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат ҳамда унинг ноқонунийлигини англаган ҳолда тан олиш ва ташкилот доирасида ҳар қандай шаклда ҳамкорлик учун розилик билдиришдан иборат бўлган ҳаракатлар тушунилади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида, хусусан, Буюк Британия қонунчилигида қилмишни экстремистик ташкилот тузиш, раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш жинояти деб топиш учун биринчидан, бир гуруҳ шахслар томонидан фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш ёки йўқ қилиш чоралари кўрилиши, иккинчидан, демократияни инкор этиш ёки ағдариш ва учинчидан, экстремистик мафкурани тарғиб қилиш каби унинг уч асосий белгилари мавжуд бўлиши зарур[8].

М.М. Майоров ўзининг тадқиқотларида ушбу жиноятнинг объектив томонини тасвирлашда экстремистик ташкилотлар тузиш ва уларга раҳбарлик қилиш ҳаракатларини бир бирини такрорловчи қилмишлар деб таъкидлаган. Тадқиқотчи ўз фикрини экстремистик ташкилотни тузган шахс бир вақтнинг ўзида унга раҳбарлик ҳам қилади деб изоҳлаган[9].

Бизнингча, экстремистик ташкилотни тузган шахс ташкилотга номзодларни ёллаш жараёнларини якунлаганидан сўнг, шакллантирилган жамоа орасидан янги раҳбарни тайинлаши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, ташкилотни тузиш билан раҳбарлик қилиш бир-бирини такрорламайдиган ҳаракатлар ҳисобланади.

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотга раҳбарлик қилиш қуйидагилар орқали бундай ташкилотни тузишдан фарқланади.

Улар:

ташкилот аъзолари орасида мажбуриятларни тақсимлаш;

ташкилот аъзолари бажариши лозим бўлган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

ташкилот аъзоларига тавсия ва кўрсатмалар бериш;

гуруҳ ёки жамоа аъзолари фаолиятини кузатиб бориш ва назорат қилиш кабилардир.

Мазкур жиноятни содир этишда иштирок этиш тўғрисида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Хусусан, Б.Д. Завидовнинг фикрича, ташкилотда иштирок этиш икки хил шаклда бўлиб, улар “нофаол иштирокчилик” ва “фаол иштирокчилик” ҳисобланади. Нофаол иштирокчиликда шахс жиноятни содир этиш режаларини ёки жиноятни содир этилиши механизмларини ишлаб чиқишда иштирок этмайдиган оддий аъзо ҳисобланади. Жиноятни содир этиш жараёнларини режалаштириб, уларни амалга оширишда бевосита иштирок этаётган ташкилот аъзолари эса фаол иштирокчилар ҳисобланади[10].

Олим томонидан билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, нофаол иштирокчилик экстремистик ташкилотнинг келажакдаги фаолиятини амалга оширишда заҳира вазифасини бажаради.

С.В. Борисов юқорида билдирилган фикрларни инкор этиб, иштирокчилик фақатгина фаол шаклда бўлишини қайд этган. У қўшимча сифатида экстремистик ташкилот фаолиятида иштирок этиш экстремистик ташкилотнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлган материалларни етказиб бериш, молиялаштириш, экстремистик материалларни тарқатиш каби вазифаларни бажаришини билдирган.

Фикримизча, ташкилотда иштирок этишни "фаол" ва "нофаол"га ажратгандан кўра, "бевосита" ва "билвосита" шаклларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунга мисол сифатида, экстремистик фаолиятни молиялаштириш ҳаракатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Экстремистик фаолиятни молиялаштираётган шахс экстремистик ташкилотнинг фаолиятида тўғридан-тўғри иштирок этмайди. Яъни экстремистик фаолиятни бевосита амалга оширмайди.

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар фаолиятида бевосита иштирок этиш деганда, қуйидаги ҳаракатлар тушунилади:

ташкилотга ҳайрихоҳлигини билдириши, тарафдор бўлиши;

ташкилотнинг ғоя ва фаолиятини оқлаши, қўллаб-қувватлаши ва тарғиб қилиши;

мазкур ташкилотнинг ноқонунийлигини англаган ҳолда унинг мавжудлигини тан олиши;

ҳар қандай (оғзаки, ёзма ёки электрон) шаклда мазкур ташкилот, шунингдек унинг ташкилий тузилмалари доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида розилик бериши;

ташкилотнинг йиғилишларида, шу жумладан, виртуал маконда мунтазам равишда иштирок этиб келиши (диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларга аъзо бўлиш, уларни оқловчи, маъқулловчи фикрларни билдириш, турли қонунга зид шарҳлар бериш);

ташкилотга янги иштирокчиларни жалб қилиш;

диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот фаолиятини молиялаштириши.

Жиноят кодекси 244^2-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс ҳисобланади.

МДҲга аъзо давлатларнинг жиноят қонунчилигини таҳлил қилган Д.И. Леншин экстремистик ва бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки иштирок этиш жиноятининг субъектини 16 ёшдан 14 ёшга тушириш тўғрисида таклиф билдириб ўтган. Тадқиқотчининг фикрича, МДҲ давлатлари ҳудудида экстремистик ташкилотларни тузиш ҳаракатлари 16 ёшга тўлмаган фуқаролар томонидан жуда кўп содир этилмоқда[11].

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш жиноятининг субъектив томони тўғри қасддан содир этилади. Айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди ва буни содир этишни хоҳлайди. Жиноятни малакалашда унинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

Жиноят кодекси 244^2-моддасининг иккинчи қисмида жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Жиноятнинг содир этилиши оғир оқибатларга олиб келиши ва вояга етмаганларнинг жалб этилиши тўғрисида тўхталиб ўтилган. Оғир оқибатларга олиб келиш деганда, жиноятни содир этишда инсонларга оғир тан жароҳатлари етказилиши, аёллар ва болалар ёки бошқа инсонларнинг ўлимига сабаб бўлиши тушунилади.

Модданинг учинчи қисмида мазкур жиноятни содир этган шахсларга нисбатан рағбатлантирувчи норма назарда тутилган. Яъни шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлиши зарур. Бу норма фақат модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятга нисбатан қўлланади.

Агарда уларнинг бирини бажариб, иккинчисини амалга оширишдан бош тортса, унга нисбатан моддада кўрсатиб ўтилаётган рағбатлантирувчи нормани қўллашнинг имконияти йўқолади.

Фикримизча, модданинг рағбатлантирувчи қисмида талаблар жуда юқори даражада қўйилган бўлиб, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш жинояти ҳақида хабар берганлик ёки жиноятни очишда фаол ёрдам берганлик учун ҳам рағбатлантирувчи нормани жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бугунги кунда, экстремистик ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш ҳаракатлари тўлиқлигича интернет ёки ижтимоий тармоқлар орқали содир этилмоқда. Бу эса экстремистик ташкилот аъзолари махфийлигини таъминлашга ҳамда уларни кибермаконда аниқлаш имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бундай ташкилотнинг мавжудлиги тўғрисида ҳокимият органларига хабар берилиши жиноятни очишда катта аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 2020 йилда 73 та, 2021 йилда 91 та, 2022 йилда 126 та, 2023 йилда 153 та ва 2024 йилда 213 та жиноят ишларига жазо тайинланган[12].

Юқоридаги рақамлар йиллар давомида ушбу жиноятнинг ортиб борганлигини кўрсатмоқда. Вилоятлар кесимида 2020-2021 ва 2023-2024 йилларда Тошкент шаҳрида, 2022 йилда эса Андижон вилоятида мазкур жиноят энг кўп қайд этилган.

Бугунги кунда диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш ва уларда иштирок этишга қарши курашиш бўйича қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида экстремизмнинг турлари (диний, сиёсий, миллатчилик, ижтимоий, иқтисодий ёки экологик) алоҳида кўрсатилмаган. Жиноят кодексининг 244^2-моддасида фақатгина диний экстремистик фаолият тўғрисида сўз боради. Бу эса "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига зид ҳисобланади ва экстремизмнинг ижтимоий, диний, сиёсий, миллатчилик, иқтисодий ёки экологик шаклларига нисбатан жавобгарлик белгиланишини истисно этмайди. Бир сўз билан айтганда, ушбу модда орқали экстремизмнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, диний, миллатчилик ёки экологик шаклларига нисбатан жавобгарлик белгилашнинг имконияти чекланган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 244^2-моддасида "диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш", "диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларга раҳбарлик қилиш" ва "диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш" каби қилмишлар бир-биридан тубдан фарқ қилса-да, уларнинг барчасига ягона жавобгарлик назарда тутилган.

Фикримизча, ушбу ижтимоий хавфли қилмишларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини инобатга олиб, енгилидан оғирига қараб улар учун алоҳида-алоҳида жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ. Экстремистик фаолият аксарият ҳолларда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, яъни норасмий равишда бир тузилмага бирлашган ҳолда амалга оширилиб, модданинг амалдаги таҳририда фақатгина давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларни тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жиноят кодексининг 244^2-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

244^2-модда. Экстремизм, сепаратизм, фундаменталлизмга йўналтирилган ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар ёхуд норасмий тузилмалар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Экстремизм, сепаратизм, фундаменталлизмга йўналтирилган ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар ёхуд норасмий тузилмаларда иштирок этиш —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экстремизм, сепаратизм, фундаменталлизмга йўналтирилган ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар ёхуд норасмий тузилмалар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса;

б) вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда содир этилган бўлса —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ёхуд жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

Ф.М. ТЎХТАЕВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иброҳимов Ж.А. Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, Монография. – Тошкент, 2024. – Б. 12.

2. Клименко Ю.А., Организация экстремистского сообщества: объект преступления и его значение для квалификации // Актуальные проблемы российского права. – Москва, 2016. № 3 (64) – С. 123.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. – Б.696.

4. См.: Ермакова О. В. Квалификация следователем составов преступлений экстремистской направленности (ст. 280, 282, 282.1—282.2 УК РФ) на стадии возбуждения уголовного дела, Монография. – Барнаул, 2014. – С. 31.

5. Турышев А.А. Уголовно-правовая характеристика экстремизма // Научный портал МВД России. – Москва, 2010. – С.108.

6. Ростокинский А.В. Об объекте и классификации экстремистских преступлений // Черные дыры в Российском законодательстве. 2012. (1). – С.85.

7. Леньшин Д.И. К вопросу о классификации преступлений экстремистской направленности // Евразийский юридический журнал. – Киев, 2010. № 7 (26) – С.65.

8. https://www.gov.uk/government/publications/new-definition-of-extremism-2024/new-definition-of-extremism-2024#fn:4

9. Майоров М.М. Преступления экстремистской направленности, Монография. – Томск, 2014. – С. 45.

10. Завидов Б.Д. Комментарий преступлений экстремисткой направленности (ст. 280, 282.1 и 282.2 УК РФ). (Уголовно-правовой анализ) // [Электронный ресурс] Информационно-справочная Система "Консультант Плюс" - Электрон. дан. - URL: http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=CJI&n=5378

11. Леньшин Д.И. Преступления экстремистской направленности по уголовному праву Российской Федерации дис. канд. юрид. Наук. – Москва, 2011. – С. 24.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маълумотлари асосида https://stat.sud./criminal.

КИБЕРФИРИБГАРЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, САҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада кибержиноятларини тергов қилишда рақамли далиллар билан ишлашнинг уч босқичи ҳамда уларни тўплаш, сақлаш ва баҳолаш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли қонун билан киритилган рақамли далиллар институти халқаро стандартлар — ISO/IEC 27037, NIST SP 800-86 ва SWGDE тавсиялари билан қиёсий таҳлил қилинган. Электрон маълумотларнинг тез йўқолувчанлиги шароитида уларни тезкор сақлаб туриш институтининг миллий қонунчиликда мавжуд эмаслиги асосий муаммо сифатида кўрсатилиб, уни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *рақамли далил, электрон маълумотлар, кибержиноятчилик, тезкор сақлаб туриш, далил яхлитлиги, хеш-қиймат, далиллар занжири, мақбуллик, ISO/IEC 27037, трансчегаравий далил.*

Кибержиноятчилик жиноятларида исботлашнинг оғирлик маркази моддий изларда эмас, рақамли муҳитда жойлашган. Бу ҳолат тергов олдига анъанавий криминалистикага номаълум бўлган учта кетма-кет вазифани қўяди: биринчидан, тез ўзгарувчан ва осон йўқ қилинадиган маълумотни ўз вақтида қўлга киритиш; иккинчидан, уни бирламчи ҳолатда ўзгаришсиз сақлаш; учинчидан, судда унинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини объектив далиллар билан асослаш. Ушбу учта вазифанинг ҳар бирида йўл қўйилган хато кейинги босқичда тузатиб бўлмайдиган оқибатга олиб келади.

Ҳуқуқий жиҳатдан вазият сўнгги йилларда сезиларли ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли қонуни билан процессуал қонунчиликка рақамли далил тушунчаси ҳамда уларни тўплаш, тақдим этиш, мустаҳкамлаш, кўздан кечириш, текшириш ва баҳолаш, сақлаш, қайтариш ва йўқ қилиш тартибини белгиловчи нормалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори эса 2025 йил 23 июндаги 14-сонли қарор билан ушбу янгиликларга мослаштирилди. Шунга қарамай, амалиётда бир қатор масалалар очиқ қолмоқда.

Рақамли далилнинг ҳуқуқий таърифи Жиноят-процессуал кодексининг 204[2]-моддасида берилган: иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио ва видеоёзувлар, интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар рақамли далил ҳисобланади. Электрон маълумотларнинг ўзи эса 204[1]-моддага мувофиқ электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир. Қонун чиқарувчи шу тариқа электрон маълумот билан рақамли далилни фарқлаган: биринчиси — объектив мавжуд ахборот, иккинчиси — процессуал баҳолашдан ўтган ва ишга қўшилган ахборот.

Биринчи вазиятда жабрланувчи маблағ ўтказган карта маълум, аммо унинг ҳақиқий эгаси жиноят ташкилотчиси эмас. Бундай ҳолда “дроп” шахс, ташкилотчи, оператор ва пулни нақдлаштирувчи ўртасидаги муносабат текширилади. Ушбу вазиятнинг ҳуқуқий асоси 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ-153-сонли қарор билан ўзгарди: унда кибержиноятни содир этишда ўз номидаги банк картаси, банк ҳисобрақами, SIM-картаси ва электрон ҳамёнидан фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш вазифаси қўйилган. Демак, “дроп” энди фақат тактик тушунча эмас, балки мустақил исботлаш предметига эгадир.

Иккинчи вазиятда телефон рақами ва аккаунт мавжуд, аммо улар сохта ёки бошқа шахс номига расмийлаштирилган. Бунда қурилма идентификатори, IP-манзил, геолокация, тизимга кириш тарихи ва бошқа аккаунтлар билан боғлиқлик таҳлил қилинади. Учинчи вазиятда веб-сайт ёки аккаунт хорижий давлатдаги провайдерда жойлашган бўлиб, маълумотни тезкор сақлаб туриш ва трансчегаравий олиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Тўртинчи вазиятда жиноят сунъий интеллект асосида яратилган овоз, видео ёки сохта шахс орқали содир этилган — бунда контентнинг келиб чиқиши, метамаълумотлар, таҳрир излари ва манба қурилмаси ўрганилиши талаб этилади.

Барча тўрт вазиятда умумий бўлган биринчи вазифа жабрланувчидан бошланғич маълумотларни тўлиқ ва тезкор олиш. Бунга телефон рақами, банк картаси, транзакция идентификатори, ёзишмалар, электрон чек, аудиоёзувлар ва скриншотлар, веб-сайт ёки аккаунт манзили, қўнғироқ санаси ва аниқ вақти, шунингдек зарар етказилган қурилма тўғрисидаги маълумотлар киради. Бу маълумотларни қабул қилиш Кодекснинг 201[1]-моддаси (электрон маълумотларни ўз ташаббуси билан тақдим этиш) ва 202-моддаси (тақдим этиш баённомаси) талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши, 204[1]-модданинг учинчи қисмига кўра эса мутахассис иштирокида амалга оширилиши ҳамда бирламчи электрон жисмлар кўздан кечирилиши шарт.

Тўплашнинг иккинчи вазифаси — маълумотни йўқолишдан асраш. Халқаро амалиётда бу вазифа алоҳида процессуал институт орқали ҳал этилади. Европа Кенгашининг Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияси (Будапешт, 2001 йил) 16-моддасида сақланаётган компьютер маълумотларини тезкор сақлаб туриш чораси назарда тутилган: ваколатли орган маълумотни ўз ихтиёрида ёки назоратида сақлаётган шахсга (масалан, провайдерга) уни 90 кунгача сақлаб туриш тўғрисида кўрсатма беради, кейинчалик эса уни процессуал тартибда олади. Конвенциянинг 29 ва 30-моддалари ушбу чорани халқаро даражада қўллаш, 35-модда эса кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатувчи 24/7 алоқа нуқталари тармоғини белгилайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кибержиноятчиликка қарши конвенциясида ҳам аналогик механизмлар электрон маълумотларни тезкор сақлаб туриш, трафик маълумотларини қисман ошкор қилиш ва тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма институти мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида электрон маълумотларни тезкор сақлаб туриш тўғрисидаги мустақил институт мавжуд эмас. Кодекснинг 175-моддаси ахборот тизимларида, электрон жисмларда ва интернет манбаларида сақланаётган электрон маълумотларни талаб қилиб олиш имконини беради, бироқ талаб қилиб олиш маълумот ҳали мавжуд бўлган тақдирдагина натижа беради. Провайдер сақлаш муддати тугагач маълумотни ўчириб юборса, талабнома кучини йўқотади. Фикримизча, бу миллий процессуал қонунчиликдаги энг жиддий бўшлиқлардан бири ва уни Кодексни электрон маълумотларни сақлаб туриш тўғрисидаги кўрсатма ҳақидаги алоҳида модда билан тўлдириш йўли билан бартараф этиш лозим. Ушбу модда кўрсатманинг асослари, бериш тартиби, дастлабки муддати ва уни узайтириш шартларини белгилаши керак.

Тўплашнинг учинчи вазифаси — молиявий изларни рақамли излар билан бир вақтда олиш. Жиноятчи шахсини тўлиқ аниқлашни кутиш натижасида маблағ бир нечта ҳисоблар орқали чиқариб юборилиши мумкин, шу боис транзакция занжирини аниқлаш, кейинги қабул қилувчи ҳисобларни белгилаш, маблағни вақтинча тўхтатиш ҳамда виртуал активларни аниқлаш чоралари тергов билан параллел равишда амалга оширилиши керак. FATF Egmont гуруҳи ва ИНТЕРПОЛ билан ҳамкорликда тайёрлаган ҳисоботида кибермуҳитдаги фирибгарликка қарши курашда молиявий тергов ва активларни қайтариш механизмларини кучайтириш, тўловлар шаффофлигини ошириш ҳамда маблағни тўхтатиб туриш ва музлатиш воситаларини жорий этиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Сақлаш босқичида қонунчилик талаби умумий тарзда ифодаланган. Кодекснинг 208-моддасига кўра, ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни сақлаш ҳамда уларни экспертизага ёки бошқа органга юбориш чоғида далилларнинг йўқолиши, шикастланиши,

бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак. Бироқ, модда бу чоралар нимадан иборат бўлиши кераклигини кўрсатмайди, 204^2-модда эса "яхлитлик ва айнан ўхшашлик" атамасининг мазмунини очиб бермайди. Натижада амалиётда яхлитлик кўпинча муҳрланган ўров ва баённомадаги ёзув билан таъминланади, ҳолбуки бу усул рақамли объектга нисбатан етарли эмас: муҳрланган қурилмадаги файл нусхаси ўзгартирилган-ўзгартирилмаганини муҳр эмас, фақат математик текширув кўрсата олади.

Халқаро стандартлар бу масалани аниқ ҳал этган. IISO/IEC 27037:2012 стандарти рақамли далиллар билан ишлашнинг тўртта жараёнини — идентификациялаш, йиғиш, олиш ва сақлашни ҳамда бу жараёнларга қўйиладиган тўртта талабни — текширилувчанлик (auditability), такрорланувчанлик (repeatability), қайта ҳосил қилинувчанлик (reproducibility) ва асослилик (justifiability)ни белгилайди. NIST SP 800-86 методик қўлланмаси рақамли криминалистик жараённи йиғиш, текшириш, таҳлил қилиш ва натижаларни расмийлаштиришдан иборат тўрт босқичда тавсифлайди ҳамда ҳар бир босқичда маълумот яхлитлигини сақлаш ва далиллар занжирини қатъий юритиш талабини илгари суради. Рақамли далиллар бўйича илмий ишчи гуруҳ (SWGDE) ҳужжатларида эса асосий қоида янада аниқроқ ифодаланган: манба маълумотига киритиладиган ўзгаришлар имкон қадар минималлаштирилиши, ўзгаришнинг тўлиқ олдини олиш мумкин бўлмаган ҳолларда эса жараён уни такрорлаш ва вужудга келган артефактларни изоҳлаш имконини берадиган даражада батафсил ҳужжатлаштирилиши шарт.

Ушбу стандартларни миллий қонунчилик билан қиёслаш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон нормалари мазмунан халқаро ёндашувга зид эмас, аммо ундан техник аниқлик даражаси билан фарқ қилади. Кодекснинг 204^2-моддаси рақамли далилдан нусха олишга унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланган тақдирдагина йўл қўяди ҳамда нусханинг мақбуллиги у олинган асл рақамли далилнинг мавжудлиги билан таъминланишини белгилайди, бу ISO/IEC 27037 мантиғига тўла мос келади. Бироқ стандарт бу мослик қандай усулда исботланишини кўрсатса, Кодекс бу масалани очиқ қолдиради. Шу боис 204^2-моддани рақамли далилдан нусха олиш ва уни узатиш ҳар сафар криптографик назорат йиғиндисини — хеш-қийматни ҳисоблаш ҳамда уни тегишли баённомада қайд этиш билан бирга амалга оширилиши тўғрисидаги қоида билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Баҳолаш босқичида рақамли далил анъанавий уч мезон — тегишлилик, мақбуллик ва ишончлилик орқали текширилади. Киберфирибгарлик ишларида ушбу мезонларнинг мазмуни ўзига хос тарзда тўлдирилади.

Мақбуллик масаласида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган икки шарт мавжуд. Биринчиси —95^1-моддадаги мутахассис иштироки талаби. Иккинчиси — Олий суд Пленуми қарорининг янги таҳрирдаги 10-бандида белгиланган тартиб: жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабар билан бирга тақдим этилган электрон маълумотлар фақат уларни тақдим этган шахслар аниқланган ҳамда бу маълумотлар ким томонидан, қачон, қаерда ва қандай ҳолатларда топилганлиги белгиланган тақдирдагина мақбул далил сифатида фойдаланилиши мумкин. Бунда уларни рақамли далил сифатида ишга қўшишнинг зарурий шарти кўздан кечириш баённомаси тузилганидан сўнг чиқариладиган тегишли қарор ёки ажримнинг мавжудлигидир. Зарур ҳолларда бу масалани ҳал этиш учун экспертиза тайинланиши мумкин.

Баҳолашнинг янги ва ҳали ечим топмаган муаммоси — сунъий интеллект воситасида яратилган контентни текшириш. Овоз, видео ёки сохта шахс тасвири орқали содир этилган фирибгарликда далил сифатида тақдим этилаётган аудио- ёки видеоёзувнинг ўзи сохта бўлиши мумкин. Бундай ҳолда текшириш предмети контентнинг мазмуни эмас, унинг келиб чиқиши бўлади: метамаълумотлар, кодлаш параметрлари, таҳрир излари, файлнинг яратилиш тарихи ва манба қурилмаси ўрганилади. Амалдаги суд экспертизаси турлари рўйхатида бундай тадқиқот учун мустақил экспертиза тури ажратилмаган, шу боис уни рақамли контент аутентиклиги экспертизаси сифатида расмийлаштириш ва унинг методикасини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ниҳоят, рақамли далилни якка тартибда баҳолаш хавфи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Рақамли далилнинг ўзи айблов учун ҳар доим ҳам етарли бўлмайди: IP-манзил ёки қурилма идентификатори конкрет шахснинг ҳаракатини эмас, техник воситанинг фойдаланилганини кўрсатади. Шу боис у жабрланувчи кўрсатувлари, банк маълумотлари, видеокузатув ёзувлари, телефон алоқалари, қурилма экспертизаси хулосаси, тинтув натижалари ва гумон қилинувчининг хатти-ҳаракатлари билан биргаликда баҳоланиши шарт. Ушбу қоида процессуал жиҳатдан янгилик эмас, бироқ киберфирибгарлик ишларида техник далилнинг ташқи ишонарлилиги баъзан уни мутлақлаштиришга олиб келади, бу эса суд хатоси хавфини оширади.

Ўтказилган таҳлил киберфирибгарлик ишларида рақамли далиллар билан ишлашнинг учала босқичи ягона узлуксиз жараён эканини кўрсатди: тўплаш босқичидаги кечикиш сақлаш жараёнида объектнинг ўзини йўққа чиқаради, сақлаш босқичидаги эҳтиётсизлик эса баҳолаш жараёнида далилни номақбул деб топишга олиб келади. Шу асосда қуйидаги таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан, Жиноят-процессуал кодексини электрон маълумотларни тезкор сақлаб туриш тўғрисидаги кўрсатма ҳақидаги алоҳида модда билан тўлдириш. Модда кўрсатма бериш асослари, уни алоқа операторлари, интернет-провайдерлар, банклар ва рақамли платформаларга тақдим этиш тартиби, дастлабки муддати ҳамда уни узайтириш шартларини белгилаши лозим. Ушбу институт Будапешт конвенциясининг 16-моддасида ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясининг тегишли нормаларида синалган бўлиб, унинг миллий қонунчиликка киритилиши келгусидаги халқаро ҳамкорлик учун ҳам асос яратади.

Иккинчидан, 204^2-моддани рақамли далилдан нусха олиш ва уни узатиш ҳар сафар криптографик назорат йиғиндисини ҳисоблаш ва баённомада қайд этиш билан амалга оширилиши тўғрисидаги қоида билан тўлдириш, шунингдек 208-моддада рақамли далилларни сақлашнинг ўзига хос талабларини алоҳида кўрсатиш.

Учинчидан, рақамли далилларнинг тасдиқланган нусхаларини хеш-қиймат, кириш тарихи ва фойдаланувчилар доираси автоматик қайд этиладиган ихтисослаштирилган рақамли омборхонада сақлаш тизимини жорий этиш.

Бобуржон СУЮНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 // https://lex.uz/docs/111460
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/docs/7228758
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ-153-сонли "Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори // https://lex.uz/docs/7511145
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори (2025 йил 23 июндаги 14-сонли қарор билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // https://lex.uz/docs/3895986
5. Council of Europe. Convention on Cybercrime (ETS No. 185). — Budapest, 23.XI.2001 // https://rm.coe.int/1680080f0b
6. United Nations Convention against Cybercrime; Strengthening International Cooperation for Combating Certain Crimes Committed by Means of Information and Communications Technology Systems and for the Sharing of Evidence in Electronic Form of Serious Crimes. — General Assembly resolution 79/243 of 24 December 2024; opened for signature in Hanoi on 25 October 2025 // https://unodc.org/unodc/en/cybercrime/convention/home.html
7. Смушкин А.Б. О структуре электронной цифровой криминалистики // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2020. № 3 (15). С. 140–148.
8. Вехов В.Б., Пастухов П.С. Преступления в информационном обществе: совершенствование расследования на основе положений электронной криминалистики // Ex jure. 2018. № 4. С. 134–148.
9. Casey E. Digital Evidence and Computer Crime: Forensic Science, Computers and the Internet. 3rd ed. — Waltham, MA: Academic Press, 2011. — 807 p.
10. ISO/IEC 27037:2012. Information technology — Security techniques — Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence. — Geneva: ISO, 2012 // https://www.iso.org/standard/44381.html
11. Kent K., Chevalier S., Grance T., Dang H. Guide to Integrating Forensic Techniques into Incident Response. NIST Special Publication 800-86. — Gaithersburg: NIST, 2006 // https://csrc.nist.gov/pubs/sp/800/86/final
12. SWGDE Best Practices for Computer Forensic Acquisitions. Document 17-F-002-2.1. Version 2.1 (05.08.2025). — Scientific Working Group on Digital Evidence, 2025 // https://www.swgde.org/documents/published-complete-listing/17-f-002-2-1/
13. SWGDE Best Practices for Digital Evidence Collection. Document 18-F-002-2.0. Version 2.0 (30.06.2025), Draft for Public Comment. — Scientific Working Group on Digital Evidence, 2025 // https://www.swgde.org/documents/published-complete-listing/18-f-002-best-practices-for-digital-evidence-collection/
14. SWGDE Best Practices for Digital Evidence Acquisition, Preservation, and Analysis from Cloud Service Providers. Document 23-F-004-1.1. Version 1.1 (13.01.2025). — Scientific Working Group on Digital Evidence, 2025 // https://www.swgde.org/wp-content/uploads/2025/02/SWGDE-23-F-004-1.1-Best-Practices-for-Digital-Evidence-Acquisition-Preservation-and-Analysis-from-Cloud-Service-Providers.pdf
15. Illicit Financial Flows from Cyber-Enabled Fraud. — Paris: FATF, Egmont Group of Financial Intelligence Units, INTERPOL, 2023 // https://fatf-gafi.org/en/publications/Methodsandtrends/illicit-financial-flows-cyber-enabled-fraud.html
16. Ўзбекистонда 2021–2024 йилларда банклар ва фуқаролар кибержиноятлардан 1,9 трлн сўм зарар кўрди // Gazeta.uz, 2025 йил 29 май. URL: https://www.gazeta.uz/uz/2025/05/29/kiberjinoyat/

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ: *мақолада иқлим ўзгариши шароитида фуқаролар ва корхоналарнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экологик мажбуриятларнинг мазмуни таҳлил қилинган. Иқлим ўзгариши шароитида экологик мажбуриятларни фақат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан чеклаб қўймасдан, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, экологик ахборотни ошкор қилиш, экологик хавфларни олдиндан баҳолаш ва иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш билан боғлаш зарурлиги асосланган. Мақолада фуқаролар ва корхоналарнинг экологик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *иқлим ўзгариши, экологик ҳуқуқ, экологик мажбурият, фуқаролар, корхоналар, атроф-муҳит, экологик назорат, экологик экспертиза, иссиқхона газлари, яшил иқтисодиёт, экологик жавобгарлик, барқарор ривожланиш.*

Бугунги кунда иқлим ўзгариши нафақат экологик, балки иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган комплекс муаммога айланди. Унинг оқибатлари атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, сув ресурсларининг танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг пасайиши ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири каби кўринишларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон шароитида Орол денгизи инқирози, сув ресурсларига босимнинг ортиши ва ҳарорат режимидаги ўзгаришлар мазкур масаланинг ҳуқуқий аҳамиятини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг конституциявий асослари сезиларли даражада кучайтирилган. Хусусан, Конституциянинг 49-моддасига мувофиқ, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, давлат барқарор ривожланиш тамойилига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш ҳамда экологик мувозанатни сақлаш чораларини амалга оширади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциянинг 62-моддасида "фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деган конституциявий мажбурият бевосита белгиланган. Шунингдек, Конституциянинг 66-моддаси мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги кераклигини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, иқлим ўзгариши шароитида экологик ҳуқуқларни фақат давлатнинг вазифаси сифатида талқин қилиш етарли эмас. Экологик хавфларни камайтиришда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг ҳуқуқий мажбуриятларини аниқ белгилаш ва уларнинг бажарилишини самарали назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Экологик мажбурият — шахслар ва юридик субъектларнинг атроф-муҳитга зарар етказмаслик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик талабларга риоя қилиш, экологик хавфларнинг олдини олиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган юридик мажбуриятидир. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар фақат муайян шахснинг манфаатини эмас, балки жамият, давлат ва келажак авлодларнинг экологик манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан экологик мажбуриятларнинг субъектив ҳуқуқлар билан узвий боғлиқлиги мавжуд. Яъни фуқаронинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти билан таъминланади.

Шу маънода, экологик ҳуқуқнинг замонавий модели – "экологик ҳуқуқ- экологик мажбурият – экологик назорат – юридик жавобгарлик" занжири асосида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни табиий муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асосларини белгилайди.

Мазкур Қонуннинг 12-моддаси инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи билан бир қаторда уни сақлаш борасидаги бурчини ҳам назарда тутади.

Бу норма иқлим ўзгариши шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки экологик хавфнинг олдини олиш фақат давлат экологик органларининг фаолияти билан эмас, балки ҳар бир шахснинг кундалик экологик хулқ-атвори билан ҳам боғлиқ.

Конституциянинг 62-моддаси фуқароларни атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чақиради. Бу мажбурият умумий характерга эга бўлиб, унинг мазмуни махсус экологик қонунчилик нормалари орқали конкретлаштирилади.

Фуқароларнинг экологик мажбуриятларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; экологик талабларга риоя қилиш; табиий объектларга зарар етказмаслик; чиқиндилар билан муомала қилиш талабларига риоя этиш; сув ва энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланиш; экологик хавф туғдирувчи ҳаракатларни содир этмаслик; экологик назорат тадбирларида қонун доирасида иштирок этиш.

Бу мажбуриятлар иқлим ўзгариши нуқтаи назаридан янада кенг мазмун касб этади.

Масалан, энергияни ортиқча сарфлаш, маиший чиқиндиларни нотўғри жойлаштириш, транспорт воситаларидан экологик талабларга зид равишда фойдаланиш ёки сув ресурсларини исроф қилиш алоҳида ҳолатда кичик экологик таъсир сифатида кўриниши мумкин. Бироқ миллионлаб шахсларнинг шу каби хатти-ҳаракатлари йиғиндиси иқлим ва экологик хавфларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли экологик қонунчиликда фуқаронинг мажбуриятини фақат "табиатга зарар етказмаслик" билан чеклаш эмас, балки экологик масъулиятли хулқ-атворни рағбатлантириш механизмларини ҳам ривожлантириш зарур.

Корхоналарнинг экологик мажбуриятлари фуқароларникига нисбатан кенгроқ бўлиши табиийдир. Чунки саноат, энергетика, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа иқтисодий фаолият турлари атроф-муҳитга катта ҳажмда таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслардан махсус рухсатномалар асосида фойдаланиш назарда тутилади.

Бундан келиб чиқадиган бўлсак, корхонанинг экологик мажбуриятлари: 1) профилактик; 2) ресурслардан оқилона фойдаланиш; 3) экологик мониторинг; 4) ахборот бериш мажбуриятлари; 5) зарарни бартараф этиш мажбуриятлари; 6) экологик хавфларни камайтириш кабилардан иборат.

Корхоналар фаолиятида экологик мажбуриятларнинг профилактик хусусияти айниқса муҳим. Зеро, экологик ҳуқуқда зарар етказилгандан кейин уни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олиш ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқдир.

Иқлим ўзгариши шароитида экологик мажбуриятларни ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири — экологик хавфларни хўжалик фаолияти бошланишидан олдин аниқлашдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 24 февралдаги ЎРҚ-1036-сон "Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди (2025 йил 25 августдан кучга кирган). Мазкур ҳужжат экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмларини замонавийлаштиришга қаратилган.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш институтининг аҳамияти шундаки, у корхонанинг фаолияти бошланишидан олдин унинг экологик оқибатларини аниқлаш имконини беради.

Иқлим ўзгариши шароитида атроф-муҳитга таъсирни баҳолашда қуйидаги масалаларни ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ: иссиқхона газларининг чиқарилиши; энергия ресурсларидан фойдаланиш даражаси; сув ресурсларига таъсир; тупроқ ва ер ресурсларига таъсир; биологик хилма-хилликка таъсир; чиқиндилар ҳосил бўлиши; иқлим хавфларига мослашиш имкониятлари; экологик авариялар эҳтимоли; аҳоли саломатлигига эҳтимолий таъсир.

Шу нуқтаи назардан, экологик экспертиза тизимини иқлим ўзгаришига мослаштиришда "иқлимий таъсирни баҳолаш" элементини босқичма-босқич кучайтириш лозим.

Экологик мажбуриятларнинг самарадорлиги уларнинг фақат қонунларда белгиланиши билан эмас, балки бажарилишини назорат қилиш механизмларининг мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни экологик назоратнинг мақсадларидан бири сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги мажбуриятларини бажаришини таъминлашни белгилайди.

Қонун экологик назоратни хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш, атроф-муҳитдаги ўзгаришларни кузатиш ва экологик хавфларни аниқлаш билан боғлайди. Шунинг учун экологик назоратни иқлим сиёсати билан интеграциялаштириш долзарб масаладир.

Бунда корхоналар автоматлаштирилган экологик мониторинг; чиқиндилар ва ташланмаларни электрон ҳисобга олиш; экологик ҳисоботларни рақамлаштириш; экологик маълумотларни очиқлаш; хавф даражасига асосланган текширув; экологик аудит каби механизмларни ривожлантириши керак бўлади.

Ўзбекистонда экологик экспертиза хулосаларининг очиқ маълумотлар базасига жойлаштирилиши ҳам экологик бошқарувда очиқлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилувчи механизм сифатида аҳамиятлидир. 2025 йил январь–сентябрь ойларида 115 мингдан ортиқ экологик экспертиза хулосалари очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилган.

Экологик ҳуқуқнинг муҳим принципларидан бири атроф-муҳитга зарар етказган шахснинг ушбу зарар оқибатларини бартараф этишда иштирок этишидир. Бу ёндашувни "ифлослантирувчи тўлайди" (polluter pays principle) принципи билан боғлаш мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, экологик зарарнинг иқтисодий харажатлари жамият зиммасига тўлиқ юкланмаслиги, балки зарарни келтириб чиқарган субъект зиммасига ҳам тегишли даражада юклатилиши лозим.

Ўзбекистон қонунчилигида атроф-муҳитга етказилган зарар учун юридик жавобгарликнинг турли шакллари мавжуд. Масалан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун экологик зарар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим умумий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, у экологик зарар оқибатларини бартараф этиш ва экологик хавфларни чеклашга қаратилган механизмларни ҳам назарда тутади.

Шу билан бирга, мазкур принципни иқлим ўзгариши шароитида янада ривожлантириш учун корхоналарнинг иссиқхона газлари чиқиндиларини ҳисобга олиш ва уларнинг экологик таъсирини иқтисодий баҳолаш механизмларини такомиллаштириш зарур.

Экологик мажбуриятларни фақат маъмурий мажбурлаш воситалари орқали таъминлаш узоқ муддатли экологик мақсадларга тўлиқ жавоб бермайди.

Шунинг учун қонунчиликда: экологик тоза технологияларни жорий этган субъектларни рағбатлантириш; энергия тежамкор технологиялар учун имтиёзлар; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш; чиқиндиларни қайта ишлашни иқтисодий рағбатлантириш; сувни тежовчи технологиялардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш; корхоналарнинг экологик инвестицияларини рағбатлантириш каби воситаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш масалалари давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Парламент материалларида ҳам иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, экологик тоза технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш чоралари сифатида кўрсатилган.

Экологик мажбуриятларни таъминлашда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. Конституциянинг 49-моддаси ҳар кимга қулай атроф-муҳитга ва унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Бу ҳуқуқ корхоналарнинг экологик ахборотни яшириш ёки унга киришни тўсиш имкониятларини ҳуқуқий жиҳатдан чеклайди. Айниқса, аҳоли саломатлигига ёки атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган объектлар бўйича экологик ахборотнинг очиқлиги муҳимдир.

Шу муносабат билан экологик ахборотнинг очиқлиги қуйидаги маълумотларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ: корхонанинг экологик таъсир тоифаси; рухсатномалар; экологик экспертиза хулосалари; атмосферага ташланмалар; чиқиндилар ҳажми; экологик қоидабузарликлар; қўлланилган чоралар; экологик зарарнинг қопланиши.

Бундай очиқлик жамоатчилик назоратини кучайтириш билан бирга корхоналарнинг экологик мажбуриятларга риоя қилишини рағбатлантириши мумкин.

Хулоса сифатида иқлим ўзгариши шароитида фуқаролар ва корхоналарнинг экологик мажбуриятларини ҳуқуқий таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин. Экологик қонунчиликда "иқлимий мажбуриятлар" тушунчасини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда иқлимий мажбуриятлар: иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, энергия ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, иқлим хавфларига мослашиш ва экологик зарарнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятлар мажмуи сифатида таърифланиши мумкин.

Йирик корхоналар учун иқлимий-экологик ҳисобот институтини босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Унда: иссиқхона газлари чиқиндилари, энергия сарфи, сув сарфи; чиқиндилар, экологик хавфлар, иқлимга мослашиш чоралари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг конституциявий асослари мустаҳкамланган. Хусусан, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти, мулкдан фойдаланишда атроф-муҳитга зарар етказмаслик талаби ҳамда табиий ресурсларнинг умуммиллий бойлик сифатида эътироф этилиши экологик ҳуқуқнинг конституциявий пойдеворини ташкил этади.

Амалдаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг экологик мажбуриятларини таъминлаш учун умумий ҳуқуқий механизмлар белгилаб берилган.

Қуанышбай ХОЖАМУРАТОВ,
Нукус туманлараро иқтисодий судининг раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023 // https://lex.uz/docs/6445145
2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/docs/107115
3. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-363-сон "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/uz/docs/2304953
4. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 24 февралдаги ЎРҚ-1036-сон "Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/acts/7397280
5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/docs/55561
6. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/docs/42423
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси. Иқлим ўзгаришининг асосий сабаби нимада? 11.01.2023 // https://parliament.gov.uz/oz/articles/498
8. Paris Agreement. Paris, 12 December 2015 // United Nations Treaty Series. Vol. 3156. No. 54113. URL: https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%203156/Part/volume-3156-I-54113.pdf
9. United Nations Framework Convention on Climate Change. New York, 9 May 1992.
10. Sands P., Peel J. (with Fabra A., MacKenzie R.). Principles of International Environmental Law. 4th ed. Cambridge: Cambridge University Press, 2018.
11. Birnie P., Boyle A., Redgwell C. International Law and the Environment. 3rd ed. Oxford: Oxford University Press, 2009.
12. Bodansky D., Brunnée J., Rajamani L. International Climate Change Law. Oxford: Oxford University Press, 2017.

СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада солиқ низоларини ҳал қилишда ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти, хусусан, онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса чекларидаги тафовутларни бартараф этиш ва ўзгартиришлар киритиш масалалари таҳлил қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормалари ўртасидаги номувофиқликлар кўриб чиқилган. Шунингдек, амалиётда учраётган зиддиятларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *солиқ низолари, онлайн-НКМ, виртуал касса, тузатувчи касса чеки, Солиқ кодекси, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи, маъмурий суд.*

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни рақамлаштириш жараёнининг жадаллашуви солиқ маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, 2017 йил 29 сентябрда қабул қилинган қарор билан онлайн НКМларни босқичма-босқич жорий этиш белгиланган бўлса , 2019 йил 6 сентябрдаги ҳуқуқий тартибга кўра виртуал кассалар онлайн НКМлар қаторида муомалага киритилди ва 2022 йил 1 январдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларини мазкур тизимларга ўтказиш мақсади қўйилди. Шунингдек, чекда товар (иш, хизмат) номи, миқдори, нархи, суммаси, ҚҚС ставкаси ва суммаси, QR-код ҳамда фискал белгининг мажбурий акс эттирилиши, акс ҳолда бундай чек ҳақиқий ҳисобланмаслиги белгиланди. Бу эса чекка доир формал талабларнинг солиқ назорати, далил сифати ва кейинчалик низо предметига айланиш эҳтимолини кескин оширди. Айни шу нуқтада онлайн НКМ ва виртуал касса чекларини тўғирлаш, бекор қилиш ёки қайта расмийлаштириш тартибига оид нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги масаласи нафақат назарий, балки бевосита ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик субъектларининг фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимидан фойдаланишини жорий этиш мақсадида “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2019 йилдаги 943-сонли қарори билан “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Шу ўринда айрим тушунчаларга тўхталиб ўтамиз:

Онлайн назорат-касса машиналари (кейинги ўринларда онлайн-НКМ деб аталади) — фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи, фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи ҳамда қоғозга чоп этувчи ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган электрон ҳисоблаш машиналари, бошқа қурилмалар ва уларнинг комплекслари;

виртуал касса — фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи ва ҳосил қилинган ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи, чекларни қоғозга чоп этиш ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган дастурий маҳсулот ва уларнинг комплекслари;

касса чеки — фойдаланувчи ва харидор (мижоз) ўртасида сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассада амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган ва электрон шаклда ёки қоғозда чоп этилган, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, уни амалга ошириш фактини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжати;

ҳисоб-китоб — сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун нақд пул ва (ёки) электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда маблағларни қабул қилиш ёки тўлаш ҳақидаги маълумотдир.

Ушбу Низом аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларни ҳамда электрон тўлов тизимларини қўллаш тартибини белгилаш билан бир қаторда онлайн-НКМ ёки виртуал кассага киритилган суммаларни қайтариш асосларига ҳам татбиқ этилади.

Низомнинг 38^1-бандига кўра, илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда, фойдаланувчи томонидан фискал чекка тузатиш киритилади.

Тузатувчи касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда ва бундай мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Фискал чекка маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификация кодлари, маҳсулотнинг (товар, хизмат) ўлчов бирлиги, сони ва суммаси ва қўшилган қиймат солиғи суммаси бўйича тафовут аниқланган ойдаги қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ тўловчилар учун тегишинча солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларигача тузатиш киритилиши мумкин.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 21-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи солиқ солиш объектларини ҳисобга олишда, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш ҳуқуқига эга.

Мазкур моддада тузатиш киритиш муддати қатъий белгиланмаган.

Қолаверса, кодекс 83-моддасининг биринчи қисмига кўра, ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган

солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган солиқ тўловчи ушбу солиқ ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Бешинчи қисмига асосан, агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин тақдим этилган бўлса, солиқ тўловчи бир пайтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади:

1) аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи у ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган ҳолатлар солиқ органи томонидан аниқланганлигини ёки солиқ аудити тайинланганлигини билган пайтга қадар тақдим этилган бўлса;

2) аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар у етишмаётган солиқ суммасини ва унга тегишли пеняларни тўлаган бўлса.

Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига, ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда, солиқ ҳисоботини топшириш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Бундан кўриш мумкинки, Солиқ кодексига мувофиқ, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин тақдим этилиши мумкин.

Бироқ, амалиётда солиқ инспекцияси томонидан тафовут аниқланган ойдаги қўшилган қиймат солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқлар бўйича солиқ тўловчилар учун тегишинча солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларигача тузатиш киритилиши мумкин дея баҳоланиб, бу билан боғлиқ мурожаатларни рад қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Хусусан, "ААА" хусусий корхонаси 01.07.2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг "Электрон солиқ хизматлари" порталига 03.04.2025 йил кунги савдо фаолияти давомида назорат касса аппаратига янглишмовчилик сабаб 2 139 469 сўм ўрнига 2.139.469.00 сўм урилган фискал модул NA000000053483-рақамли сотув чекидаги суммаларни қайта таҳрирлашга рухсат беришни сўраб мурожаат қилган.

Солиқ бошқармасининг 07.07.2025 йил кунги 32-101110-сонли жавоб хатида "шахсий кабинет" орқали чекларни таҳрирлаш тавсия қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2019 йил кунги 943-сон қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Низомнинг 38^1-бандига асосан илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда, фойдаланувчи томонидан тузатувчи касса чекини тафовут аниқланган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай шакллантирилиши белгилаб қўйилгани маълум қилиниб, рад жавоби берилган.

Аризачи "ААА" хусусий корхонаси Солиқ бошқармасининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, маъмурий судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган ва тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 21 ва 83-моддаларига асосланган.

Хулоса қилиб айтганда, дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

63-моддага кўра, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 18-моддасининг иккинчи қисмига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

Қонунчиликдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, солиқ юкини мақбуллаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳит яратиш мақсадида қуйидаги таклифларни билдириб ўтмоқчимиз:

"Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.11.2019 йилдаги 943-сонли қарори билан тасдиқланган "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 38^1-бандини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқлаштирган ҳолда қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

"Илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда, фойдаланувчи томонидан фискал чекка тузатиш киритилади.

Тузатиш касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда, онлайн-НКМдан фойдаланиш мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Фискал чекка маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификация кодлари, маҳсулотнинг (товар, хизмат) ўлчов бирлиги, сони ва суммаси ва қўшилган қиймат солиғи суммаси бўйича тафовутларга тузатиш киритиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 83-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 257-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно."

Нозима ТОЖИЕВА,
Одил судлов академияси "Маъмурий-ҳуқуқий фанлар" кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ–3300-сон "Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/3362722.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/4502381.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон "Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 1-илова // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/4603329 (https://lex.uz/docs/4603329?utm_source=chatgpt.com).

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 21, 83 ва 257-моддалар // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/4674902.

СУД ТИЗИМИДАГИ ОРТИҚЧА ЮКЛАМА ВА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Суд тизимидаги ортиқча юклама нафақат ишлар сонининг ортиб бориши, балки бир судья ҳиссасига тўғри келаётган ишлар миқдорининг кўплиги, уларни кўриш муддатларининг чўзилиши, суд мажлислари жадвали зичлиги, шунингдек қарорларни ижро этишдаги кечикишлар орқали ҳам яққол намоён бўлмоқда. Судлардаги бундай ортиқча юкламани камайтиришнинг энг мақбул йўлларидан бири сифатида низоларни ҳал этишнинг муқобил усули - медиация институтини қўллаш эътироф этилмоқда[1].

Медиация – низолашувчи тарафларнинг холис воситачи (медиатор) иштирокида ўзаро мақбул келишувга эришиш орқали низони ҳал этиш жараёнидир. Суд жараёнидан фарқли равишда, у ихтиёрийлик, махфийлик, процессуал соддалик, тарафлар муносабатини сақлаб қолиш тамойилларига асосланади[2].

Тарихга назар соладиган бўлсак, тарафлар ўртасида вужудга келган низоларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири – яраштирув усулидир. Мазкур усул учинчи шахс иштирокини таъминлаган ҳолда истакларни қаноатлантириш, ўзаро зиддиятларни бартараф этиш ва манфаатлар ягоналигига эришишдан иборат.

Низоларнинг муқобил йўл билан ҳал этилиши чуқур тарихий илдизларга эга. Инсоният цивилизациясининг турли даврларида низоларни ҳал қилишнинг яхлит усул ва таомиллар тизимидан иборат бўлган ўзига хос шакллари вужудга келган. Қадимда савдо-сотиқ ривожланган даврларда низоларни воситачилар иштирокида ҳал қилиш фаоллашгани кузатилган. Жумладан, тарихчилар асосий фаолият тури денгиз савдоси ҳисобланган Финикия ва Қадимги Бобилда воситачилик мавжуд бўлганини эътироф этадилар[3].

Хитой ва Японияда эса воситачилик институти ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам тан олинган. Ушбу мамлакатларда контрагентларни мулоқот орқали яраштирувчи воситачилик институти низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усулларидан бири ҳисобланади.

Медиация институти низоларни ўзаро ҳал қилиш орқали судларда иш ҳажмини камайтиришда катта ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, ўрганиш, процессуал нормалар таъсирини кучайтириш, иқтисодий ва инвестициявий аҳамиятини ошириш, халқаро амалиётни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни

2018 йил 3 июлда қабул қилиниб, 2019 йилдан амалга жорий этилган. Унда медиацияни қуйидаги соҳаларда қўллаш назарда тутилган:

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- тадбиркорлик ва банк-кредит муносабатлари;
- суғурта низолари;
- меҳнат ва оилавий низолар.

Медиациянинг энг муҳим устунлиги – “win-win” (икки тараф ҳам ютади) моделига асосланишидир. Судда одатда бир томон ютса, иккинчи томон албатта ютқазади. Медиацияда эса ҳар икки томон ўз манфаатини маълум даражада сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли медиатив келишувларнинг қарийб 90 фоизи ихтиёрий равишда ижро этилади, деб баҳоланади.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, медиация орқали ҳал этилган ишларнинг 70-85 фоизи муваффақиятли якунланади. Бундай ишлар суд муҳокамасига нисбатан ўртача 3-5 баробар тез ҳал этилади, шунингдек, давлат бюджети ва иштирокчилар харажатлари сезиларли даражада қисқаради.

Бугунги кунда Италия, Туркия, Буюк Британия, Сингапур, Хитой ва Америка Қўшма Штатлари медиация институционал ривожланган давлатлар ҳисобланади. Масалан, Сингапурда тижорат низоларининг катта қисми медиация орқали ҳал этилади, Буюк Британияда эса медиация тижорат соҳасида бир йилда миллиард-лаб фунт стерлинг миқдорида иқтисодий самара келтиради. Японияда судга келган ишлардан катта қисми аввал медиация тартибида кўриб чиқилади.

Энг муҳими, бугунги кунда медиация жараёнлари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда. 2019 йилда қабул қилинган Сингапур конвенцияси халқаро медиатив келишувларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Шу негизда медиация глобал ҳуқуқий механизм сифатида эътироф этилди.

Медиацияга оид келишувлар, одатда, уч турга бўлинади:

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув – низо келиб чиққунига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг, тарафларнинг низони медиация тартиб-таомилини қўллаган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув – тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-таомили амалга оширилиши тўғрисидаги келишуви.

Медиатив келишув - медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув шаклида ёзма равишда тузилади.

Унда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда, тарафлар судга мурожаат этишга ҳақли. Унинг бажарилмаслиги оқибатлари келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти ҳақ эвазига ёки текин амалга оширилиши мумкин. Нопрофессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти, одатда, текин амалга оширилади.

Нопрофессионал медиаторнинг медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатлари, жумладан, низони кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун йўл ҳақи, яшаш ва овқатланиш харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

Ҳақ тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш тарафлар томонидан, агар улар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, тенг улушларда амалга оширилади.

Медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишни рад этган тақдирда, у медиация тарафлари томонидан ўзига тўланган пул маблағларини қайтариб бериши шартлиги белгиланган[4].

Судлардаги иш юкламасини камайтириш ва ортиқча сансалорликларнинг олдини олиш мақсадида медиация институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш, медиатив келишувларнинг ҳуқуқий аҳамиятини кучайтириш ва уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланмоқда. Хусусан, 2025 йил 20 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун медиация амалиётини ҳуқуқий, институционал ва процессуал жиҳатдан сезиларли даражада такомиллаштирувчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу Қонун билан "Медиация тўғрисида"ги Қонунга қуйидаги асосий ўзгартиришлар киритилди:

биринчидан, қонуннинг амал қилиш доираси кенгайтирилди ва у фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан мижоз ва банк (кредит ташкилотлари) ўртасидаги муносабатлардан, суғурта шартномасидан юзага келадиган муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга, меҳнат ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланди;

иккинчидан, медиация соҳасини давлат сиёсати даражасида тартибга солиш мақсадида, Қонун "11-боб. Медиация соҳасини тартибга солиш" банди билан тўлдирилди ва Адлия вазирлиги медиация соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди;

учинчидан, медиатор бўлишга доир талаблар кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасида адвокат ёки нотариус мақомига эга бўлган шахсларнинг малака имтиҳонини топшириши талаб этилмаслиги белгиланди;

тўртинчидан, қонун Медиаторлар реестрига киритиш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш, Медиаторлар реестридан чиқариш тартиби ва шартлари ҳамда медиаторнинг жавобгарлиги тўғрисида янги нормалар билан тўлдирилди;

бешинчидан, медиация низони кўриб чиқишга ваколатли органда, ҳакамлик судида ва арбитражда низони кўриш жараёнида ҳам, уларнинг қарорлари қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тарафлар томонидан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув низони кўриб чиқишга ваколатли органга тақдим этилганда, мазкур орган ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши лозимлиги қатъий белгиланди;

олтинчидан, медиатив келишув мазмуни ва уни тузишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлар белгилаб қўйилди;

еттинчидан, қонунга киритилган қўшимчага мувофиқ, медиатив келишув ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, тарафлар медиатив келишувни мажбурий ижрога қаратишни сўраб, судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги кўрсатилди. Шунингдек, ИПК ва ФПКга судларга тааллуқли ишлар жумласига медиатив келишувни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар ҳам киритилди[5].

Хулоса қиладиган бўлсак, қонунчиликда медиация институти учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиши, унинг қўлланиш соҳалари кенгайтирилиши, медиаторлар мақоми ва жавобгарлигига доир нормаларни такомиллаштириш суд тизимидаги ортиқча юкламани изчил равишда камайтиришга ва адолатли, инсонпарвар низо ҳал этиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу маънода медиация институти суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналиши ва замонавий суд тизими самарадорлигини оширишнинг стратегик воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Мавлудахон УММАТОВА,
Фарғона вилоят судининг
иқтисодий ишлар бўйича судьяси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Алимов. Медиация институти: суд тизимидаги юкламани камайтириш ва ҳуқуқий маданиятни оширишдаги ўрни ҳамда аҳамияти // https://sud.uz/news-2026-01-21-1/
2. Ўзбекистон Республикасининг Медиация тўғрисида Қонуни 4-моддаси. https://lex.uz/ru/docs/3805227
3. Ф.Ражабова. Mediatsiya va muzokara usulida tijorat nizolarini hal etish. https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/49460
4. Ўзбекистон Республикасининг Медиация тўғрисида Қонуни 28-моддаси. https://lex.uz/ru/docs/3805227
5. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни // 20.10.2025 йилдаги ЎРҚ-1089-сон // https://lex.uz/uz/docs/7775310

ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ОНГ: ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРИШНИНГ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ: *ушбу мақолада тарихий хотира ва миллий онг ўртасидаги узвий боғлиқлик, шунингдек, сохталаштирилган ёки ташқи мафкуравий манфаатлар асосида ёзилган тарихнинг авлод тарбиясига, ватанпарварлик туйғусига ва шахснинг ўзликни англаш жараёнига таъсири таҳлил қилинади. Мақолада бадиий адабиёт, хусусан Тоғай Мурроднинг "Отамдан қолган далалар" ва Жавлон Жовлиевнинг "Кўрқма" асарлари ҳамда замонавий адабий мисоллар орқали тарихни бузиб талқин қилишнинг ижтимоий ва маънавий оқибатлари ёритилади. Муаллиф тарихни холис ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қайта англаш ҳақиқий мустақилликнинг муҳим шартларидан бири эканини асослайди.*

Калит сўзлар: *тарихий хотира, миллий онг, тарихий ҳақиқат, мафкуравий таъсир, ватанпарварлик, ўзликни англаш, адабий таҳлил, мустақиллик.*

Тарих ҳар қандай миллатнинг маънавий таянчи, ижтимоий хотираси ва келажакка йўналишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан биридир. Миллатнинг ўтмиш ҳақидаги тасаввури қанчалик холис ва ҳаққоний бўлса, унинг бугуни шунчалик мустаҳкам, келажакка қараши эса шунчалик ишончли бўлади. Аксинча, агар тарих ташқи кучлар, мафкуравий манфаатлар ёки сиёсий ҳукмронлик эҳтиёжларига мос равишда талқин қилинса, бу ҳолат жамият онгида чуқур маънавий из қолдиради. Бундай жараён, айниқса, ёш авлод тарбиясига таъсир қилиб, уларнинг ўз илдизига, аждодларига ва миллий қадриятларига муносабатини издан чиқариши мумкин.

Тарихий хотира фақат ўтмиш воқеаларининг жамланмаси эмас. У жамиятнинг ўзини англаш механизми, авлодлар ўртасидаги маънавий давомийликни таъминловчи тизим ва миллий бирликни мустаҳкамловчи маърифий омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тарихни бузиб кўрсатиш ёки бирёқлама талқин қилиш бутун бошли авлоднинг дунёқарашига таъсир кўрсатади. Чунки инсон, айниқса болалик ва ўсмирлик даврида ўз халқи ҳақида нимани эшитса, кўпинча шу тасаввур асосида миллий ўзлигини шакллантиради.

Агар таълим ва тарбия жараёнида аждодлар фақат салбий образ сифатида тақдим этилса, уларнинг озодлик учун кураши "жоҳиллик", "қолоқлик" ёки "босмачилик" каби тамғалар билан изоҳланса, бундай муҳитда камол топган шахс ўз тарихи билан фахрлана олмайди. Натижада у ўз миллатини тараққиёт субъекти эмас, балки доимо ташқи намунага муҳтож объект сифатида қабул қилишга ўрганиб қолади. Бу эса фуқаролик масъулияти, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусининг заифлашишига олиб келади.

Тарихни сохталаштиришнинг энг хавфли жиҳати шундаки, у бир зумда эмас, балки узоқ муддатли мафкуравий таъсир орқали амал қилади. Бунда расмий таълим, оммавий ахборот воситалари, турли мафкуравий моделлар ва ҳатто маданий маҳсулотлар орқали бир хил қараш такрор ва такрор мустаҳкамланади. Вақт ўтиши билан ёлғон талқин "одатий ҳақиқат" кўринишига кириб, шахснинг мустақил фикр юритиш имкониятини чеклайди. Шу боис тарихни англаш масаласи фақат тарихчилар фаолияти доирасидаги мавзу эмас, балки миллий хавфсизлик ва маънавий мустақиллик билан боғлиқ стратегик масаладир.

Ўзбек адабиётида мазкур муаммо бадиий образлар орқали жуда таъсирчан ифодаланган. Хусусан, Тоғай Мурроднинг "Отамдан қолган далалар" асари шўролар давридаги маънавий босим, инсон қадриятларининг синдирилиши ва миллий хотиранинг издан чиқарилиши каби жараёнларни ёркин тасвирлайди. Асар қаҳрамони Деҳқонқул тимсолида муаллиф шундай авлод фожиасини кўрсатадики, бу авлод ўз оталарининг асл моҳиятини англамай, улар ҳақида тайёр сиёсий хулосалар таъсирида шаклланади. Бу ерда муаммо фақат бир инсоннинг тақдири эмас, балки бутун бир жамиятнинг руҳий ҳолатида намоён бўлади.

Деҳқонқулнинг шахсий дунёсида оилавий меҳр, аждодлар хотираси ва инсоний қадриятлардан кўра мафкура талаблари устуворлашиб боради. Бу ҳолат инсон онгида табиий қадриятлар иерархиясининг сунъий равишда ўзгартирилганини англатади. Асарнинг драматик кучини оширадиган жиҳат шундаки, қаҳрамон тузумга хизмат қилса-да, охир-оқибат ўша тузум томонидан "халқ душмани" сифатида жазоланади. Ушбу зиддият тоталитар тизимнинг ички моҳиятини очиб беради: бундай тузум инсондан фидойилик талаб қилади, аммо унинг шаъни ва қадрини ҳимоя қилмайди.

Асарда Туркистон номининг ўзгартирилиши билан боғлиқ лавҳалар ҳам ўта рамзий аҳамиятга эга. Ном ўзгариши бу ерда оддий лингвистик ёки маъмурий ҳодиса сифатида эмас, балки халқни тарихий хотираси, маданий бирлиги ва сиёсий ўзлигидан узоқлаштиришга қаратилган восита сифатида талқин қилинади. Демак, мафкуравий босим фақат қурол ёки жазо орқали эмас, балки атама, таъриф, дарслик ва расмий нутқ орқали ҳам амал қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бир давр ёлғонини унинг ҳақиқий ҳолатини кўрган авлодга тўлиқ сингдириш қийин. Аммо кейинги авлод ушбу воқеликни бевосита эмас, балки таълим орқали қабул қилади. Агар таълим манбалари бир ёқлама бўлса, у ҳолда ёшлар тарихни эмас, тарих ҳақидаги тайёр хулосани ўзлаштиради. Бу эса тарихий тафаккур эмас, мафкуравий бўйсунишни юзага келтиради. Деҳқонқул образининг фожиаси ҳам айнан шу нуқтада намоён бўлади: у отасини билмайди эмас, балки уни ҳақиқий қиёфада билиш имкониятидан маҳрум қилинган.

Замонавий ўзбек адабиётида ҳам тарихий хотира ва ўтмиш олдидаги масъулият масаласи муҳим ўрин тутади. Жавлон Жовлиевнинг "Кўрқма" романида XX асрнинг йигирманчи йилларида Германияда таҳсил олган ўзбек ёшларининг орзу-интилишлари ва фожиали тақдири бугунги авлод ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ёритилади. Бу бадиий ёндашув тарихий хотирани асраш, аждодлар тақдирини англаш ва авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқлик ҳақида фикр юритишга ундайди.

"Тарихни ғолиблар ёзади" деган ибора кўп қўлланилади. Бироқ уни фақат ҳарбий ёки сиёсий ғалаба доирасида тушуниш тор ёндашув бўлади. Аслида мазкур фикр маънавий ва интеллектуал устунликни ҳам англатади. Қайси миллат ўз тарихи ҳақида ўзи мустақил сўзлай олса, ўз қаҳрамонлари ва фожиаларини ўзи баҳолай олса, ўша миллатнинг тафаккур мустақиллиги шаклланган бўлади. Акс ҳолда, сиёсий мустақиллик мавжуд бўлса-да, онг мустақиллиги тўлиқ қарор топмайди.

Шу маънода тарихни қайта кўриб чиқиш деганда уни сохталаштириш эмас, балки аксинча, ёлғон ва бир ёқлама талқинлардан тозалаш тушунилиши лозим. Бу жараёнда қораланган образларни адолатли баҳолаш, сунъий тамғаларни қайта таҳлил қилиш, мустамлакачилик ёки тоталитар мафкура қолдирган изларни холислик билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўз ўтмишини тўғри англаган миллатгина келажагини мустаҳкам қура олади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий хотира миллатнинг маънавий барқарорлиги, ўзликни англаши ва ватанпарварлик тарбиясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тарихнинг сохталаштирилиши ёки ташқи манфаатлар асосида талқин қилиниши авлодлар ўртасида маънавий узилишни келтириб чиқаради, ёшларнинг аждодларига бўлган муносабатини издан чиқаради ва миллий ғурурни сусайтиради. Бадиий адабиётда акс этган образлар мазкур муаммонинг фақат эстетик эмас, балки ижтимоий ва маърифий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шунинг учун ҳақиқий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тарихни холис, жасоратли ва миллий манфаатлар асосида қайта англаш зарур. Тарихни рўй-рост ёзиш, ундаги оғриқли нуқталарни яширмаслик ва миллат хотирасини адолат билан тиклаш — жамиятнинг маънавий иммунитетини кучайтиришга хизмат қилади. Зеро, ўз ўтмишини англаган ва ҳурмат қилган авлодгина ўз келажагини мустақил, масъулиятли ва фидойилик билан барпо эта олади.

Алибек ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Одил судлов академияси Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси кабинет мудири.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Роман.
2. Жаҳон ва миллий тарихшуносликда тарихий хотира ҳамда миллий онг масалаларига оид назарий қарашлар.
3. Замонавий ўзбек адабиётида тарих ва шахс муносабатига бағишланган бадиий асарлар.

ЎЗБЕКИСТОНДА УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш — жиноят қонунчилигининг энг оғир жазоларидан бири бўлиб, жиноятчининг жамиятдан тўлиқ ва батамом ажратилишини ҳамда умрбод эркинликдан маҳрум бўлишини тақозо этади. Бу жазо, асосан қасддан одам ўлдириш ва терроризм каби жиноятлар учун қўлланилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда қонунда белгиланган чекловларга риоя этилади. Бу жазо аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга тайинланмайди. Маҳкум қонунда белгиланган шартлар ва муддатларга риоя қилган ҳолда афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига ҳам эга.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ҳуқуқий асослари – бу Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган энг оғир чора сифатида белгиланган. Жиноят кодексининг 51-моддасида жиноятчининг жамиятга жиддий хавф туғдирадиган ҳолатларида, яъни фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаш мумкинлиги аниқ кўрсатилган.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши учун, жиноятнинг махсус хатарли табиати ва жиноятчи томонидан содир этилган ҳаракатлар юқори даражада оғир ва хавфли бўлиши керак. Шунингдек, суд мазкур жазога ҳукм чиқараётганда, жиноятчига нисбатан ижтимоий, психологик ва жиноят даражасига қараб тартиб белгилашни назарда тутади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг аввало, жиноятнинг оғирлигидан келиб чиқиб қўлланилади. У асосан қасддан одам ўлдириш, терроризм, одамлар ҳаётига жуда катта хавф туғдирадиган жиноятларда қўлланилади.

Жиноятчига нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишида унинг шахсий хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Агар жиноятчи жамиятга қарши барқарор ва хавфли ҳаракатлар қилган бўлса, унинг қайтарилмас жавобгарлиги тақозо этилган ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

Қонун нормаси талаблари бўйича одам ўлдириш, терроризм каби жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин. Бу турдаги жиноятлар жамиятда аниқ хавф туғдирган ҳолда, жазонинг ҳам шундай даражадаги самарадорлиги талаб этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан жиноятчининг иши юзасидан чиқарилган хулоса натижасидир. Агар жиноятчига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган бўлса, унинг эркинлиги чекланади ва умрбод шахсий эркинликдан маҳрум бўлади.

Ушбу жазо Жиноят кодексининг талабларига мувофиқ, қонунга асосланган ва суд томонидан ўрганилиб қўлланилади ва суд ҳукми белгиланган тартибда эълон қилинади ҳамда судланувчига афв этиш тўғрисидаги илтимоснома бериш тартиби тушунтирилади. Суднинг қароридан сўнг, жиноятчи муддатсиз озодликдан маҳрум бўлади. Ўзига оид эркинликнинг қандай шаклланишга ёки қайта тикланишига қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг амалий аҳамияти шундаки, у жиноятчиларни жамиятдан тўлиқ ажратишга ва уларнинг хавфини камайтиришга йўналтирилган. Ушбу жазо жиноятчининг хулқ-атворини ўзгартириш учун керакли шароитларни яратиш мақсадида амалга оширилади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шубҳасиз, жиноятчини ўз хатоларини англатишга ёрдам бериши ва жамиятга қайта интеграциялашишнинг имкониятларини камайтиришга қаратилган.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашнинг муаммолари шундаки, қайта шакллантириш ва интеграциялаш масалаларида бу жазо жиноятчини қайтарилмас ҳолатга олиб келиши мумкин.

Гарчи жазо оғир бўлса-да, унда инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматларининг ҳимояси эътиборга олинади. Бунда шахсни умрбод озодликдан маҳрум қилиш жиноятчининг асосий ҳуқуқларини чеклаши мумкин, бироқ, таълим -тарбия олиш, тиббий хизмат ва бошқа муҳим ҳуқуқларига риоя қилинишини талаб қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигидаги умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг оғир ва қайтарилмас жазолардан бири бўлиб у қасддан одам ўлдириш ва терроризм яъни ўта оғир жиноятлар учун белгиланади. Жазо тартиби ва унинг мақсадлари жиноятчиларни жамиятдан ажратиш ва уларнинг хавфини камайтиришга қаратилган. Шунингдек, жиноятчига қарши курашишдан мақсад жамият ва давлат манфаатлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонгир АЛИМБЕКОВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман судининг раиси.



МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВ: СУД ҲИМОЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Меҳнат инсон ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, унинг даромади, оиласи фаровонлиги ва ижтимоий барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Шу боис меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши фақат ходимнинг ҳуқуқий манфаатларига эмас, балки унинг оилавий ва моддий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, 2026 йил 1 августдан фуқаролик ишлари бўйича судларда меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар фаолиятининг йўлга қўйилиши меҳнат ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди. Ихтисослашув меҳнат низоларини кўришда касбий ёндашувни кучайтириш, суд амалиётида барқарор ва бир хил ёндашувларни шакллантириш ҳамда бузилган ҳуқуқларни самарали тиклашга хизмат қилиши кутилмоқда.

Қуйида янги амалиётнинг аҳамияти, меҳнат низоларининг ўзига хос жиҳатлари ва суд ҳимоясининг самарадорлигини ошириш масалалари ҳақидаги меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган ҳамкасбимизларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Ахрор Сулайманов,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг раиси:

— Меҳнат ҳуқуқи меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш, мажбурий прогул даври учун тўлов, иш ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимга етказилган зарар каби кўплаб масалаларни қамраб олади. Бундай низоларни сифатли ҳал этиш судьядан нафақат фуқаролик процессуал қоидаларини, балки меҳнат қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини ҳам чуқур билишни талаб этади.

Меҳнат низосининг ортида кўпинча оддий ҳужжатлар баҳси эмас, инсоннинг даромади ва оиласининг иқтисодий аҳволи туради. Айниқса, ишга тиклаш ёки иш ҳақини ундириш билан боғлиқ низоларда вақт омили муҳим. Низонинг ҳал этилиши чўзилгани сари ходимнинг иқтисодий юки ортиши мумкин.

Шу сабабли ихтисослашув фақат ишларни муайян судьяларга бириктириш билан чекланмаслиги, меҳнат низоларини профессионал ва бир хил ёндашув асосида кўришга хизмат қилиши лозим.

Бунда фақат ходимнинг манфаатлари ҳақида гапириш ҳам тўғри эмас. Иш берувчининг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиниши керак. Меҳнат шартномаларини тўғри расмийлаштириш, ходимни ишга қабул қилиш ва бўшатиш тартибига риоя этиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, меҳнат таътили ва бошқа кафолатларни таъминлаш низоларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода суд амалиётининг вазифаси низо келиб чиққанидан кейин уни ҳал қилиш билан чекланмайди. У меҳнат муносабатларида қонунга риоя қилиш маданиятини шакллантиришга ҳам таъсир кўрсатади.

Лола Ўтанбоева,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси:

— Меҳнат низоси расмий-ҳуқуқий жиҳатдан фуқаролик ишлари тоифасига кириши мумкин, бироқ унинг мазмуни оддий мулкий ёки шартномавий баҳсдан фарқ қилади. Чунки унинг марказида инсон, унинг меҳнати, қадр-қиммати, ижтимоий ҳимояси ва даромад манбаи туради.

Масалан, ходим қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган тақдирда, у суддан ишга тиклаш ва мажбурий прогул даври учун тегишли тўловларни ундиришни сўрайди. Низо ҳал этилгунга қадар эса унинг асосий даромад манбаи мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун меҳнат низоларида вақт омили оддий процессуал масала эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаётига таъсир қилувчи омилга айланади.

Меҳнат муносабатларида тарафларнинг имкониятлари ҳам ҳар доим бир хил бўлавермайди. Бир томонда иш берувчининг ташкилий имкониятлари ва меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлари бўлса, иккинчи томонда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётган ходим туради. Шунинг учун суд меҳнат низосини кўришда далилларни холис баҳолаши, меҳнат муносабатларининг ҳақиқий мазмунини аниқлаши ва тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини қонун асосида белгилаши зарур.

Шу билан бирга, суднинг вазифаси ходимни автоматик равишда қўллаб-қувватлаш ёки иш берувчини айбдор деб топишдан иборат эмас. Асосий вазифа — ҳар икки тарафнинг далилларини холис баҳолаб, низога қонуний ва асосли ечим топиш.

Шаҳноза Зайниева,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси:

— Унинг самараси, аввало, судьялар ўртасида иш юкламасини адолатли ва мутаносиб тақсимлашга боғлиқ. Ҳаддан ташқари кўп иш юкламаси ҳар қандай юқори малакали судьянинг ишни чуқур ўрганишига салбий таъсир қилиши мумкин. Меҳнат низолари эса кўпинча ишга тиклаш, иш ҳақи, мажбурий прогул ва меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунийлиги каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Шунингдек, ихтисослашган судьялар меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар, замонавий меҳнат муносабатлари ва суд амалиётини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бугун меҳнат муносабатлари анъанавий "ходим — иш берувчи" муносабатлари билан чекланмайди. Масофавий ишлаш, электрон ҳужжат айланиши, меҳнат шартномаларини электрон расмийлаштириш ва янги ишлаш шакллари ҳам ҳуқуқий ёндашувни талаб қилмоқда.

Бунда иш берувчилар ва ташкилотлар кадрлар хизмати ходимларининг меҳнат қонунчилиги бўйича билим ва масъулиятини ошириш ҳам муҳим. Кўплаб низоларнинг олдини олиш судга мурожаат қилинганидан кейин эмас, балки меҳнат муносабатларининг илк босқичида қонун талабларига тўғри риоя қилишдан бошланади.

Суд фаолияти самарадорлигини эса фақат кўрилган ишлар сони билан баҳолаш тўғри эмас. Ишларнинг оқилона муддатларда кўрилиши билан бирга, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги, юқори инстанцияларда барқарорлиги ва ижроси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, ходимни ишга тиклаш ёки муайян маблағни ундириш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, унинг амалда ижро этилиши фуқаро учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Меҳнат низоларини самарали ҳал этиш масаласи Германия, Франция, Япония каби давлатларда ҳам махсус механизмлар асосида тартибга солинган.

Германияда меҳнат низолари учун алоҳида суд тизими шаклланган бўлиб, у биринчи инстанция меҳнат судлари, ерлар меҳнат судлари ва Федерал меҳнат судидан иборат. Бу тизим меҳнат қонунчилигини ихтисослашган тарзда қўллаш ва суд амалиётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Францияда меҳнат шартномаларидан келиб чиқадиган шахсий низоларни махсус меҳнат кенгашлари — Conseil de prud'hommes кўради. Уларда ходимлар ва иш берувчилар вакиллари иштирок этади. Низони суд тартибида ҳал қилишдан олдин тарафларни яраштиришга ҳаракат қилиниши муҳим жиҳатлардан биридир.

Японияда 2006 йилдан Labour Tribunal System фаолият юритиб келади. Меҳнат низоларини тезкор ҳал қилишга қаратилган ушбу тизимда профессионал судья билан бирга меҳнат муносабатлари бўйича амалий тажрибага эга экспертлар ҳам иштирок этади. Бу ерда ҳам тарафларни келиштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Турли ҳуқуқий тизимларга эга бўлган ушбу давлатлар тажрибасида меҳнат низоларига ихтисослашган ёндашув, меҳнат қонунчилигини изчил қўллаш, низоларни муроса йўли билан ҳал қилиш ва судлов жараёнининг самарадорлигига эътибор каби умумий жиҳатларни кўриш мумкин.

Бироқ хорижий тажрибани тўлиқ кўчириб олиш эмас, балки унинг самарали жиҳатларини миллий ҳуқуқий тизим ва мамлакат шароитига мослаштириш муҳим.

Меҳнат низоларини кўришга ихтисослашувнинг ҳуқуқий аҳамияти инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, шунингдек бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун ишнинг қонун билан белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши кафолатланган.

Меҳнат муносабатларида ушбу кафолат алоҳида аҳамиятга эга. Чунки меҳнат ҳуқуқининг бузилиши кўпинча инсоннинг даромад манбаига таъсир қилади. Шунинг учун суд ҳимоясининг самарадорлиги нафақат қарорнинг қонунийлиги, балки унинг ўз вақтида қабул қилиниши ва амалда ижро этилиши билан ҳам белгиланади.

Меҳнат кодексининг 541-моддаси меҳнат низосини иш берувчи билан ходим ёки уларнинг вакиллари ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат шартномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини қўллаш, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартириш юзасидан келиб чиқадиган тартибга солинмаган келишмовчилик сифатида белгилайди.

Демак, меҳнат низолари доираси кенг бўлиб, уларни сифатли ҳал этиш соҳавий қонунчиликни чуқур билишни, суд амалиётини изчиллаштиришни ва тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини холис баҳолашни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йил 1 августдан меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган судьялар фаолиятининг йўлга қўйилиши суд-ҳуқуқ тизимида меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадамдир.

Унинг самараси фақат меҳнат ишларини алоҳида судьялар кўриши билан эмас, балки низоларнинг оқилона муддатларда ҳал қилиниши, қарорларнинг қонуний ва асосли бўлиши, суд амалиётининг барқарорлиги ва энг муҳими, қабул қилинган қарорларнинг амалда ижро этилиши билан белгиланади.

Ихтисослашув иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда бир тарафни устун қўйишни эмас, ҳар икки томоннинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини профессионал ва холис тарзда ҳимоя қилишни назарда тутади. Шу билан бирга, меҳнат низоларининг олдини олиш, иш берувчиларнинг қонунчилик талабларига риоя қилиши ва ходимларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ҳам суд ислоҳотларининг муҳим таркибий қисм+и бўлиб қолади.

Пировардида, меҳнат низолари бўйича ихтисослашувнинг асосий натижаси суд статистикасида эмас, балки бузилган меҳнат ҳуқуқининг ўз вақтида, қонуний ва амалда тикланишида намоён бўлади.

Давра суҳбатини фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг судьяси Озода ШАМСИДДИНОВА тайёрлади.

КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОТАРИУСНИНГ РОЛИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада корпоратив муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда нотариат институтининг ўрни ва нотариуснинг ҳуқуқий ваколатлари масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) мисолида таҳлил қилинган. Корпоратив ҳуқуқий муносабатларда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, корпоратив низоларнинг олдини олиш ҳамда корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги ва ҳуқуқий ишончлилигини таъминлашда нотариуснинг профилактик функцияси ёритилган. Тадқиқот натижасида корпоратив муносабатларда нотариат иштирокини кенгайтириш корпоратив низоларнинг олдини олиш, иштирокчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири эканлиги асослантирилган.*

Калит сўзлар: *нотариат, корпоратив муносабатлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув, корпоратив низо, ҳуқуқий муҳофаза, корпоратив ҳуқуқ.*

Корпоратив муносабатлар замонавий хусусий ҳуқуқнинг мустақил ва динамик ривожланаётган институтларидан бири сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг кўп босқичли ҳамда комплекс механизми билан тавсифланади. Мазкур механизм корпоратив ҳуқуқ субъектлари ўртасида вужудга келадиган ташкилий, мулкий ва бошқарувга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқий тамойиллар, корпоратив бошқарув стандартлари, корпоратив назорат институтлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўзаро уйғун тизимидан иборатдир. Миллий қонунчилигимизда корпоратив муносабатлар тушунчасига аниқ таъриф мавжуд эмас. Назарий жиҳатдан корпоратив муносабатларга турлича таърифлар берилган. Масалан, П.Степанов корпоратив муносабатларни корпорациянинг корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган ички муносабатлари деб таъриф берса[1], Д Ломакин корпоратив муносабатлар корпорация ичида вужудга келган муносабатлар ҳисобланишини, “корпоратив” термини асосан у ёки бу ҳодисанинг ёпиқ тизими ичидаги, яъни – “ички” маъносини ифодалаш учун қўлланилишини таъкидлайди[2]. Е.Афанасева юқоридаги олимларнинг фикрига қўшимча равишда корпоратив муносабатлар мулкий-номулкий, ташкилий-бошқарув муносабатлар элементларини бирлаштирган мураккаб ҳуқуқий муносабатлар эканлигини таъкидлар экан, ундаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлмаган ташкилий-бошқарув жиҳатининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратади[3]. Фикримизча, корпоратив муносабатлар тушунчаси юқорида берилган таърифларга қараганда кенгроқ қамровга эга. Биз бундай муносабатлар деганда, “корпорацияни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, корпорация иштирокчилари (акционерлари) билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, иштирокчилар (акционерлар) билан иштирокчилар (акционерлар) ўртасида, корпорация ишчилари билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, корпорация билан давлат, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ўртасида бўладиган корпорацияни бошқариш фаолиятига боғлиқ муносабатларни тушунамиз”[4].

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти корпоратив муносабат иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, корпоратив ҳуқуқларнинг кафолатланган ҳимоясини таъминлаш ва корпоратив низоларнинг вужудга келиш эҳтимолини минималлаштиришдан иборат. Самарали ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг мавжудлиги корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги, ҳисобдорлиги, ҳалоллик ва инсофлилик тамойилларининг таъминланишига, иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишига, инвесторлар ишончининг мустаҳкамланишига ҳамда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, корпоратив муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш, унинг ҳуқуқий табиати, таркибий элементлари ва амал қилиш хусусиятларини комплекс таҳлил қилиш, корпоратив ҳуқуқ назариясини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг муҳим илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиш усулига кўра диспозитив характерга эга. Ф.Фама таъбири билан айтганда, замонавий корпорацияларни шартномавий тизим (nexus of contract) сифатида тушуниш керак[5]. Ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, корпоратив муносабат иштирокчилари ўзаро муносабатларини аксарият ҳолларда келишувларга мувофиқ юритадилар. Чунки қонунчилик ҳужжатлари кўп ҳолларда корпоратив муносабатларни тартибга солишни иштирокчиларнинг хоҳиш-иродасига ҳавола қилган. Диспозитив ҳуқуқий нормаларнинг корпоратив муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланилиши иштирокчиларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил равишда белгилаш, корпоратив бошқарувнинг ички механизмларини эркин шакллантириш ҳамда корпоратив муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий муносабатларни мослаштириш имконини беради. Бироқ мазкур ёндашувнинг қатор ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим салбий ҳуқуқий оқибатлари ҳам мавжуд. Хусусан, корпоратив муносабатларда иштирокчиларга берилган эркинлик доирасининг кенглиги айрим ҳолларда субъектив ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш, корпоратив назоратдан ғайриқонуний фойдаланиш, миноритар иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, шунингдек корпоратив низоларнинг келиб чиқиши учун ҳуқуқий замин яратиши мумкин. Бундай ҳолатлар корпоратив муносабатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги ва корпоратив ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш заруратини янада долзарблаштиради. Шу муносабат билан корпоратив муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, уларнинг давлат томонидан самарали ҳуқуқий муҳофаза қилинишига эришиш ҳамда корпоратив ҳуқуқ иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Корпоратив муносабатлар соҳасида нотариат ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни таъминлаш ҳамда уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга оширувчи муҳим ҳуқуқий муҳофаза институтларидан бири сифатида эътироф этилади.

Корпоратив муносабатларда нотариусларнинг роли ва аҳамияти қиёсий таҳлиллар асосида ўрганилганда, айрим давлатларда нотариуслар корпоратив муносабатларда фаол иштирок этса, бошқаларида нотариусларнинг ваколатлари анча чекланган. Масалан, англо-америка ҳуқуқ тизимидаги давлатларда нотариуснинг вазифаси асосан техник хусусиятга эга бўлиб, у ҳужжатни имзолаган шахснинг шахсини аниқлаш ва имзо ҳақиқийлигини тасдиқлаш билан чегараланиб, битимнинг мазмуни, ҳуқуқий оқибатлари ёки қонунга мувофиқлиги учун масъул ҳисобланмаса, романо-герман моделида нотариат профилактик одил судлов (preventive justice) институтининг муҳим

субъекти ҳисобланади[6]. Хусусан, Германияда корпоратив муносабатларда нотариусларнинг ўрни сезиларли бўлиб, иштирокчининг жамиятга кириши ва чиқиши билан боғлиқ мурожаатлари (жараёнлари) тўлиқ нотариуснинг назорати ва иштирокида юритилади. Иштирокчининг жамият таъсисчилари сафига кириши ва жамиятдан чиқиши тўғрисидаги аризасини тасдиқлаган нотариус аризани юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ҳамда жамиятга юборади[7]. Италияда пандемиядан кейин корпоратив бошқарув жараёнларини рақамлаштириш мақсадида акциядорлар умумий йиғилишлари ҳамда масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг йиғилишларини онлайн форматда ўтказиш амалиёти жорий этилди ва мазкур йиғилишларнинг қонунийлиги ва қабул қилинган қарорларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида йиғилиш жараёнини нотариус томонидан назорат қилиш ҳамда йиғилиш баённомасини нотариал тартибда расмийлаштириш мажбурий талаб сифатида сақлаб қолинди[8]. Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина ва қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатларида корпоратив муносабатларни тартибга солиш жараёнида нотариусларни жалб этиш амалиёти кенг қўлланилади.

Россия Федерацияси "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги Федерал қонунига мувофиқ жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан устав капиталини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги факти, мазкур қарорни қабул қилишда иштирок этган жамият иштирокчиларининг таркиби, жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан устав капиталини ошириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги факти (17-модда), конвертация қилинадиган қарз шартномаси (191-модда), жамият устав капиталидаги улуш ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган ҳар қандай битим (шу жумладан опцион (Опцион — бу бир томонга келажакда шартнома тузишни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган келишув) асосида) (21-модда) нотариал тартибда тасдиқланиши шарт[9]. Корпоратив муносабатларда нотариуснинг фаол иштирокини таъминловчи бу каби императив нормалар корпоратив битимларнинг ҳуқуқий ишончлилигини таъминлаш, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, корпоратив низоларнинг олдини олишга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизмлардан бири сифатида қаралади. Бу борада А.Бегичев фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нотариатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифа нотариат ташкил топган даврдан бошлаб шаклланганлигини таъкидлайди[10].

Миллий қонунчилигимиз романо-герман моделига асосланган бўлса-да, хорижий давлатлар тажрибасидан фарқли равишда, корпоратив муносабатларни амалга ошириш ва расмийлаштириш жараёнларида нотариусларнинг фаол иштирокини назарда тутувчи ҳуқуқий механизмлар чекланган. Аниқроғи корпоратив муносабатларда нотариусларнинг иштирокини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари диспозитив нормалар асосида берилган. Хусусан, жамиятнинг устав фондидаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим, жамиятнинг уставида назарда тутилган тақдирдагина нотариал шаклда амалга оширилиши (Қонуннинг 21-моддаси), нотариуснинг юридик шахс раҳбар органларининг йиғилишларида, уларнинг таклифига кўра иштирок этиши ("Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси), юридик шахснинг раҳбар органи йиғилишини чақирувчи органнинг ёки шахснинг илтимосига кўра, юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаши ("Нотариат тўғрисида" Қонуннинг 70^1-моддаси) шулар жумласидандир.

Корпоратив муносабатларда нотариусларнинг роли ва кўламини кенгайтириш барқарорликни таъминлаш ва низолар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган муҳим институт ҳисобланади. Шу боис, корпоратив муносабатларда нотариус иштироки кўламининг кенгайтирилиши корпоратив муносабатларда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш билан бир қаторда, инсофсиз субъектлар томонидан корпоратив муносабатларда фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиши хавфини минималлаштиради. Суд амалиётида кўрилган корпоратив низолар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур низоларнинг аксарияти корпоратив муносабатлар нотариат институтининг самарали ҳуқуқий назорати ва ҳуқуқий экспертизаси асосида амалга оширилган тақдирда вужудга келмаслиги ёки уларнинг келиб чиқиш эҳтимоли сезиларли даражада камайиши мумкин. Масалан, даъвогарлар "Frewar Investments Ltd" хорижий компанияси ва М. К.нинг жавобгарлар "Martens Trading Co" масъулияти чекланган жамияти, М. О. ва Х. Ш.га нисбатан "Martens Trading Co" масъулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг 2018 йил 29 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорини ҳамда ягона иштирокчининг 2018 йил 23 июлдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни судда кўриш жараёнида умумий йиғилиш қарорида МЧЖ иштирокчиси М. К. иштирок этиб, кун тартибига қўйилган масалаларни қувватлаб овоз берганлиги ҳамда умумий йиғилиш баённомасини имзолаганлиги назарда тутилган бўлса-да, аслида М. К. умумий йиғилиш баённомасини имзоламаганлиги, йиғилишда иштирок этмаганлиги, М. К.нинг имзоси ўзи томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан унинг имзосига тақлид қилинган ҳолда қўйилганлиги аниқланган. Шу боис, суд 2018 йил 29 июндаги умумий йиғилиш баённомасининг сохталаштирилганлиги уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланиши тўғрисида тўхтамга келган. Шунингдек, умумий йиғилишда хорижий корхона номидан М. О. ишончнома асосида иштирок этиб, хорижий корхона улушини учинчи шахс фойдасига беғараз воз кечиш ҳақида қарор қабул қилишда иштирок этган бўлса-да, М. О.га берилган 2018 йил 23 февралдаги ишончномада унга бундай турдаги қарорларни қабул қилишга ваколат берилмаганлиги сабабли суд томонидан даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган[11]. Яна бир мисол "SMART PLANT" МЧЖ таъсисчиси Ф. Қ.анинг Ф. Х.га нисбатан "SMART PLANT" МЧЖнинг йили кўрсатилмаган 30 август кунидаги "SMART PLANT" МЧЖ иштирокчилари ўртасида тузилган устав фондидаги улушдан воз кечиш тўғрисидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси асосида қўзғатилган ишда, Ф. Қ. томонидан бундай мазмундаги битим тузилмаганлиги ва ундан хабари бўлмаганлиги тасдиғини топган. Бунинг оқибатида даъво аризаси қаноатлантирилиб, битим ҳақиқий эмас деб топилган[12]. Мазкур ҳолатларда нотариуснинг иштирок этиши таъминланган тақдирда, бундай қонунбузилиш ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олиш имконияти мавжуд бўлар эди. Чунки нотариус томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий экспертиза, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда битимнинг қонун талабларига мувофиқлигини текшириш ҳуқуқий хатолар ва қонунбузилишларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос К.Корсикнинг таъбири билан айтганда, корпоратив ҳуқуқий муносабатларда нотариуснинг иштироки унинг мустақил ва холис учинчи шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми билан белгиланади. Мазкур мақом нотариусга корпоратив қарорлар ва битимларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда корпоратив низоларнинг олдини олишга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий кафолат вазифасини бажариш имконини беради. Қолаверса, корпоратив бошқарув тизимида, хусусан умумий йиғилишларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали масофавий тарзда ўтказиш ҳамда масофадан туриб электрон овоз бериш механизмларининг жорий этилиши мазкур жараёнларнинг қонунийлиги, шаффофлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида умумий йиғилишларда нотариус иштирокини мажбурий ҳуқуқий институт сифатида шакллантириш заруратини юзага келтирмоқда. Чунки, компьютер технологиялари, айниқса сунъий интеллект ва нейротармоқлар ривожланиши натижасида инсоннинг овози ва ташқи кўринишини реал вақт режимида сунъий равишда ўзгартириш мумкин. Бу эса онлайн умумий йиғилишларда иштирок этаётган шахснинг ҳақиқатан ҳам тегишли иштирокчи эканини ишончли аниқлашни қийинлаштиради. Мазкур шароитда нотариуснинг роли янада муҳим аҳамият касб этади. Чунки нотариус юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни, энг аввало иштирокчининг шахси

ва ваколатларини текширади ҳамда ушбу ҳолатларни расмий қайд этади. Бу вазифани самарали амалга ошириш учун нотариус замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ишончли электрон идентификация воситаларига эга бўлиши зарур. Мазкур механизмлар онлайн корпоратив йиғилиш иштирокчиларининг шахсини ишончли идентификация қилиш, нотариал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва корпоратив қарорларнинг ҳақиқийлигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Сўнгги йилларда, корпоратив муносабатларда нотариуснинг иштироки борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, ушбу нормаларда диспозитивлик сақланиб қолинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, корпоратив муносабатларда нотариуслар иштирокининг мажбурийлиги борасида императив нормалар мавжуд эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корпоратив муносабатларни тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 05.09.2025 йилдаги ПҚ-268 қарорида жамият улушини (улушининг бир қисмини) сотиш ва жамият улушини (улушининг бир қисмини) сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш нотариал шаклда амалга оширилганда, шахсни жамият иштирокчилари таркибига киритиш ёки таркибидан чиқариш бу ҳақида тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилган кундан бошлаб юзага келган ҳисобланиши белгиланди. Шубҳасиз, мазкур норма корпоратив муносабатларда муайян тартибларни соддалаштириш мақсадида нотариусларнинг иштироки кўламининг кенгайишига хизмат қилади. Бироқ ушбу нормада ҳам корпоратив муносабатларда нотариуснинг иштироки диспозитивлигича қолмоқда. Шунингдек, фикримизча, мазкур норманинг ишлаш механизми нотариуслар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклаш орқали янада соддалаштирилиши мумкин. Чунки, мазкур қарорнинг учинчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари таркибига кириш ёки таркибидан чиқиш ҳолатларида жамият бошқа иштирокчиларни ўттиз кун муддатда бу ҳақида хабардор қилади ва жамият иштирокчилари таркибидаги ўзгартиришларни Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрида қайта давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўради. Бунда мазкур ўзгартиришларни амалга ошириш учун жамият умумий йиғилишининг қарорини қабул қилиш талаб этилмайди. Таъкидлаш жоизки, жамиятда корпоратив низо мавжуд бўлган тақдирда, хусусан жамият ижро органи билан иштирокчилар ўртасида низо мавжуд бўлганда, ушбу норма самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Шу боис, қарорда жамият ўз иштирокчилари таркибидаги ўзгартиришларни белгиланган муддатда Реестрга киритиш чораларини кўрмаган тақдирда, манфаатдор шахс жамият иштирокчилари таркибига киритиш бўйича рўйхатдан ўтказувчи органга мустақил мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ мазкур қарор қабул қилинганидан кейин Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартиришлар киритилмагани, ушбу ўзгаришларни тўлиқ реализация қилиш имкониятини чекламоқда. Фикримизча, бу борада қўшни давлатларда йўл қўйилган тартиб, корпоратив муносабатларда барқарорликни таъминлашда бирмунча самарали ҳисобланади. Масалан, Россия Федерацияси “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 21-моддаси нотариуснинг корпоратив ҳуқуқий муносабатларда фақат битимни тасдиқлаш билан чекланмасдан, тарафларнинг битим тузишга бўлган ҳуқуқларини текширади. Бунда улушни сотиш жараёнида сотувчининг ушбу улушга бўлган ҳуқуқини икки манба орқали тасдиқланиши керак:

- улушни аввал қандай қонуний асосда олганини кўрсатувчи ҳужжатлар (масалан, улушни ўтказиш юзасидан тузилган ҳар қандай шартнома, агар жамият ягона таъсисчи томонидан ташкил этилган бўлса, ушбу таъсисчининг жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарори, икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан ташкил этилган бўлса, таъсис шартномаси, агар улуш ёки унинг бир қисми жамият иштирокчисига мерос қилиб ўтказилган бўлса, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, шахснинг улушга бўлган ҳуқуқи белгиловчи суд ҳужжати, агар улуш ёки унинг бир қисми жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори асосида олинган бўлса, иштирокчиларнинг умумий йиғилиш қарори (масалан устав фондини ошириш тўғрисида);

- нотариуснинг битим тузилаётган кунда электрон шаклда олган ДХМ базасидан кўчирмаси.

Фақат шу икки текширувдан кейин нотариус улушни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни нотариал тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати улушни бегоналаштириш жараёнидаги нотариуснинг ҳаракатлари битим тузиш билан чекланмасдан, у улушга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Бунда нотариус нотариал ҳаракат амалга оширилган кундан бошлаб икки иш куни ичида (агар шартномада узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса), юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи ваколатли органга, тегишли ўзгартишларни киритиш тўғрисида ариза юбориши шарт. Бу норма устав капиталидаги улуш эгаси тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрида ўз вақтида янгилашга, иштирокчилар томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини кечиктириш ёки бажармаслик ҳолатларининг олдини олиш орқали улушни ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни расмийлаштиришни тезлаштиришга ҳамда корпоратив муносабатларда ҳуқуқий аниқлик ва учинчи шахслар учун маълумотларнинг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида корпоратив ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришда муҳим омил бўлади. Шу жиҳатдан мазкур тартиб нотариуснинг корпоратив муносабатлардаги профилактик ва кафолат берувчи функцияларини янада мустаҳкамлайди. Айнан шу мазмундаги тартиб Украина қонунчилигида ҳам белгиланган[13]. Бу каби нормаларни миллий қонунчилигимизга киритиш корпоратив муносабатларда нотариусларнинг ролини янада кенгайтиришга ва шу орқали корпоратив муносабатларни рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштиришга хизмат қилади.

Мақсудбек САИДОВ,
Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Степанов П.В. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: дис. канд. юрид. наук. М., 1999.

2. Ломакин Д.В. Корпоративные правоотношения: общая теория и практика ее применения в хозяйственных обществах. М.: Статут, 2008. С. 26.

3. Корпоративное право: учебный курс: в 2 т. Т. 1 / Е.Г. Афанасьева, В.А. Вайпан [и др.]. М.: Статут, 2017. С. 43. URL: https://www.iprbookshop.ru/77299.html

4. Саидов М. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Тошкент: 2019.

5. Fama E.F. Agency Problems and the Theory of the Firm // Journal of Political Economy. 1980. Vol. 88, No. 2. P. 288–307.

6. Malavet P.A. The Foreign Notarial Legal Services Monopoly: Why Should We Care? // The John Marshall Law Review. 1998. Vol. 31, No. 3. P. 945.

7. Саидов М.Н. Масъулияти чекланган жамият иштирокчилари ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалалари: юрид. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. Тошкент, 2023.

8. Лобанова С.Д. Роль нотариата в корпоративном законодательстве Российской Федерации // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2024. № 5-1. С. 126–128. DOI: 10.24412/2500-1000-2024-5-1-126-128. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rol-notariata-v-korporativnom-zakonodatelstve-rossiyskoy-federatsii

9. Федеральный закон от 08.02.1998 № 14-ФЗ “Об обществах с ограниченной ответственностью”.

10. Бегичев А.В. Истоки возникновения нотариата латинского типа в России // Нотариус. 2017. № 1. С. 44–47.

11. Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 4-10-2018/23-сонли иш бўйича қарори.

12. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 1001-1919/1077-сонли иши.

13. Про державну реєстрацію юридичних осіб, фізичних осіб – підприємців та громадських формувань: Закон України від 15 травня 2003 року № 755-IV.

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИДА ТОВАР СИФАТИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада маҳсулот етказиб бериш шартномасида товар сифатини белгилаш усуллари ва шартнома эркинлигининг мажбурий сифат ҳамда хавфсизлик талаблари билан нисбати таҳлил қилинган. Шартномада келишилган талабларни, стандартнинг қўлланиладиган таҳририни ва сифатни текшириш мезонларини аниқ кўрсатиш таклиф этилган.*

Калит сўзлар: *маҳсулот етказиб бериш шартномаси, товар сифати, шартнома эркинлиги, стандарт, техник регламент, намуна, товар тавсифи.*

АННОТАЦИЯ: *в статье анализируются способы определения качества товара в договоре поставки и соотношение свободы договора с обязательными требованиями к качеству и безопасности. Предлагается точно указывать в договоре согласованные требования, применяемую редакцию стандарта и критерии проверки качества.*

Ключевые слова: *договор поставки, качество товара, свобода договора, стандарт, технический регламент, образец, описание товара.*

ABSTRACT: *The article analyzes methods of specifying the quality of goods in supply contracts and the relationship between freedom of contract and mandatory quality and safety requirements. It recommends stating clearly in the contract the agreed requirements, the applicable edition of a standard and the quality verification criteria.*

Keywords: *supply contract, goods quality, freedom of contract, standard, technical regulation, sample, goods description.*

Товар сифати маҳсулот етказиб бериш муносабатларида тарафларнинг манфаатларига бевосита таъсир қилади. Сифатсиз товар харидорнинг ишлаб чиқариш режасини бузиши, уни қайта ишлаш ёки алмаштириш учун қўшимча харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Бу масала истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тадқиқотларда ҳам ўрганилади. Бироқ маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ўзига хос доирасини ажратиш зарур: Фуқаролик кодексининг 437-моддасида товарни тадбиркорликда ёки шахсий, оилавий ва рўзғор эҳтиёжларига боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ишлатиш назарда тутилган.

Товар сифатини шартнома воситасида таъминлаш шартномани тузиш ва уни ижро этиш босқичлари билан боғлиқ. Дастлаб тарафлар қандай товар етказиб берилиши юзасидан келишади, кейин эса амалда топширилган товар шу келишув асосида баҳоланади. Сифатнинг шартнома шартлари орасидаги ўрни ва уни таъминлаш усуллари ҳуқуқий адабиётларда турли жиҳатдан ёритилган [3–6]. Мазкур мақолада асосий эътибор шартнома тузиш пайтида сифат талабларини белгилашга қаратилди; қонун нормалари формал-юридик ва тизимли усулларда, илмий ёндашувлар эса қиёсий таҳлил қилинди.

Маҳсулот етказиб бериш олди-сотдининг алоҳида тури бўлгани сабабли товар сифатига оид умумий қоидалар махсус нормалар билан биргаликда қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда — ФК) 402-моддасининг биринчи қисми сотувчига шартномада келишилган сифатдаги товарни топшириш мажбуриятини юклайди. 1998 йил 29 августдаги 670-I-сон "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида ҳам хўжалик шартномасида етказиб бериладиган товарнинг сифати кўрсатилиши назарда тутилган.

Шартномани расмийлаштиришда товарнинг техник кўрсаткичлари, функционал имкониятлари ва белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқлилигини аниқ ифодалаш лозим. "Сифатли товар" ёки "талабларга мос маҳсулот" каби умумий иборалар қайси кўрсаткич бўйича мувофиқлик текширилишини очиб бермайди. Сифат шарти товарни тавсифлаш, уни қабул қилиш ва мажбурият лозим даражада бажарилганини баҳолаш учун бир хил мезон бериши керак.

Сифат талаблари шартнома предметини аниқлаштиришга ҳам хизмат қилади. Масалан, бир хил номдаги товарнинг турли навлари ёки техник кўрсаткичлари харидор учун бир хил аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шартномада товарнинг номи билан чекланиш етарли эмас. Сифат кўрсаткичлари аниқ ифодаланганда, етказиб берувчи ўз мажбурияти мазмунини, харидор эса қандай товарни қабул қилиши лозимлигини олдиндан билади. Бу келишув товарни топшириш пайтида унинг хусусиятлари юзасидан янги музокара бошлаш заруратини камайтиради.

Шу билан бирга, сифат шартининг йўқлиги ёки етарлича аниқ эмаслигини ҳар қандай шартноманинг автоматик равишда ҳақиқий эмаслиги билан тенглаштириб бўлмайди. Х. Раҳмонқулов шартномада сифат кўрсатилмаган ҳолда ҳам товар ўз вазифаси бўйича фойдаланишга яроқли бўлиши лозимлигини тушунтиради. Мажбуриятнинг аниқ бажарилиши масаласи шартноманинг тузилганлиги ва ҳақиқийлигидан фарқланади. Бу масалалар ФКнинг 364 ва 402-моддалари ҳамда хўжалик шартномаларига қўйиладиган махсус талаблар асосида алоҳида баҳоланади.

Техник топшириқ сифат талабларини келишишда муҳим амалий воситадир. Унда харидор ўзига зарур товарнинг хусусиятлари ва ишлаш шароитларини баён қилади. Тарафлар келишган техник топшириқни шартноманинг ажралмас қисми сифатида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Харидорнинг бир томонлама тайёрлаган ҳужжатидаги ҳар бир талабни сотувчи қабул қилган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шунинг учун топшириқнинг таҳрири, тасдиқланган санаси ва унга ўзгартиш киритиш тартиби ҳам келишиб олиниши лозим.

Техник ҳужжатга ҳавола қилинганда унинг шартномага дахлдор қисми аниқ ажратилиши муҳим. Товардан фойдаланиш йўриқномаси ишлаш шароитини тушунтириши мумкин, аммо харидор талаб қилаётган барча сифат кўрсаткичларини қамраб олмаслиги эҳтимол. Шу сабабли техник ҳужжат шартномадаги тавсиф ва спецификация билан солиштирилиши керак. Улардаги ўзаро зид талабларни шартнома тузилгандан кейин эмас, келишув босқичида бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

Товар сифатини белгилаш билан уни таъминлаш бир хил мазмунга эга эмас. Биринчи ҳолда товар қандай хусусиятларга эга бўлиши аниқланса, иккинчи ҳолда келишилган сифатга эришиш ва уни сақлаш воситалари назарда тутилади. Шартнома тузишда товарни батафсил тавсифлаш, стандартга ёки техник ҳужжатга ҳавола қилиш, намуна танлаш ва фойдаланиш мақсадини кўрсатиш мумкин. Бу усуллар бир-бирини тўлдириши ҳам мумкин: масалан, стандарт умумий талабларни, техник топшириқ эса харидорга зарур қўшимча кўрсаткичларни белгилайди.

Тарафлар аввалги шартнома бўйича етказиб берилган ўхшаш товар хусусиятларига ҳам таяниши мумкин. Бунда қайси товар назарда тутилаётганини аниқлаш имкони бўлиши лозим: аввалги шартнома реквизитлари, товар модели ёки партияси кўрсатилиши мумкин. Аввал сотиб олинган товарнинг сифати ҳақида тарафларда турлича тасаввур мавжуд бўлса, бундай ҳавола низони ҳал қилишни қийинлаштиради. Шунинг учун аввалги товарга таяниш ҳам сифат мезонларини аниқ ифодалаш талабини йўққа чиқармайди.

Стандартга ҳавола қилиш шартнома матнида барча техник хусусиятларни қайта санаб ўтиш заруратини камайтиради. Бироқ ҳавола текшириш мумкин бўлган ҳужжатни аниқ кўрсатиши керак. Шартномада стандартнинг

белгиси, номи, таҳрир йили ва зарур бўлса, қўлланиладиган бандларини қайд этиш маъқул. Акс ҳолда тарафлар бир хил номдаги ҳужжатнинг турли таҳрирларига таяниши мумкин. Стандарт янгиланганда шартнома талабларини қандай мувофиқлаштириш ҳам олдиндан келишиб олиниши лозим.

Стандарт ва техник регламентнинг ҳуқуқий табиати фарқланади. 2022 йил 3 ноябрдаги ЎРҚ-800-сон “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, стандартлар ихтиёрий қўлланилади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уларга мажбурий риоя этиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлар муайян стандарт талабларига мувофиқ товар етказиб беришни келишган бўлса, бу талаблар шартномавий мажбурият мазмунига киради. Стандартни танлаш ихтиёрийлиги қабул қилинган мажбуриятни бажармаслик ҳуқуқини бермайди.

Ю. А. Кузнецова товарнинг сифатини унинг харидор эҳтиёжини қондиришга яроқлилиги билан боғлайди ва сифат ҳамда хавфсизликни айнан бир тушунча деб баҳоламайди. Бу ёндашув маҳсулот етказиб бериш муносабатлари учун ҳам аҳамиятли. Маҳсулот хавфсизлик талабларига жавоб бериши мумкин, лекин шартномада келишилган унумдорлик ёки функционал имкониятга эга бўлмаса, харидорнинг мақсадига эришилмайди. Демак, техник регламентга мувофиқлик шартномадаги барча сифат шартлари бажарилганини ўз-ўзидан тасдиқламайди.

2023 йил 27 февралдаги ЎРҚ-819-сон “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси техник регламентни маҳсулот хавфсизлигига оид мажбурий тавсифлар ва улар билан боғлиқ қоидаларни белгиловчи ҳужжат сифатида ифодалайди. Техник регламентга риоя этиш мажбурияти тарафларнинг келишувига боғлиқ эмас. Айни пайтда стандартнинг айрим талаблари мажбурий тус олиши стандартнинг ўзи техник регламентга айланганини англатмайди. Шартномада ушбу икки ҳужжатнинг вазифасини аралаштирмаслик керак.

Харидорнинг сифатли товар олиш манфаати ва шартнома эркинлиги ўртасидаги нисбат юридик адабиётларда ҳам муҳокама қилинган [15; 16]. ФКнинг 402-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, тадбиркор сотувчи товар сифатига нисбатан белгиланган мажбурий талабларга риоя этиши шарт. Тарафлар бундай талабларни келишув билан пасайтира олмайди. Уларга зид шартнинг ҳақиқийлиги ФКнинг 116-моддаси асосида баҳоланади; унинг бутун шартномага таъсири эса 128-моддадаги қоидалар инобатга олинган ҳолда ҳал қилинади.

ФКнинг 402-моддаси олтинчи қисми тарафларга мажбурий талаблардан юқори сифат кўрсаткичларини келишиш имконини беради. Бироқ етказиб берувчи товарнинг айрим хусусиятларини ўз ташаббуси билан ўзгартириб, буни сифат яхшиланган билан оқлай олмайди. Масалан, қувати юқорироқ ускуна харидорнинг мавжуд ишлаб чиқариш тизимига мос келмаслиги мумкин. Айрим кўрсаткичнинг юқорилиги бошқа келишилган талабларга номувофиқликни бартараф этмайди; товарнинг мослиги шартнома шартлари асосида баҳоланади.

Сифатни намуна ва тавсиф орқали белгилаш ФКнинг 402-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган. Намуна муайян турдаги товарнинг келишилган хусусиятларини ўзида акс эттирувчи нусхаси бўлиб, кейинчалик етказиб берилган товарни таққослаш учун хизмат қилади. Шартномада намунанинг индивидуал белгилари, сақланадиган жойи ва тарафларнинг ундан фойдаланиш тартибини белгилаш зарур. Бу намунани бир томонлама алмаштириш ёки унинг қайси хусусиятлари келишилгани юзасидан низо чиқиши эҳтимолини камайтиради.

Товар тавсифи техник, функционал ва фойдаланиш кўрсаткичларини ифодалайди. У матн, чизма, схема, техник расм ёки спецификация шаклида берилиши мумкин. Тавсифдаги ўлчам, таркиб ва ишлаш кўрсаткичлари ўлчаш ёки синаш орқали текширишга яроқли бўлиши мақсадга мувофиқ. Шартнома матни, намуна ва техник илова ўртасида фарқ юзага келганда қайси ҳужжатга таянилиши ҳам келишиб олиниши лозим. Бундай келишув қонунчиликнинг мажбурий талабларини четлаб ўтишга хизмат қилмаслиги керак.

Харидорнинг товардан фойдаланиш мақсади сифатни аниқлашнинг яна бир мезонидир. ФКнинг 402-моддаси учинчи қисмига кўра, харидор шартнома тузиш пайтида муайян мақсадни сотувчига маълум қилган бўлса, товар шу мақсадда фойдаланишга яроқли бўлиши шарт. Қонун бунинг учун мақсад шартномада албатта ёзилган бўлишини талаб қилмайди. Аммо уни техник топшириқда ёки шартнома матнида қайд этиш кейинчалик хабар берилганлигини исботлашни енгиллаштиради. Масалан, махсус ишлаб чиқариш жараёни учун олинаётган ускунанинг яроқлилиги айнан шу жараён эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда баҳоланади.

Шартномада сифат шартлари кўрсатилмаган бўлса, ФКнинг 402-моддаси иккинчи қисмидаги белгиланган мақсадлар учун яроқлилик мезони қўлланилади. Демак, махсус кўрсаткичлар келишилмагани етказиб берувчини сифатга оид мажбуриятдан озод қилмайди. Шу билан бирга, харидорнинг сотувчига билдирилмаган ҳар қандай кутилмаси ҳам шартнома талаби ҳисобланмайди. Сифат баҳоси товарнинг вазифаси, келишилган хусусиятлари ва қонунчилик талабларига таяниши лозим.

Сифат талабини белгилашда уни қандай текшириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Тарафлар қабул қилиш пайтида текшириладиган кўрсаткичлар, синов усуллари ва натижаларни расмийлаштириш тартибини келишиб олиши мумкин. Бу ерда ФКнинг 407-моддасидаги товар сифатини текшириш қоидалари инобатга олинади. Шартномада аниқ кўрсаткич бўлиб, уни ўлчаш усули бўлмаса, тарафлар бир хил товарнинг сифати ҳақида турлича хулосага келиши мумкин.

Таҳлилдан келиб чиқиб, маҳсулот етказиб бериш шартномасида сифат талабларини расмийлаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади. Аввало, қонунчиликнинг мажбурий талаблари билан тарафлар келишган қўшимча кўрсаткичлар ажратилиши лозим. Стандартга ҳаволада унинг аниқ таҳрири, техник иловаларда эса тарафлар тасдиқлаган нусха кўрсатилиши керак. Намуна бўйича етказиб беришда уни сақлаш ва таққослаш тартиби, махсус мақсад учун харидда эса шу мақсаднинг етказиб берувчига маълум қилингани қайд этилиши мақсадга мувофиқ.

Товар сифатига оид шартнинг амалий қиймати унинг ҳажми билан белгиланмайди. Муҳими, тарафлар етказиб бериладиган товарга нисбатан бир хил ва текшириш мумкин бўлган талабларни келишиб олишидир. Стандарт, техник топшириқ, намуна ва фойдаланиш мақсадини ўзаро мувофиқлаштириш шартноманинг лозим даражада бажарилишини баҳолашни енгиллаштиради ҳамда сифат юзасидан келишмовчиликларни камайтиришга хизмат қилади.

Ойша АХУНОВА,
ТДЮУ мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болтуев У. С. Необходимость предложения потребителям качественных товаров как важный фактор защиты прав потребителей // Современные проблемы и тенденции развития экономики, управления и юриспруденции: материалы I Международной научно-студенческой конференции. — Ижевск, 2012. — С. 13–18.

2. Бабаев Дж. И. Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юрид. фан. док. дис. — Тошкент, 2021.

3. Сметанников А. Е. Договор купли-продажи и качество продукции // Российский юридический журнал. — 2009. — № 1. — С. 98–101.

4. Кузнецова Ю. А. Качество как условие договора: проблемы реализации // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. — 2014. — № 1 (32). — С. 114–116.

5. Камалов О. А. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш: юрид. фан. док. дис. — Тошкент, 2015.

6. Гридин А. В. Гражданско-правовые способы обеспечения качества товаров, работ и услуг: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. — Краснодар, 2006.

7. Маслова А. В. Правовые аспекты деятельности по обеспечению качества и безопасности продукции: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. — М., 2005.

8. Раҳмонқулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. — Тошкент: Адолат, 2000. — Б. 36–37.

9. Болтуев У. С. К вопросу о правовых аспектах товаров как предпосылка защиты прав потребителей // Вестник педагогического университета. — 2011. — № 3 (39). — С. 79–84.

10. Зубкова Т. А. Правовое обеспечение качества товаров: законодательство требует корректив // Бизнес в законе. — 2012. — № 2. — С. 148–150.

11. Тавер Е. И. Договоры купли-продажи. Требования к качеству // Методы оценки соответствия. — 2009. — № 1.

12. Богдан В. В. Гражданско-правовое регулирование защиты прав потребителей в современной России: проблемы теории и практики: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.03. — Курск, 2015. — 389 с.

13. Панова А. С. О соотношении договорного условия о качестве товара с иными условиями договора поставки // Вестник Санкт-Петербургского университета. Серия 14. Право. — 2014. — № 4. — С. 117–125.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада Ўзбекистонда оилавий зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчиликнинг шаклланиши ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тизимли ҳамда виктимологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Конституциявий кафолатлар, 2019 йилги махсус Қонун, 2023 йилда оилавий (маиший) зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг белгиланиши, 2024 йилда хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш чораларининг кучайтирилиши, ҳимоя ордери, комплекс ижтимоий хизматлар ва тузатиш дастурлари ўрганилган.*

Калит сўзлар: *оилавий зўравонлик, тазйиқ, жабрланувчи, ҳимоя ордери, виктимологик профилактика, қайта зўравонлик хавфи, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, ижтимоий хизмат, идоралараро ҳамкорлик.*

Оилавий зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик эволюциясини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқичда тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг махсус ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Иккинчи босқичда оилавий (маиший) зўравонлик мустақил маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят сифатида эътироф этилиб, жавобгарлик дифференциация қилинди. Учинчи босқичда эса ҳимоя ордери, ижтимоий хизмат, болаларни алоҳида ҳимоя қилиш, зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини ўзгартириш ва идоралараро ахборот алмашинувини ўзаро боғлайдиган комплекс модель шакллантирилмоқда. Бундай босқичлаш ҳуқуқий ислоҳотларни алоҳида ҳужжатлар йиғиндиси эмас, профилактикадан реабилитациягача бўлган ягона тизим сифатида баҳолаш имконини беради.

2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ–829-сон қонун миллий тизим ривожида сифат жиҳатидан янги босқични бошлади. У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 59^{2}-модда, Жиноят кодексига 126^{1}-модда киритилиб, оилавий (маиший) зўравонлик мустақил ҳуқуқбузарлик ва жиноят таркиби сифатида белгиланди. Нормалар эр-хотин, собиқ эр-хотин, бир рўзғор асосида бирга яшаётган шахс ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсларга нисбатан муайян ғайриқонуний ҳаракатларни қамраб олди. Жиноий жавобгарликнинг дифференциация қилиниши қилмишнинг такрорийлиги, оқибати, жабрланувчининг алоҳида ҳолати ва бошқа оғирлаштирувчи белгиларни ҳисобга олиш имконини берди.

Ушбу криминализациянинг ҳуқуқий аҳамияти уч жиҳатда кўринади. Биринчидан, оила доирасидаги зўравонликнинг ижтимоий хавфлилиги расман эътироф этилди. Иккинчидан, ҳуқуқни қўлловчи органлар учун махсус квалификация меъёри пайдо бўлди ва қилмишни умумий тан жароҳати, ҳақорат ёки мулкка зарар етказиш нормалари ўртасида парчалаб баҳолаш эҳтиёжи камайди. Учинчидан, такрорий хатти-ҳаракатнинг динамикаси ва жабрланувчи билан ҳуқуқбузар ўртасидаги яқин муносабатнинг хавфни оширувчи хусусияти инобатга олинди.

Шу билан бирга, мазкур нормаларда белгиланган шахслар доираси ҳар бир реал оилавий муносабатни тўлиқ қамраб оладими, деган савол сақланиб қолади. Амалиётда ота-она ва вояга етган фарзанд, ака-ука, опа-сингил, васий ва қарамоғидаги шахс, бирга яшамайдиган, аммо иқтисодий ёки бошқа қарамлик мавжуд бўлган қариндошлар ўртасида ҳам зўравонлик содир бўлиши мумкин. Шу сабабли "оилавий (маиший) зўравонлик" субъектини фақат никоҳ ёки умумий фарзанд мезонига эмас, оилавий-қариндошлик, биргаликда яшаш, васийлик ёки фактик қарамлик муносабатларига боғлаш мақсадга мувофиқ.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сон қарори судлар учун жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик мазмунини шарҳлаб, янги нормаларни бир хил қўллашга йўналтирди. 2024 йил 21 октябрдаги ЎРҚ–978-сон қонун билан болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик содир этганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилди, шунингдек, оилавий зўравонликка оид ишлар бўйича ярашув тўғрисидаги ариза фақат суд муҳокамаси босқичида берилиши белгиланди. Бу янгилик болани оилавий муносабатларнинг пассив иштирокчиси эмас, мустақил ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар эгаси сифатида ҳимоя қилишни кучайтирди.

2024 йил 14 ноябрдаги ЎРҚ–996-сонли "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун эса болаларни жисмоний, руҳий ва бошқа зўравонлик шаклларидан ҳимоя қилишнинг комплекс асосларини белгилади. 2025 йил 14 июлдаги 440-сон қарор билан болага нисбатан зўравонлик ҳолатини аниқлаш, хавф даражасини баҳолаш, ҳимоя режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тартиби тасдиқланди. Ушбу механизмнинг кучли томони — бир марталик чорадан индивидуал ҳимоя режасига ўтишидир. Оилада хотин-қизга нисбатан зўравонлик боланинг ҳам хавфсизлиги ва руҳий ҳолатига таъсир этиши мумкинлиги сабабли, хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш тартиблари ўзаро боғланган ҳолда ишлаши шарт.

Ҳимоя ордери — жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахсга ҳуқуқий чекловлар юкловчи тезкор профилактик ҳужжатдир. Уни бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан белгиланган. Амалдаги тартибга кўра, мурожаатлар, хабарлар, ваколатли орган ходимининг бевосита аниқлаши ва бошқа материаллар ордер бериш учун асос бўлиши мумкин. 2025 йилги ўзгартишлардан сўнг ордер хотин-қизлар ва болаларни ҳисобга олиш ягона ахборот тизими орқали рўйхатга олинади.

Ҳимоя ордери зўравонликни тақиқлаш, жабрланувчи билан алоқани чеклаш, бир хонада бўлишни тақиқлаш, даволаш, маслаҳат ёки тузатиш дастурларидан ўтиш мажбурияти каби чораларни назарда тутиши мумкин. Дастлабки муддат ичида хавф бартараф этилмаса, жабрланувчининг аризасига асосан жиноят ишлари бўйича суд ордер муддатини бир йилгача узайтириши мумкин. Суд назорати ордернинг узоқ муддатли чекловлари шахс ҳуқуқларига мутаносиб бўлишини ва жабрланувчининг хавфсизлиги таъминланишини уйғунлаштиради.

Бироқ ордернинг самарадорлиги уни бериш сони билан эмас, қайта зўравонликнинг олди олингани, чекловларга риоя қилингани ва жабрланувчининг хавфсиз ҳаётга қайтиш имконияти билан ўлчаниши лозим. Ордер берилгандан кейин назорат фақат даврий текширув билан чекланса, юқори хавфли ҳолатда у етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис ҳар бир ҳолатда хавф омиллари: олдинги зўравонликнинг такрорийлиги, таҳдиднинг кучайиши, қурол ёки хавфли воситага эга бўлиш, ажралиш жараёни, таъқиб, болаларга таҳдид, иқтисодий қарамлик, ордер талабларини аввал бузиш каби ҳолатлар стандартлаштирилган тарзда баҳоланиши зарур.

Расмий маълумотлар профилактик механизмга талаб юқори эканини кўрсатади. 2023 йилда республика бўйича тазйиқ ва зўравонликка учраган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордери берилган, 1 450 нафар хотин-қиз реабилитация ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган.

Тошкент шаҳри бўйича 2024 йилнинг маълум даврида 1 623 та ҳимоя ордери берилган бўлиб, ҳолатларнинг 1 063 таси руҳий, 457 таси жисмоний,

58 таси иқтисодий зўравонлик ва 45 таси бошқа тазйиқ сифатида қайд этилган; 92 нафар аёл реабилитация марказига жойлаштирилган. Бу рақамлар руҳий зўравонлик амалиётда энг кўп қайд этиладиган шакллардан бири эканини кўрсатса-да, ҳудудий ва даврий маълумотларни республика миқёсида умумлаштиришда ягона очиқ статистика етарли эмас.

Зўравонликдан ҳимоя фақат ҳуқуқбузарга чеклов қўйишдан иборат бўлмаслиги керак. Жабрланувчи хавфсиз бошпана, тиббий ва психологик ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат ва судда вакиллик, ҳужжатларни тиклаш, алимент ва мулкий ҳуқуқларни таъминлаш, ишга жойлашиш, болаларни хавфсиз таълимга жойлаштириш ҳамда рақамли хавфсизлик чораларига эҳтиёж сезиши мумкин. ЎРҚ–561-сонли қонун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига жабрланувчиларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатиш, мониторинг ўтказиш ва улар манфаатида судга давлат божисиз мурожаат қилиш ваколатини беради. Бу нормалар ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояни бирлаштириш учун асос яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ–175-сонли қарори мазкур хизматларни “оила — маҳалла — туман ва ҳудуд” тамойили асосида ташкил этишнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Қарорга кўра, 2024 йил 1 июндан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки хавф остидаги хотин-қизларга ҳимоя ордерини талаб қилмаган ҳолда ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатади; ҳолат аниқланганидан кейин 24 соат ичида тегишли тезкор чоралар кўрилиши назарда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сон қарори ушбу тартибларни амалга оширишнинг маъмурий механизмларини белгилади.

Миллий моделда зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахснинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган тузатиш дастурлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Фақат жабрланувчини вақтинча ажратиш, ҳуқуқбузарнинг мажбурловчи назорат ва зўравон хулқ-атворини ўзгартирмасдан туриб, такрорий виктимлашув хавфини тўлиқ бартараф этмайди. Шу сабабли дастурлар учун ягона минимал стандарт, мутахассислар малакаси, қатнашиш ва якунлаш мезонлари, шунингдек, дастурдан кейинги такрорий ҳуқуқбузарлик кўрсаткичларини баҳолаш тартиби белгиланиши лозим. Тузатиш дастури ҳимоя ордери ёки жавобгарликнинг ўрнини босмасдан, уларни тўлдирувчи профилактик чора бўлиши шарт.

Хулоса ўрнида таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқилган қуйидаги илмий-амалий таклифларни келтириб ўтамиз.

Биринчидан, ҳимоя қилинадиган шахслар доирасини аниқлаштириш. Қонунчиликда “оилавий зўравонликдан жабрланувчи” деганда эр-хотин ва собиқ эр-хотин билан чекланмаган ҳолда, яқин қариндош, бирга яшовчи ёки илгари бирга яшаган, умумий фарзандга эга, васийлик, ҳомийлик ёки фактик иқтисодий-маиший қарамлик муносабатида бўлган шахс тушунилиши мақсадга мувофиқ. Бунда махсус хотин-қизлар ҳимояси сақланиб, бошқа оила аъзоларининг ҳам самарали ҳимоя воситасига кириши таъминланади.

Иккинчидан, дастлабки мурожаатда ваколатли ходим ягона саволнома асосида паст, ўрта, юқори ёки фавқулодда хавф даражасини белгилаши керак. “Динамик” деганда баҳони бир марта ўтказиш эмас, ордер бузилиши, ажралиш, таҳдиднинг кучайиши, болалар билан боғлиқ низо ёки ҳуқуқбузарнинг хулқи ўзгарганда қайта кўриб чиқиш тушунилади. Баҳолаш натижаси ҳимоя ордерининг мазмуни, хавфсиз жойлаштириш, тезкор назорат ва судга мурожаат қилиш чораларини танлашга бевосита таъсир қилиши лозим.

Учинчидан, ўрта ва юқори хавфли ҳолатларда жабрланувчининг розилиги ва эҳтиёжлари асосида режа тузилиши керак. Унда аниқланган хавфлар, хавфсиз бошпана, тиббий ва психологик ёрдам, ҳуқуқий вакиллик, болалар хавфсизлиги, алимент ва мулкий масалалар, бандлик, ҳужжатлар, рақамли хавфсизлик, масъул ташкилотлар, муддатлар, натижа индикаторлари ва қайта кўриб чиқиш санаси белгиланади.

Тўртинчидан, “Инсон” марказининг махсус тайёргарликдан ўтган мутахассиси ёки қонунчиликда белгиланган бошқа субъект кейс-менежер сифатида хизматларни мувофиқлаштириши мумкин. Унинг ваколати, иш юкламаси, маълумот алмашиш доираси, махфийлик мажбурияти, жабрланувчининг розилиги ва шикоят механизми норматив тартибда белгиланиши зарур. Бу таклиф идоралар ваколатини алмаштирмайди, балки уларнинг қарорларини ягона хавфсизлик мақсади атрофида бирлаштиради.

Бешинчидан, ягона ахборот тизими ордерни рўйхатга олишдан ташқари, текширув муддатлари, тақиқлар, бузилиш ҳақидаги хабар, кўрилган чора ва судга юборилган материалларни қайд этиши керак. Юқори хавфли ҳолатларда жабрланувчига ихтиёрий тезкор хабар бериш воситаси ва масъул ходимга автоматик огоҳлантириш имконияти яратилиши мумкин. Рақамлаштириш шахс устидан назорат эмас, хавфсизликка қаратилган, мақсад билан чекланган ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Олтинчидан, руҳий, иқтисодий ва рақамли зўравонлик бўйича ички ишлар, прокуратура, адвокатура, тиббиёт ва суд органлари учун далиллар рўйхати ва ҳаракатлар алгоритмини қамраб олган қўшма тавсия қабул қилиниши керак. Унда жабрланувчининг қайта-қайта баёнот бериши ва иккиламчи руҳий зарар кўришини камайтириш, электрон далилларни қонуний сақлаш ҳамда болалардан ахборот олишнинг махсус кафолатлари назарда тутилиши лозим.

Еттинчидан, ваколатли органлар учун тушунча, ҳисоб бирлиги ва даврлари бир хил бўлган очиқ статистик шакл тасдиқланиши зарур. Маълумотлар жинс, ёш, ҳудуд, зўравонлик шакли, муносабат тури, хавф даражаси ва кўрилган чоралар бўйича шахссизлантирилган ҳолда тақдим этилиши мумкин. Натижа фақат “нечта ордер берилди” билан эмас, такрорий ҳолат камайиши, хавфсизлик режаси бажарилиши ва хизматларга барқарор кириш билан баҳоланиши керак.

Саккизинчидан, судьялар, профилактика инспекторлари, терговчилар, прокурорлар, адвокатлар, ижтимоий ходимлар ва тиббиёт мутахассислари учун умумий кейсларга асосланган ўқув модуллари жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Анонимлаштирилган суд қарорлари ва амалиёт шарҳлари ҳуқуқий квалификация, далиллар етарлилиги, ордерни узайтириш мезонлари ва жабрланувчи хавфсизлигига оид ягона стандартни шакллантиради.

Муҳаббат АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023 йилдаги ЎРҚ–829-сон Қонуни. — https://lex.uz/docs/6430272.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.11.2023 йилдаги 30-сон қарори. — https://lex.uz/docs/6683558.
3. Ўзбекистон Республикасининг 21.10.2024 йилдаги ЎРҚ–978-сон Қонуни. — https://lex.uz/docs/7165389.
4. Ўзбекистон Республикасининг 14.11.2024 йилдаги ЎРҚ–996-сон “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. — https://lex.uz/docs/7219502.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.07.2025 йилдаги 440-сон қарори. — https://lex.uz/docs/7648472.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.01.2020 йилдаги 3-сон қарори. Амалдаги таҳрир. — https://lex.uz/docs/4676892.
7. Ўзбекистон Республикасининг 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ–561-сон “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Амалдаги таҳрир. — https://lex.uz/docs/4494709.
8. Ёшлар ишлари агентлиги. 2023 йилда республикамизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида қандай ишлар амалга оширилди? — 28.02.2024. — https://gov.uz/uz/yoshlar/news/view/6645.
9. Ички ишлар вазирлиги. Тошкент шаҳар ИИББ хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятининг натижалари ҳақида. — 28.11.2024. — https://gov.uz/uz/iiv/news/view/28772.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.05.2024 йилдаги ПҚ–175-сон қарори. — https://lex.uz/docs/6916638.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2024 йилдаги 354-сон қарори. Амалдаги таҳрир. — https://lex.uz/docs/6982043.

ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТИЗИМИДА "ҚИЛМИШНИНГ ХУСУСИЯТИ" ВА "ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ" ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ

АННОТАЦИЯ: *ушбу мақолада жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида "қилмишнинг хусусияти" ва "ижтимоий хавфлилик даражаси" тушунчаларининг ўзаро нисбати, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўрни назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Жиноят ҳуқуқи доктринасида ушбу икки категорияни сифат ва миқдор кўрсаткичлари жиҳатидан фарқлаш ёки ягона тизим сифатида бирлаштириш бўйича мавжуд концепциялар қиёсий ўрганилиб, муаллифлик таклифлари илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *жазо тайинлашнинг умумий асослари, қилмишнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, муқобил жазолар, суд дискрецияси, кунлик баҳо тизими (Day-fines), мулкий диверсификация, электрон пробация.*

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тизимида "қилмишнинг хусусияти" ва "ижтимоий хавфлилик даражаси" тушунчаларининг ўзаро нисбати узоқ йиллардан буён жиноят ҳуқуқи доктринасида баҳсли бўлиб келмоқда.

Жиноят кодекси 54-моддасининг иккинчи қисмида муҳим бир инсонпарварлик қоидаси мустаҳкамланган: суд Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазолар ичидан фақат жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазонинг мақсадларига эришиш учун оғирроқ жазо тури зарур деб топган тақдирдагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаши мумкин. Лекин ушбу моддага қуйидаги мазмундаги қўшимча киритилиши лозим, деган фикрни илгари сурамиз: "Суд санкцияда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имкониятини истисно этувчи аниқ омилларни (маҳкумнинг муқаддам тизимли судланганлиги, доимий иш жойи ва даромади йўқлиги ва б.) ҳукмда асослаб бергандан сўнггина озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаши мумкин".

Мавзу юзасидан халқаро тажрибага юзланадиган бўлсак, **Германия Жиноят кодекси**[1] (StGB) тизимида жазо тайинлашнинг умумий асослари (46-параграф) ва махсус 46а-параграфи маҳкумнинг жиноятдан кейинги хулқ-атворига, айниқса жабрланувчи билан ярашиш ва етказилган зарарни қоплашга қаратилган фаол ҳаракатларига (Täter-Opfer-Ausgleich) катта ҳуқуқий урғу беради. Германия жиноят ҳуқуқида иқтисодий жиноятларда зарар тўлиқ қопланган ва шахс биринчи марта қилмиш содир этган ҳолатларда, қонун судга жазони сезиларли даражада енгиллаштириш ёки озодликдан маҳрум қилиш ўрнига пул жаримаси (Geldstrafe) тайинлаш, ҳаттоки жазодан бутунлай воз кечиш ҳуқуқини (дискрецион ваколатини) тақдим этади. Бироқ миллий тизимимиздан фарқли ўлароқ, Германияда бу қоида соф императив характерга эга эмас, яъни йирик молиявий жиноятларда қонуний тартибни ҳимоя қилиш ва умумий профилактика мақсади устувор деб топилса, суд зарар қопланган бўлса-да, реал қамоқ жазосини белгилаш танловини сақлаб қолади.

Скандинавия давлатлари (Швеция[2], Норвегия[3]) қонунчилигида ва суд амалиётида жазо тизимининг инсонпарварлик ҳамда маҳкумни жамиятга қайта интеграция қилиш (reintegration) мақсадларига алоҳида устуворлик берилади. Бироқ, ушбу мамлакатлар ҳуқуқий тизими жиноятнинг "умумий тийиб туриш" (general deterrence) концепциясидан мутлақо воз кечмаган, аксинча, йирик иқтисодий ва молиявий жиноятларда умумий профилактика мақсадини таъминлаш учун реал озодликдан маҳрум қилиш жазоси қатъий қўлланилади. Скандинавия моделининг ўзига хослиги шундаки, агар иқтисодий жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра йирик ҳажмда бўлмаса, судлар қамоқ жазоси ўрнини босувчи муқобил чораларни — жамият фойдасига бепул меҳнат қилиш (Швецияда samhällstjänst, Норвегияда samfunnsstraff) ва шахснинг реал кунлик даромадига пропорционал бўлган жарималар (Day-fines) тизимини кенг қўллайдилар. Бу эса енгил ва ўртача иқтисодий деликтларда жазонинг иқтисодий самарадорлиги ва маҳкум оиласини ижтимоий вайрон қилмаслик тамойилларини таъминлайди.

АҚШ жиноят ҳуқуқида эса ўзига хос математик модель — "Федерал жазо тайинлаш бўйича кўрсатмалар" (Federal Sentencing Guidelines[4]) тизими мавжуд бўлиб, унда судьянинг субъектив баҳолаш доирасини муайян даражада чеклаш назарда тутилган. Иқтисодий ва молиявий жиноятларда (White-Collar Crimes) жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг миқдори Кўрсатмаларнинг махсус параграфи (§2B1.1) асосида тўғридан-тўғри жазо балларига айлантирилади. Зарар ҳажми қанчалик юқори бўлса, жазо балли ва унга мувофиқ келувчи қамоқ муддати ҳам шунчалик ортиб боради. Бироқ, АҚШ Олий судининг "United States v. Booker"[5] (2005 й.) иши бўйича чиқарган тарихий прецедентидан сўнг, ушбу Кўрсатмалар соф императив (мажбурий) хусусиятини йўқотиб, тавсиявий (advisory) характерга эга бўлди. Бугунги кунда АҚШ федерал судьялари зарар баллари жадвалини ҳисоблашга мажбур бўлсалар-да, муайян иш ҳолатларидан келиб чиқиб ундан четга чиқиш ва суд танловини (judicial discretion) қўллаш ҳуқуқига эгалар. Шу билан бирга, иқтисодий жиноятларда йирик мулкий мусодара ва мажбурий реституция (зарарни қоплаш) чоралари тизимли равишда сақланиб қолмоқда.

Биз Германия ва Скандинавия тажрибасини миллий хусусиятларга мослаштирган ҳолда, жазо тайинлашнинг умумий асосларида **"каррали компенсация ва криминал рента"** мувозанатини илгари сурамиз. Зарарнинг оддийгина қопланиши озодликдан маҳрум қилишдан автоматик ва муқаррар озод қилишга асос бўлмаслиги керак. Агар жиноят тизимли равишда содир этилган бўлса, зарар қопланса-да, озодликни чеклаш каби жамиятдан ажратмаган ҳолда қатъий назорат қилувчи жазолар тайинланиши шарт. Зарар уч баробар қилиб қопланган тақдирдагина озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлашни императив (мажбурий) қоида сифатида ЖК 54-моддасига сингдириш лозим.

Жиноят кодекси 54-моддасининг энг мураккаб талабларидан бири — жазонинг маҳкум оиласи моддий аҳволи ва таъминотига таъсирини ҳисобга олишдир. Ушбу масалада жиноят ҳуқуқи ва жиноят-ижроия ҳуқуқи таълимотида (хусусан, М.Ҳ.Рустамбаев[6] ва Т.В.Непомнящая[7] каби олимларнинг тадқиқотларида) судлар томонидан маҳкумнинг оилавий аҳволини ўрганиш механизми кўпинча соф расмиятчиликдан иборат бўлиб қолаётганлиги танқид қилинади. Судлар амалиётда кўпинча фақатгина "оилавий шароити ҳақида маълумотнома" билан чекланадилар ва оиланинг реал даромад ҳамда харажатлар балансини чуқур таҳлил қилмайди. Агар суд кам таъминланган шахсга йирик миқдорда жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинласа, бу жазо амалда маҳкумнинг ўзига эмас, балки унинг гуноҳсиз оила аъзоларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади, бу эса жавобгарликнинг шахсий хусусияти тамойилини чеклаб қўяди.

Мазкур юридик парадоксни бартараф этиш мақсадида халқаро ҳуқуқий амалиётда (хусусан, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси тавсияларида) ҳукм чиқаришдан олдин Пробация хизмати томонидан чуқур “Ижтимоий-иқтисодий досье” ёки “Пробация олди баҳолаш ҳисоботи” (Pre-sentence report) институтини қўллаш тажрибаси илгари сурилади. Миллий жиноят-ижроия ҳуқуқи илмида (хусусан, А.А.Худоёров[8] тадқиқотларида) мазкур илғор хорижий тажрибани тизимли ўрганиш ва Пробация хизматининг функцияларини кенгайтириш, суд ҳукм чиқаришдан олдин оиланинг манфаатларига ва вояга етмаган фарзандлар таъминотига путур етказмайдиган муқобил жазо ҳажмини аниқ белгилаши учун пробация инспекторлари томонидан ижтимоий досьелар тақдим этилиши зарурлиги асослаб берилган.

Бироқ, ушбу концепцияга нисбатан замонавий жиноят-ҳуқуқий ва кибернетик тадқиқотларда муайян эътирозлар билдирилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, пробация ходимлари томонидан анъанавий услубда ижтимоий досьеларнинг тузилиши суд процессининг чўзилишига ва ортиқча қоғозбозлик ҳамда бюрократияга олиб келиши мумкин. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида илм-фанда инсон омили ўрнига давлат идораларининг (солиқ, кадастр, банк ва бандлик органлари) ягона рақамлаштирилган ва интеграциялашган базалари маълумотларига таяниш таклиф этилмоқда. Бунда маҳкумнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва қайта жиноят содир этиш хавфини автоматик равишда баҳоловчи “рақамли алгоритмлар” ва махсус дастурий таъминотларни жазо тайинлаш ҳамда пробация назорати жараёнларига сингдириш лозимлиги илгари сурилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур ёндашув миллий амалиётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда ва Ички ишлар вазирлиги томонидан жорий этилган “Электрон пробация” тизими айнан рақамли алгоритмлар ёрдамида назорат остидаги шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий профилини юритиш ва бюрократик тўсиқларни камайтиришга хизмат қилмоқда.

Биз инсон омили ва рақамли технология мувозанати тарафдоримиз. Суд томонидан оилавий аҳволни баҳолашда соф субъектив ҳисоботларга эмас, балки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва солиқ органларининг маълумотлари асосида автоматик шаклланувчи **“Оилавий иқтисодий юклама индекси”га (Family Economic Load Index)** таянишни таклиф қиламиз. Судья рақамли базадан шахснинг мулкий ҳолати ҳақида холис маълумотни олади, лекин оилавий муҳит ва психологик омилларни Пробация ходимининг жонли суҳбати асосида баҳолайди.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари доирасида мулкий санкцияларни қўллашнинг яна бир баҳсли жиҳати мавжуд. Жиноят-ҳуқуқий таълимотда (хусусан, Т.В.Непомнящая[10] тадқиқотларида) жарималарни мутлақ рақамларда (ёки базавий ҳисоблаш миқдорига боғлаган ҳолда) эмас, балки шахснинг кунлик реал даромадига пропорционал равишда (“кунлик баҳо” ёки Day-fines тизими) тайинлаш жиноий жазонинг адолатлилигини таъминлаши асослаб берилади. Ушбу халқаро назарияга кўра, собит (муқаррар) жарима миқдорлари кам таъминланган маҳкум учун ўта оғир таъсирга эга бўлса, юқори даромадли шахслар учун амалда ҳеч қандай ижтимоий чеклов яратмайди ва жазонинг мақсадларига эришиш имконини бермайди.

Бироқ, миллий қонунчилик ва иқтисодий воқелик нуқтаи назаридан ушбу масалага ёндашган маҳаллий тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлайдиларки, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ва норасмий (легаллаштирилмаган) даромадлар улуши муайян даражада сақланиб қолаётган шароитда “кунлик баҳо” тизимини соф ҳолда жорий этиш кутилмаган адолатсизликни юзага келтириши мумкин. Расмий даромадга эга бўлмаган, аммо реал тўлов қобилияти юқори бўлган шахсларга нисбатан ушбу тизим бўйича минимал жарималар тайинланиши хавфи мавжуд бўлиб, бу жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ва тенглик принципларига путур етказади. Шу сабабли, миллий тизимда жарималарни БҲМ бараварида тайинлашнинг амалдаги механизмини сақлаб қолган ҳолда, судларга ЖК 54-моддаси доирасида маҳкум оиласининг реал мулкий вазиятини соф расмиятчиликдан холи равишда баҳолаш ҳамда жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятларини кенгайтириш ҳуқуқий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Яширин иқтисодиёт муҳитида “кунлик баҳо” тизими расман ҳеч қаерда ишламайдиган, лекин ҳашаматли ҳаёт кечирадиган шахсларга жуда кам жарима, расмий ойликка кун кўрадиган ишчига эса катта жарима тайинланишидек тескари адолатсизликни келтириб чиқаради.

Биз жарима тайинлашнинг умумий асоси сифатида **“мулкий диверсификация”** принципини таклиф этамиз. Жарима миқдори БҲМ бараварида қолиши керак, бироқ агар шахснинг расмий даромади паст бўлса, суд жаримани автоматик равишда **“ижтимоий фойдали мажбурий меҳнатга”** (мажбурий жамоат ишларига) мутаносиб равишда алмаштириш ҳуқуқига эга бўлиши қонунда мустаҳкамланиши лозим.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Жиноят кодекси 54-моддасининг умумий асослари озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлашда фақатгина чекловчи эмас, балки судларни максимал даражада инсонпарвар ва иқтисодий жиҳатдан оқилона жазо турларини танлашга йўналтирувчи **“стимуллаштирувчи функция”** бажаради.

Жазонинг маҳкум оиласи моддий аҳволига таъсирини баҳолаш мезони амалдаги суд амалиётида соф расмиятчилик хусусиятига эга эканлиги далилланди ва ушбу муаммони бартараф этиш учун рақамли технологияларга асосланган **“Оилавий иқтисодий юклама индекси” ва “Оилавий иқтисодий қолдиқ”** методикалари ишлаб чиқилди.

Иқтисодий жиноятларда қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини баҳолашда хориж (Германия ва Скандинавия) тажрибаси асосида давлат ва жабрланувчи манфаатларини реал тиклаш (зарарни каррали қоплаш) механизми озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашнинг муқаррар ва устувор ҳуқуқий асоси бўлиши лозим.

Маъруфжон РУЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг тергов судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Strafgesetzbuch (StGB) in der Fassung der Bekanntmachung vom 13.11.1998, zuletzt geändert am 20.03.2026. § 46 Grundsätze der Strafzumessung; § 46a Täter-Opfer-Ausgleich, Schadenswiedergutmachung.

2. Brottsbalk (SFS 1962:700). 29 kap. Om straffmätning och påföljdseftergift.

Изоҳ: инглизча ном керак бўлса, 1999 йилги расмий таржимадаги ном: “Chapter 29. On the Determination of Punishment and Exemption from Sanction”.

3. Lov om straff (straffeloven) av 20. mai 2005 nr. 28 (LOV-2005-05-20-28). Kapittel 14. Fellesregler for reaksjonsfastsettelsen.

4. United States Sentencing Commission. Guidelines Manual (2025). § 2B1.1. Larceny, Embezzlement, and Other Forms of Theft; Offenses Involving Stolen Property; Property Damage or Destruction; Fraud and Deceit; Forgery; ... URL: https://www.ussc.gov/guidelines/2025-guidelines-manual-annotated

5. United States v. Booker, 543 U.S. 220 (2005).

6. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. Жазо тўғрисида таълимот: олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – 304 б.

7. Непомнящая Т.В. Назначение уголовного наказания: общие начала, принципы, критерии: учеб. пособие. – Омск: Омский гос. ун-т, 2003. – 212 с.

8. Худоёров А.А. Ўзбекистон Республикаси Пробация хизмати фаолиятини такомиллаштириш: ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: юрид. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. (12.00.14). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2023. – 50 б.

9. Непомнящая Т.В., Степашин В.М. Проблемы назначения наказания: учеб. пособие. – Омск: Изд-во Омского гос. ун-та, 2011. – 590 с.

КРИПТО-АКТИВЛАР МУҲОФАЗАСИ: КВАЛИФИКАЦИЯ МУАММОЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: *мақолада крипто-активларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида таҳлил қилинган. 278[8] ва 278[9]-моддаларнинг ҳуқуқий табиати, крипто-активларнинг мулкка қарши жиноятлар предмети сифатидаги мақоми ҳамда тажовуз усулига қараб қилмишини квалификация қилиш масалалари ёритилган. Крипто-активларни талон-торож қилишда зарар миқдорини аниқлаш, эгалик фактини исботлаш, жиноятнинг тугалланиш пайти ва суд экспертизаси билан боғлиқ муаммолар асосланган. Хорижий тажриба таҳлили асосида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар, жумладан Олий суд Пленуми тушунтиришини киритиш, Жиноят кодексида крипто-актив тушунчасини мустаҳкамлаш ва 168[1]-моддани жорий этиш таклиф қилинган.*

Калит сўзлар: *крипто-актив, рақамли валюта, талон-торож предмети, фирибгарлик, ўғрилик, жиноятлар мажмуи, квалификация, бланкет норма, Жиноят кодексининг 168[1]-моддаси, FATF, блокчейн.*

Крипто-активларга ҳуқуқий баҳо беришда юзага келадиган биринчи тўсиқ терминологик характерга эга. Илмий адабиётда бир хил ҳодисани ифодалаш учун ўндан ортиқ атама — "виртуал валюта", "виртуал актив", "крипто-валюта", "рақамли пул", "рақамли молиявий актив", "пул суррогати" ва бошқалар қўлланилади. Ушбу тарқоқлик тасодифий эмас: молиявий-ҳуқуқий ёндашув крипто-активни тўлов воситаси, фуқаролик-ҳуқуқий ёндашув ҳуқуқ объекти, ахборот ҳуқуқи эса маълумотлар мажмуи сифатида кўради ва ҳар бири ўз атамасини илгари суради.

Ўзбекистон учун мазкур масала соф илмий баҳс доирасидан чиқиб, амалий аҳамият касб этади. Миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "рақамли валюта" атамаси мустаҳкамланмаган: тартибга солувчи қонунчилик "крипто-актив" тушунчаси билан иш кўради ва уни маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари ёрдамида яратиладиган, электрон шаклдаги қиймат сифатида тавсифлайди, Жиноят кодексининг 278[8]-моддаси ҳам айнан шу атамани қўллайди. Демак, миллий ҳуқуқ тизимида атама масаласи ҳал этилган бўлиб, квалификация амалиётида "рақамли валюта" тушунчасидан асосий категория сифатида фойдаланиш қонунчилик матни билан номувофиқликка ва ҳуқуқни қўллашдаги хатоларга олиб келади.

Жиноят-ҳуқуқий баҳолаш мақсадида бир-бирига яқин, аммо ҳуқуқий табиати жиҳатидан кескин фарқ қиладиган уч тоифани ажратиш зарур. Биринчиси — крипто-актив, унинг ҳал қилувчи белгиси эмитентнинг ва мажбурий шахснинг мавжуд эмаслигидир: эгасида ҳеч ким олдида талаб ҳуқуқи вужудга келмайди, актив фақат тақсимланган реестрдаги ёзув сифатида мавжуд бўлади ва у Ўзбекистон ҳудудида қонуний тўлов воситаси ҳисобланмайди. Иккинчиси — марказий банк рақамли валютаси (рақамли сўм), яъни эмитенти Марказий банк бўлган ва қонуний тўлов воситаси мақомига эга шакл; айни пайтда у жорий этилмаган, Марказий банк томонидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Учинчиси — электрон пул, яъни тўлов ташкилоти олдидаги пул мажбуриятининг электрон шакли.

Мазкур фарқлашнинг оқибати жиддийдир. Марказий банк рақамли валютасини ва электрон пулни талон-торож қилиш, моҳиятан, пул маблағларини накд бўлмаган шаклда талон-торож қилишдан фарқ қилмайди: ҳар икки ҳолда ҳам предмет эмитент олдидаги талаб ҳуқуқи бўлиб, мол-мулк сифатида шубҳа туғдирмайди. Крипто-актив ҳолатида эса бундай талаб ҳуқуқи мавжуд эмас, бинобарин, унинг мулкий мақомини асослаш мустақил назарий вазифага айланади. Айнан шу сабабли крипто-активни миллий валюта ёки электрон пул билан таққослаш методологик жиҳатдан нотўғридир: эмитентнинг йўқлиги нафақат иқтисодий, балки бевосита жиноят-ҳуқуқий оқибатларга эга.

Амалдаги қонунчиликка келсак, 278[8] ва 278[9]-моддаларнинг ҳуқуқий табиатини тўғри тушуниш принципиал аҳамиятга эга. Ҳар иккала норма бланкет характерга эга: уларнинг диспозицияси тартибга солувчи қонунчиликка — Президент ҳужжатларига ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг идоравий актларига ҳавола қилади. Бундай юридик конструкция нормаларнинг бевосита объектини ҳам белгилайди: улар хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибини муҳофаза қилади, мулк ҳуқуқи эса уларнинг муҳофаза объектига кирмайди.

Буни амалий мисолда кўриш мумкин: лицензиясиз крипто-биржа ташкил этган шахс 278[8]-модда бўйича жавобгарликка тортилади, бироқ ўша биржа фойдаланувчисининг ҳисобварағидан крипто-активларни ғаразли мақсадда қўлга киритган шахснинг қилмиши мазкур модда билан умуман қамраб олинмайди — бу мулкка қарши тажовуз бўлиб, Кодекснинг X боби нормалари бўйича баҳоланиши лозим. Демак, 278[8] ва 278[9]-моддаларнинг мавжудлиги бўшлиқни бартараф этмайди, балки уни аниқроқ намоён қилади: қонунчилик крипто-активларни хўжалик айланмасининг объекти сифатида тан олади, аммо уларни мулкий тажовузлардан бевосита муҳофаза қилмайди.

Шу ўринда крипто-актив талон-торож предмети бўла оладими, деган савол туғилади. Қонунчиликка кўра талон-торож предмети уч белги орқали аниқланади: жисмоний — предмет моддий дунё объекти бўлиши; иқтисодий — унга инсон меҳнати сарфланган ва у қийматга эга бўлиши; юридик — предмет ўзга шахсга тегишли бўлиши.

Крипто-актив бозор нархига эга, лицензияланган крипто-биржаларда сотиб олинади ва сотилади, унинг яратилиши учун ҳисоблаш қувватлари ҳамда электр энергияси сарфланади, яъни унда моддийлашган меҳнат ҳам, алмашув қиймати ҳам мавжуд. Юридик белги ҳам мавжуд деб топилиши лозим: гарчи тақсимланган реестрда ҳамён эгасининг шахси очиқ кўрсатилмаса-да, актив муайян ҳамёнга бириктирилган бўлиб, унга фақат хусусий калит эгаси тасарруф этиш имкониятига эга.

Ягона жиддий баҳс жисмоний белги бўйича юзага келади: крипто-актив моддий шаклга эга эмас, у моҳиятан ахборотдан иборат. Айнан шу эътироз крипто-активни талон-торож предмети деб тан олишга қарши асосий далил сифатида келтирилади, бироқ у камида уч жиҳатдан рад этилади. Биринчидан, накд бўлмаган пул маблағлари ҳам моддий шаклга эга эмас, аммо улар талон-торож предмети бўла оладилар. Иккинчидан, А.В.Шульга таъкидлаганидек, мол-мулк ўз эгаси учун номоддий қийматга ҳам эга бўлиши мумкин, шу сабабли мулкка қарши жиноятлар предмети моддийлик мезони билан чекланмайди. Учинчидан, фуқаролик қонунчилигида ҳуқуқ объектлари доираси иччил кенгаймоқда, жиноят ҳуқуқи эса мулкий муносабатларни муҳофаза қилар экан, мулк тушунчасининг фуқаролик-ҳуқуқий эволюциясидан ажралиб қола олмайди.

Юқоридагиларга асосланиб, крипто-актив "бошқа мол-мулк" сифатида Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) ва 169-моддаси (ўғрилик) предмети бўла олади, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур позиция В.В.Хилюта ва А.А.Коренная томонидан билдирилган қарашларга мос келади ҳамда И.И.Кучеров рақамли валютанинг молиявий-ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш асосида шакллантирган хулосалар билан зиддиятга киришмайди.

Крипто-активнинг талон-торож предмети сифатида эътироф этилиши тажовуз усулига қараб қилмишни фарқлаш вазифасини кун тартибига қўяди. Таҳлил натижасида қуйидаги мезонларни таклиф этиш мумкин. Агар жабрланувчи алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш натижасида крипто-активни ўз ихтиёри билан ўтказган бўлса — сохта инвестицион лойиҳа, сохта крипто-биржа ёки сохта провайдер фаолиятида — қилмиш 168-модда бўйича фирибгарлик деб квалификация қилинади. Агар айбдор хусусий калитни ёки уни тиклаш иборасини яширин равишда қўлга киритиб, активларни ўз ҳамёнига ўтказган бўлса, қилмиш 169-модда бўйича ўғрилик сифатида баҳоланади, зеро жабрланувчининг иродавий ҳаракати мавжуд эмас. Хизматлар провайдерининг ходими ишониб топширилган ёки хизмат мавқеи туфайли ихтиёрида бўлган активларни қўлга киритган ҳолларда 167-модда қўлланилади. Крипто-активларни келажакда ўтказишни таҳдид билан талаб қилиш эса 165-модда бўйича товламачилик деб баҳоланади.

Крипто-активни талон-торож предмети деб тан олиш назарий жиҳатдан асосланган бўлса-да, амалиётда у тўртта ҳал этилмаган муаммога дуч келади. Биринчиси — зарар миқдорини аниқлаш. Кодексда сезиларли, кўп ва жуда кўп миқдор базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан белгиланади, бу эса крипто-актив қийматини миллий валютада ҳисоблашни талаб қилади.

Иккинчиси — эгалик фактини исботлаш муаммоси. Тақсимланган реестр ҳамён эгаси тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олмайди, бинобарин, жабрланувчи ҳамён ва ундаги активлар айнан унга тегишли эканини қандай исботлаши масаласи процессуал жиҳатдан ишлаб чиқилмаган.

Учинчиси — жиноятнинг тугалланиш пайти. Умумий қоидага кўра, талон-торож айбдор мол-мулкдан ҳақиқий фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Крипто-активга нисбатан бу пайт транзакция тармоққа юборилган лаҳзами, блокка киритилган лаҳзами ёки етарли сонда тасдиқлашлар олингандан кейинги лаҳзами — аниқланмаган.

Тўртинчиси — суд экспертизаси масаласи: транзакцияларни кузатиш, ҳамёнлар ўртасидаги алоқани аниқлаш ва активлар ҳаракатини реконструкция қилиш бўйича тасдиқланган ягона методика мавжуд эмас, бу эса хулосаларнинг далил сифатидаги мақбуллигини мураккаблаштиради.

Бугунги кунда Крипто-активлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда (243-модда) фаол қўлланилмоқда: активларни аралаштириш хизматлари, кўп погонали ўтказмалар ва ўзаро савдо платформалари пул оқимларининг изчиллигини узиш воситасига айланган. Улар терроризмни молиялаштиришда (155^3-модда) ҳамда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф муомалада (273 ва 276-моддалар) ҳам ишлатилмоқда.

Хорижий тажриба таҳлили икки ёндашувни аниқлаш имконини беради. Биринчиси — тартибга солувчи қонунчиликда мулкий мақомни мустаҳкамлаш орқали мавжуд жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиш доирасини кенгайтириш. Европа Иттифоқида 2023 йил 31 майдаги 2023/1114-сон Регламент (MiCA) крипто-активларнинг ягона таърифини бериб, уларнинг турларини фарқлади ва провайдерларни лицензиялашни жорий этди, бироқ алоҳида “крипто-фирибгарлик” таркиби киритилмади; Германияда крипто-қийматликлар молиявий восита сифатида эътироф этилиб, мулкка қарши умумий нормалар қўлланилади. Иккинчиси — қонун даражасида махсус дефиницияларни мустаҳкамлаш: Россия Федерациясида 259-ФЗ-сон Федерал қонун рақамли валютани айрим мақсадлар учун мол-мулк деб эътироф этди, Қозоғистонда эса 2023 йил 6 февралдаги қонун таъминланган ва таъминланмаган рақамли активларни фарқлади.

Ушбу таҳлил аксарият давлатлар алоҳида “крипто-фирибгарлик” таркибини киритиш йўлидан бормаганлигини кўрсатади. Бироқ бу тажрибани механик кўчириш ўринли эмас, зеро кўрсатилган мамлакатларда мол-мулк тушунчаси фуқаролик қонунчилигида кенг талқин қилинади ва номоддий объектларни ҳам қамрайди, айрим ҳолларда олий суд даражасидаги мажбурий тушунтиришлар мавжуд. Ўзбекистонда эса талон-торож тушунчаси Жиноят кодексининг ўзида мустаҳкамланган ва анъанавий тарзда моддий мол-мулкка йўналтирилган, Олий суд Пленуми томонидан крипто-активларга оид тушунтириш эса берилмаган. Шу сабабли бирданига махсус таркиб киритиш ҳам, масалани фақат доктринал талқинга ҳавола қилиш ҳам мақбул эмас — босқичма-босқич ечим талаб этилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, миллий ҳуқуқ тизимида “рақамли валюта” эмас, “крипто-актив” атамаси асосий тушунча сифатида қўлланилиши лозим; крипто-актив, марказий банк рақамли валютаси ва электрон пул жиноят-ҳуқуқий режими жиҳатидан фарқ қиладиган уч мустақил ҳодисадир. Иккинчидан, 278^8 ва 278^9-моддалар бланкет нормалар бўлиб, айланманинг белгиланган тартибини муҳофаза қилади ва мулкка қарши жиноятлар соҳасидаги бўшлиқни бартараф этмайди. Учинчидан, крипто-актив иқтисодий ва юридик белгиларга тўлиқ жавоб бергани ҳамда жисмоний белгининг мутлақ мезон сифатидаги аҳамияти йўқолгани ҳисобга олинса, у “бошқа мол-мулк” сифатида 168 ва 169-моддалар предмети бўла олади. Тўртинчидан, шунга қарамай, юқорида кўрсатилган тўрт муаммо ҳал этилмагунча бундай квалификация ҳуқуқий аниқлик талабини тўлиқ таъминлай олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштиришнинг уч босқичли модели таклиф этилади; унинг афзаллиги ҳар бир босқичда мустақил амалий натижа бериши ва кейинги босқич учун ҳуқуқий замин яратишидадир.

Биринчи босқичда суд амалиётини бирхиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарорига қуйидаги мазмундаги қўшимча банд киритилиши мақсадга мувофиқ:

“Крипто-активлар мол-мулкнинг бошқа тури сифатида талон-торож предмети бўлиши мумкин. Ўзганинг крипто-активларини ёки уларга бўлган ҳуқуқни ғаразли мақсадда қўлга киритиш содир этиш усулига қараб Жиноят кодексининг 167, 168 ёки 169-моддаси бўйича, крипто-активларни келажакда ўтказишни талаб қилиш эса 165-модда бўйича квалификация қилинади. Крипто-активнинг қиймати жиноят содир этилган кунда лицензияланган крипто-биржада шаклланган ўртача савдо нархи бўйича, бундай нарх мавжуд бўлмаган тақдирда — суд экспертизаси хулосаси асосида миллий валютада аниқланади. Крипто-активларни талон-торож қилиш транзакция тақсимланган реестрда тасдиқланган ва айбдор активларни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб ҳисобланади”.

Иккинчи босқичда атаманинг қонуний таърифи мустаҳкамланиши лозим. Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими (“Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”) қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилиши таклиф этилади:

“Крипто-актив деб маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари ёрдамида яратилган ва сақланадиган, электрон шаклдаги қийматга эга бўлган рақамли ёзувга айтилади. Ушбу Кодекснинг мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги нормаларини қўллашда крипто-актив мол-мулкнинг бошқа тури деб эътироф этилади”.

Мазкур таклиф кодекс 164 - 173- моддаларининг барчасига нисбатан амал қилади, тизимли яхлитликни сақлайди ва алоҳида таркиб киритилмаган тақдирда ҳам квалификация учун етарли ҳуқуқий асос яратади.

Учинчи босқичда махсус таркиб жорий этилиши таклиф этилади. Жиноят кодекси 168^1-модда билан тўлдирилиши:

“168^1-модда. Крипто-активларни талон-торож қилиш.

Крипто-активларни ёки уларга бўлган ҳуқуқни ғаразли мақсадда алдаш ёхуд ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, ёхуд ахборот тизимига ёки компьютер ахборотига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) таъсир кўрсатиш орқали қўлга киритиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Малакаловчи белгилар сифатида қилмишнинг такроран, олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан, кўп ёки жуда кўп миқдорда, шунингдек крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерининг ходими томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилиши белгиланиши лозим”.

Модданинг санкциялари 168-модда санкциялари билан мутаносиб белгиланиши керак, зеро ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича кўрсатилган қилмишлар тенг ҳисобланади. Уни X бобга жойлаштириш эса жиноятнинг ҳақиқий объекти мулкий муносабатлар эканини кўрсатади ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар билан аралашиб кетишининг олдини олади. Модда қабул қилингач, рухсатсиз кириш йўли билан содир этилган талон-торожни 278^2-модда мажмуи бўйича квалификация қилиш зарурати ҳам бартараф этилади, зеро ушбу усул янги норманинг диспозициясига киритилган.

Ниҳоят, кўрсатилган чоралар билан бир қаторда FATF нинг 15-тавсияси ва “ўтказма тўғрисидаги қоида” талабларини миллий даражада тўлиқ жорий этиш, шунингдек крипто-активларга оид ишларда суд экспертизасини ўтказишнинг ягона методикасини тасдиқлаш зарур; мазкур ташкилий-ҳуқуқий чораларсиз процессуал муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас. Умуман олганда, крипто-активларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш учун янги нормаларни шошилинч киритиш эмас, балки тартибга солувчи ва жиноят қонунчилиги ўртасидаги мувофиқликни таъминлайдиган изчил ёндашув талаб этилади.

Бахтиёр ПРИМОВ,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/111453

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/3806053

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3926-сон “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/uz/acts/3891616

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-121-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2022 й., 06/22/121/0354-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 18 июлдаги 33-сон буйруғи билан тасдиқланган Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидалари (рўйхат рақами 3379, 2022 йил 15 август).

6. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи билан тасдиқланган; рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август). Изоҳ: охирги ўзгартириш — 2026 йил 15 июндаги 20-сон буйруқ (рўйхат рақами 3380-3).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сон “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги 6-сон “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

9. Кучеров И.И. Отдельные вопросы финансово-правового регулирования цифровой экономики: цифровая валюта // Финансовое право. — 2021. — № 4. — С. 3–[...]. DOI: 10.18572/1813-1220-2021-4-3-8.

10. Коренная А.А., Тыдыкова Н.В. Криптовалюта как предмет и средство совершения преступлений // Всероссийский криминологический журнал. — 2019. — Т. 13, № 3. — С. 408–415. DOI: 10.17150/2500-4255.2019.13(3).408-415.

11. Хилюта В.В. Криптовалюта как предмет хищения (или к вопросу о переформатировании предмета преступлений против собственности) // Библиотека уголовного права и криминологии. — 2018. — № 2 (26). — С. 58–68.

12. Шульга А.В. Объект и предмет преступлений против собственности в условиях рыночных отношений и информационного общества. — М.: Юрлитинформ, 2007. — 376 с.

13. О цифровых финансовых активах, цифровой валюте и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации: Федеральный закон от 31.07.2020 № 259-ФЗ // СЗ РФ. — 2020. — № 31 (ч. I). — Ст. 5018.

14. О цифровых активах в Республике Казахстан: Закон Республики Казахстан от 6 февраля 2023 года № 193-VII ЗРК.

15. Regulation (EU) 2023/1114 of the European Parliament and of the Council of 31 May 2023 on markets in crypto-assets (MiCA) // Official Journal of the European Union. — L 150. — 09.06.2023. — P. 40–205.

16. FATF. Updated Guidance for a Risk-Based Approach to Virtual Assets and Virtual Asset Service Providers. — Paris: FATF, 2021. — 111 p.

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

АННОТАЦИЯ: *мақолада шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати асосланган. Конституциянинг 31-моддаси кафолатлаган ҳимоя доираси билан Жиноят кодексининг 141[1]-моддасидаги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза доираси ўртасидаги номутаносиблик аниқланган. "Шахсий сир" ва "оилавий сир" тушунчалари норматив таърифининг йўқлиги ҳамда маъмурий преюдиция конструкцияси энг хавфли қилмишларни жиноий таъқибдан ташқарида қолдириши далилланган. 141[1]-модданинг янги таҳрири бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий сир, оилавий сир, ижтимоий хавфлилик, маъмурий преюдиция, давлатнинг ижобий мажбурияти, Жиноят кодексининг 141[1]-моддаси.*

Жиноятнинг бевосита объекти — шахсий ёки оилавий сирни ташкил этувчи маълумотлар махфийлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 17-моддаси шахсий ва оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймайди, БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси эса давлатлар зиммасига қонунчилик йўли билан ҳимоя қилиш мажбуриятини юклайди . Миллий даражада "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонун шахсий маълумотларни махфий ахборот тоифасига киритади, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонун эса уларни субъект розилигисиз ошкор этмаслик мажбуриятини белгилайди .

Шундай қилиб, тармоқ қонунчилиги "шахсга доир маълумотлар" тоифасини аниқ таърифлаган ҳолда, жиноят қонуни ҳимоя қиладиган "шахсий сир" ва "оилавий сир" бирорта норматив ҳужжатда таърифланмаган: 141[1]-модда диспозицияси бланкет характерга эга бўлса-да, мурожаат қилиш мумкин бўлган манба мавжуд эмас. Бу эса nullum crimen sine lege certa принципига зид келади ва квалификацияда субъектив мулоҳазага кенг майдон очиб беради.

Ижтимоий хавфлилик қилмишнинг характери ва даражаси билан белгиланади (Жиноят кодексининг 15-моддаси) ва кўриб чиқилаётган жиноятда у уч жиҳатда намоён бўлади: тажовуз конституциявий даражада кафолатланган шахсий номулкий ҳуқуққа қаратилади; етказилган зарарни қайтариб бўлмайди, зеро рақамли муҳитга чиқарилган ахборотни тўлиқ йўқ қилишнинг техник имконияти йўқ; қилмиш кўпинча товламачилик, ҳақорат ва туҳмат билан биргаликда содир этилиб, жабрланувчини оғир психологик ҳолатга, айрим ҳолларда ўз жонига қасд қилишга олиб келади.

Бундай қилмишларни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан тақиқлаш зарурати Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди позициясида ҳам акс этган. "X ва Y Нидерландияга қарши" ишида Суд шахсий ҳаётнинг муҳим жиҳатларига тажовуз қилинганда фуқаролик-ҳуқуқий воситалар етарли эмаслигини эътироф этган . "К.У. Финландияга қарши" ишида эса жиддий қилмишлардан тийилиш айнан самарали жиноят-ҳуқуқий нормаларни талаб этиши, таркиб мавжудлигининг ўзи айбдорни аниқлаш механизми ишламаса чекланган таъсирга эга бўлиши шакллантирилган. Мазкур позициялар давлатнинг ижобий мажбурияти доктринасини ташкил этади.

Субъектив жиҳатдан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Амалдаги таҳрирда мақсад ва мотив мажбурий белги эмас, ваҳоланки ғаразлик, ўч олиш ёки камситиш нияти хавфлиликни сезиларли оширади — шу боис паст ниятларни квалификацияловчи белги даражасига кўтариш, хизмат мавқеидан фойдаланган мансабдор шахсни эса махсус субъект сифатида алоҳида қисмда кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

А. билан Ф. яқин муносабатда бўлгач, уни розилигисиз видеотасвирга олган ва шахсий ёзишмаларни сақлаб қолган. Кейинчалик материалларни Ф. шахснинг турмуш ўртоғига кўрсатиш билан қўрқитиб, ундан пул ва телефон аппаратини товламачилик йўли билан олган, сўнгра видеотасвирларни тарқатган. Суд қилмишни Жиноят кодексининг 141[1]-моддаси иккинчи қисми "б" банди ҳамда 165-моддаси биринчи қисми билан квалификация қилган .

Иш тизимли муаммони намоён этади: 141[1]-модда диспозицияси жиноий жавобгарликни "шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин" содир этилиши билан боғлайди, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46[1]-моддасига кўра эса сирни розиликсиз йиғиш ёки тарқатиш жарима солишга сабаб бўлади ва преюдиция бир йил давомида сақланади . Демак, розиликсиз олинган интим видеотасвирни биринчи марта тарқатган шахс — ҳатто тарқатиш оммавий характерга эга бўлса ҳам — фақат маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бундай конструкция асоссиздир. Биринчидан, у ижтимоий хавфлиликни қилмишнинг такрорийлигига боғлаб қўяди, ҳолбуки хавфлилик даражаси тарқатиш усули, жабрланувчи шахси ва маълумот характери билан белгиланади. Иккинчидан, жабрланувчилар уят ҳисси туфайли биринчи ҳолатда мурожаат қилмайди; натижада преюдиция эришиб бўлмас шартга айланади ва норма "ўлик" мақомини олади. Учинчидан, бу ёндашув Европа суди позициясига зид келади.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 137-моддаси преюдициясиз тўғридан-тўғри жавобгарлик белгилайди; санкция икки йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутади, хизмат мавқеидан фойдаланиш ва вояга етмаган жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш квалификацияловчи ҳолат ҳисобланади. Германия Жиноят кодексининг 201а-параграфи энг шахсий ҳаёт доирасига оид тасвирларни розиликсиз яратиш ва тарқатишни мустақил жиноят сифатида таъқиқлайди, бунда ҳам преюдиция талаб этилмайди. Демак, хорижий тажрибада жавобгарлик қилмишнинг ўз хавфлилигига боғланади, такрорланишига эмас.

Бундан ташқари, 141^1 ва 141^2-моддалар ўртасида чегаралаш мезонлари белгиланмаган . Бир хил қилмиш — розиликсиз олинган тасвирни интернетда жойлаштириш — иккала модда билан қамраб олиниши мумкин, зеро тасвир бир вақтда ҳам шахсий сир, ҳам шахсга доир маълумот ҳисобланади. Рақобатни ҳал этувчи қоида ҳам, Олий суд Пленумининг тушунтириши ҳам мавжуд эмас; натижада бир хил қилмишларга турлича ҳуқуқий баҳо берилиши эҳтимоли юзага келади.

Таҳлил жиноий жавобгарликнинг ижтимоий зарурати қилмишнинг конституциявий ҳуқуққа қаратилганлиги, зарарнинг қайтариб бўлмаслиги ва давлатнинг ижобий мажбурияти билан асосланишини кўрсатди; амалдаги 141^1-модда эса бу заруратни тўлиқ қондирмайди. Қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчи таклиф. 141^1-моддани қуйидаги изоҳ билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: “Изоҳ. Ушбу Кодекснинг 141^1-моддасида шахсий сир деганда шахснинг соғлиғи, интим ҳаёти, оилавий ва шахсий муносабатлари, эътиқоди, мулкий ҳолати, касбий алоқалари, яшаш жойи ҳамда ўзи ошкор этилишини истамайдиган бошқа маълумотлар; оилавий сир деганда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, фарзанд асраб олиш, туғилишнинг тиббий ҳолатлари, оила бюджети ва оила доирасидан ташқарига чиқарилиши оила аъзолари томонидан исталмайдиган бошқа ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилади”.

Иккинчи таклиф. Модданинг объектив томонини кенгайтириш: у фақат “йиғиш ёки тарқатиш”ни қамраб олади, ҳолбуки Конституциянинг 31-моддаси қонунга хилоф тўпланган маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланишдан ҳам ҳимоя қилади. Шу боис диспозицияга “шунингдек қонунга хилоф равишда сақлаш, улардан фойдаланиш ёки учинчи шахсларга бериш” сўзларини киритиш.

Учинчи таклиф. 141^1-модда уч қисмли тузилишга келтирилиб ва квалификацияловчи таркиблар учун маъмурий преюдиция талабини бекор қилиш.

Биринчи қисм амалдаги таҳрирда сақланиши лозим.

Иккинчи қисмда преюдициясиз жавобгарликни қуйидаги ҳолларда белгилаш:

а) қилмиш оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернетда жойлаштириш орқали содир этилганда;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилганда;

в) интим хусусиятга эга тасвир, аудио ёки видеоёзув предмет бўлганда;

г) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этилганда;

д) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилганда.

Учинчи қисмда оғир оқибатларга — жабрланувчининг ўз жонига қасд қилишига ёки шунга уринишига сабаб бўлган қилмиш учун жавобгарликни назарда тутиш.

Тўртинчи таклиф. Санкцияларни мутаносиблаштириш: амалдаги таҳрирда модда озодликни чекловчи жазони назарда тутмайди, ҳолбуки қилмиш қайтариб бўлмайдиган зарар етказади. Таклиф этилган иккинчи ва учинчи қисмлар учун озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш, қўшимча жазо сифатида эса муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни белгилаш.

Бешинчи таклиф. Олий суд Пленумининг шахсий ҳаёт дахлсизлигига қарши жиноятлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарорини қабул қилиш; унда 141^1 ва 141^2-моддаларни чегаралаш мезонлари, “тарқатиш” тушунчаси мазмуни, жиноят тугалланган деб ҳисобланадиган пайт ҳамда 141^1 ва 165-моддалар бўйича жиноятлар мажмуаси масалаларини тушунтириш.

Олтинчи таклиф. Жабрланувчининг шахсий ҳаёти суд жараёнида қайта ошкор этилмаслиги учун ёпиқ суд мажлиси ўтказишни мажбурий тартибга айлантириш ҳамда 141^1-модда бўйича расмий статистикани даврий эълон қилиб бориш.

Таклиф этилаётган ўзгартишлар 141^1-моддани Конституциянинг 31-моддасидаги ҳимоя доираси билан мувофиқлаштириш ва давлатнинг ижобий мажбуриятини бажариш имконини беради.

Жасурбек БОЗОРОВ,

Одил судлов академияси таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил 30 апрелдаги референдумда қабул қилинган янги таҳрир. — URL: https://lex.uz/docs/6445145.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Амалдаги таҳрир, 141^1–141^3-моддалар. — URL: https://lex.uz/docs/111453; Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ–829-сон Қонуни. — URL: https://lex.uz/docs/6430272.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Амалдаги таҳрир, 46^1–46^2-моддалар. — URL: https://lex.uz/acts/97664.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Амалдаги таҳрир. — URL: https://lex.uz/docs/111460.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 439–II-сон “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. — URL: https://lex.uz/docs/52268.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни. Амалдаги таҳрир. — URL: https://lex.uz/docs/4396419.

7. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. — Нью-Йорк, 16.12.1966. — 17-модда; Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция. — Рим, 04.11.1950. — 8-модда. — URL: https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_eng.

8. UN Human Rights Committee. General Comment No. 16: Article 17 — The Right to Respect of Privacy, Family, Home and Correspondence, and Protection of Honour and Reputation. — 8 April 1988.

9. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ. — Статья 137. Действующая редакция.

10. Strafgesetzbuch (StGB). — § 201a. Действующая редакция. — URL: https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/__201a.html.

11. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорлари: X and Y v. the Netherlands, № 8978/80, 26.03.1985; M.C. v. Bulgaria, № 39272/98, 04.12.2003; Von Hannover v. Germany, № 59320/00, 24.06.2004; K.U. v. Finland, № 2872/02, 02.12.2008; S. and Marper v. the United Kingdom [GC], № 30562/04 ва 30566/04, 04.12.2008. — URL: https://hudoc.echr.coe.int.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.11.2025 йилдаги 21-сон “Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида”ги қарори. — URL: https://lex.uz/acts/7901164.

13. Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат / масъул муҳаррир Б. Мустафоев. — Тошкент: Ўзбекистон, 2006. — 583 б. n.ziyouz.com

14. Корнуков В. М., Куликов В. А., Манова Н. С. Принцип личной неприкосновенности и его реализация в российском досудебном производстве. — Саратов: Саратовская государственная академия права, 2001. — 125 с. Editorum

15. Романовский Г. Б. Конституционное регулирование права на неприкосновенность частной жизни: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. — Санкт-Петербург, 1997.

16. Смолькова И. В. Проблемы охраняемой законом тайны в уголовном процессе: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.09. — Иркутск, 1998. — 404 с. НЭБ [000199_000009_000200337]

17. Сысоев Ю. Е. Уголовно-правовые средства противодействия незаконному вмешательству в частную жизнь: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. — Москва, 2011.

18. Филимонова Е. А. Конституционное право российских граждан на неприкосновенность частной жизни: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. — Волгоград, 2005. — 229 с. Конституционное право; муниципальное право

19. Prosser W. L. Privacy // California Law Review. — 1960. — Vol. 48, No. 3. — P. 383–423. — DOI: https://doi.org/10.2307/3478805.

20. Warren S. D., Brandeis L. D. The Right to Privacy // Harvard Law Review. — 1890. — Vol. 4, No. 5. — P. 193–220. — DOI: https://doi.org/10.2307/1321160.

21. Westin A. F. Privacy and Freedom. — New York: Atheneum, 1967. — 487 p.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА "ОЖИЗ АҲВОЛДАГИ ШАХС" ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Қонунчиликда ҳар бир ҳуқуқий тушунчанинг аниқ мазмунга эга бўлиши қонун нормаларини бир хилда қўллаш, жиноятларни тўғри квалификация қилиш инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан "ожиз аҳволдаги шахс" тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тушунчанинг юридик мазмунини аниқлаш унинг асосий белгиларини тизимлаштириш, унга яқин ҳуқуқий тушунчалардан фарқлаш ҳамда суд-тергов амалиётида ягона ёндашувни таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда юридик адабиётларда "ожиз аҳволдаги шахс", "ночор ҳолатдаги шахс" ва "жабрланувчининг ожиз аҳволи" каби атамалардан фойдаланилади. Бироқ уларнинг ягона, универсал таърифи шаклланмаган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти ожизликни шахснинг жисмоний ёки руҳий ҳолати туфайли ўзини ҳимоя қила олмаслиги ва айбдорга фаол қаршилик кўрсата олмаслиги билан боғлайди.

"Ожизлик" шахснинг муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошира олмаслиги, ташқи ёрдамга муҳтожлиги ёки хавф-хатарга қарши самарали кураша олмаслигини англатади. "Ҳолат" эса шахснинг муайян вақтдаги жисмоний, руҳий ва психофизиологик аҳволини ифодалайди. Демак, ҳуқуқий маънода "ожиз аҳвол" – шахснинг муайян объектив ёки субъектив сабаблар таъсирида ўзини ҳимоя қилиш, хавфни англаш ёки жиноий тажовузга қаршилик кўрсатиш имконияти чекланган ҳолатидир.

Ушбу тушунчанинг долзарблиги, аввало, уни баҳоловчи категория сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ. Қонун нормасида барча эҳтимолий ҳолатларни тўлиқ санаб ўтиш мумкин эмас. Шунинг учун муайян иш бўйича жабрланувчининг ҳақиқий аҳволи, унинг имкониятлари ва жиноят содир этилган вазият комплекс равишда баҳоланиши лозим.

Ожиз аҳвол тушунчасини англашда унинг фалсафий мазмуни ҳам аҳамиятга эга. Турли тарихий даврларда инсоннинг ожизлиги турлича талқин қилинган. Диний-фалсафий қарашларда инсоннинг олий илоҳий ирода олдидаги ожизлигига урғу берилган. Кейинги фалсафий ёндашувларда эса инсоннинг мустақиллиги, иродаси ва ташқи муҳит билан ўзаро муносабатига катта эътибор қаратилган.

Файласуф И. Кант қарашларида ожизлик инсоннинг атрофдаги хавф-хатарларга қарши тура олмаслиги билан боғланса, Гегель фалсафасида инсон мустақил қадрият ва ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ожизлик инсонга мутлақ хос бўлган доимий хусусият эмас, балки унинг иродасига боғлиқ бўлмаган муайян вазиятлар таъсирида юзага келадиган ҳолат сифатида қаралиши мумкин.

Замонавий ёндашувларда инсоннинг мустақиллиги, ирода эркинлиги ва ўз ҳаётига таъсир кўрсатиш имкониятига алоҳида аҳамият берилади. Шу сабабли ожизликни шахснинг умумий ижтимоий мавқеи сифатида эмас, балки муайян шароитлар натижасида пайдо бўладиган ҳолат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Фалсафий ёндашувларни умумлаштирганда, ожизлик инсоннинг ички хусусиятлари ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган мураккаб ҳолат эканлиги кўринади.

Психологик нуқтаи назардан ожизлик шахснинг содир бўлаётган воқеаларни тўғри англай олмаслиги, вазиятни чорасиз ёки хавфли деб баҳолаши, ўз хулқ-атворини назорат қилишда қийинчиликка дуч келиши ёки вазиятга мос ҳаракат қила олмаслиги билан тавсифланади. Бундай ҳолат стресс, қўрқув, фрустрация, кучли руҳий босим ва бошқа психофизиологик омиллар таъсирида юзага келиши мумкин.

Ожизликнинг психологик белгилари қаторига сусткашлик, хавотир, ҳаддан ташқари ҳиссиётчанлик, ҳаракатсизлик ва қарор қабул қилиш қобилиятининг пасайишини киритиш мумкин. Айниқса, экстремал вазиятларда мазкур омиллар шахснинг қаршилик кўрсатиш имкониятини янада пасайтиради. Бироқ жиноят ҳуқуқи учун психологик ожизликнинг аҳамияти унинг ички ҳолат сифатида мавжудлигидагина эмас, балки жиноий тажовуз вақтида жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш ва содир бўлаётган ҳаракатларнинг моҳиятини англаш имкониятига таъсиридадир.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан ожиз аҳвол тушунчасига норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш ёндашувлари асосида баҳо бериш мумкин. Норма ижодкорлиги нуқтаи назаридан мазкур тушунча жиноят қонунидаги тегишли нормалар мазмуни билан белгиланса, ҳуқуқни қўллаш нуқтаи назаридан у олий суд инстанцияларининг ҳуқуқий позициялари ва суд амалиёти асосида аниқлаштирилади.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар турли ёндашувларни ўртага ташлайдилар. Хусусан, И.Р. Шикула ожизлик ҳолатини шахснинг жисмоний ёки руҳий ҳолатига кўра ўзини ҳимоя қила олмаслиги ва айбдорга фаол қаршилик кўрсата олмаслиги сифатида таърифлайди. О.В. Михайловская эса воқеаларни тўғри идрок этиш қобилияти чекланган шахслар, ҳушсиз, кома ёки чуқур уйқу ҳолатида бўлганлар, ёш болалар, қарилик туфайли мажолсиз бўлиб қолганлар ҳамда кучли алкоголь, гиёҳвандлик ёки токсик моддалар таъсирида бўлган шахсларни ожизлар қаторига киритади. С. Бояров ҳам ёш болалар, оғир касаллар, кексалар ва воқеликни тўғри идрок этиш қобилияти чекланган шахсларни ушбу тоифага киритади.

К.А. Барышева ожиз аҳволни шахснинг ўзига нисбатан содир этилаётган ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг моҳиятини англай олмаслиги ёки уларни англаган ҳолда муносиб қаршилик кўрсата олмаслиги билан боғлайди. М.Х. Рустамбоев эса жисмоний нуқсон, руҳий бузилиш, жуда ёш ёки кексалик, қаттиқ оғриқ, беҳушлик, уйқу, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар таъсиридаги оғир мастлик каби ҳолатларни алоҳида кўрсатади. Унинг ёндашувида айбдорнинг жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаганлиги ҳам муҳим ҳисобланади. А.А. Отажонов ожиз аҳволни жабрланувчининг жиноятчидан ҳимояланиш, қаршилик кўрсатиш ёки хавфдан қочиб қутулиш имконияти бўлмаган ҳолат сифатида баҳолайди. Х.М. Абзалова эса ёш, касаллик, руҳий ёки жисмоний нуқсон, ҳомиладорлик ёки тўсатдан юзага келган оғир ташқи вазият туфайли хавфдан қочиш ёки жиноятчига қаршилик кўрсатиш имкони бўлмаган ҳолатни ожиз аҳвол деб ҳисоблайди.

Ушбу ёндашувларни умумлаштириш шуни кўрсатадики, ожиз аҳволни муайян шахслар рўйхати билан чеклаб қўйиш тўғри эмас. Вояга етмаганлик, кексалик, ҳомиладорлик ёки касалликнинг ўзи автоматик равишда ожиз аҳволни англатмайди. Ҳал қилувчи мезон муайян вазиятда шахснинг ўзини ҳимоя қилиш, хавфдан қочиш ёки қаршилик кўрсатиш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигидир.

"Ожиз аҳвол" тушунчасининг доираси замонавий ижтимоий муносабатлар таъсирида кенгайиб бормоқда. Х.М. Бобоқулов ожизликни оилавий муҳитдаги ижтимоий-психологик ва иқтисодий қарамлик билан боғлайди. А.У. Анорбоев эса рақамли трансформация ва кибержиноятчилик шароитида "рақамли заифлик" тушунчасини илгари суради. Бунда шахснинг рақамли муҳитдаги хавфларни англаш ёки ахборот технологияларидан хавфсиз фойдаланиш имкониятлари чекланган бўлиши мумкин. С.Н. Маслак эса "ожиз аҳвол" тушунчасини фақат қасддан одам ўлдириш ёки номусга тегиш билан чекламасдан, шахсга қарши бошқа зўравонлик жиноятларида ҳам жавобгарликни табақалаштирувчи мезон сифатида қўллаш мумкинлигини таъкидлайди.

Жиноят ҳуқуқида "ожиз аҳвол" тушунчаси баҳоловчи категория сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Е.В. Кобзеванинг ҳисобига кўра, 1996 йилги Россия Федерацияси Жиноят кодекси моддаларининг 56,44 фоизида нормалар баҳоловчи белгилар ёрдамида ифодаланган. Шунингдек, тадқиқотларда иштирок этган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари "ожиз аҳвол" ни баҳоловчи категория сифатида эътироф этган.

А.В. Попов баҳоловчи белгиларни муайян иш ҳолатларидан келиб чиқиб, тегишли нормани қўллаётган шахснинг ҳуқуқий онги билан белгиланадиган аломатлар сифатида кўради. Н.А. Лопашенко эса жиноят ҳуқуқидаги баҳоловчи категорияларни қонун мазмунида тўлиқ очиб берилмаган ва турлича талқин қилиниши мумкин бўлган тушунчалар сифатида баҳолайди. Шу нуқтаи назардан "ожиз аҳвол" ни аниқлашда суд ва тергов органларининг субъектив қарашларига ҳаддан ташқари кенг ўрин берилиши турлича ҳуқуқий натижаларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли ожиз аҳволнинг асосий мезонларини белгилаш зарур. Улар қаторига шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати, психофизиологик аҳволи, ёши, касаллиги, ҳуш ҳолати, ҳаракатланиш имконияти, хавфни англаш қобилияти, ўзини ҳимоя қилиш ва қаршилик кўрсатиши, шунингдек, айбдорнинг жабрланувчининг ожиз ҳолатини англаганлиги киритилиши мумкин.

”Ожиз аҳвол” ни доимий ва вақтинчалик турларга ажратиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим. Доимий ожизлик ногиронлик, оғир касаллик ёки шахснинг жисмоний ёки руҳий фаолиятини узоқ муддат чекловчи ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Вақтинчалик ожизлик эса уйқу, ҳушнинг йўқолиши, кома, кучли мастлик, вақтинчалик касаллик ёки муайян ташқи вазият таъсирида қисқа муддатга юзага келади.

Шунингдек, ожизликнинг келиб чиқишига кўра уни шахсга дастлаб хос бўлган ва муайян вазият таъсирида кейинчалик юзага келган ҳолатларга ажратиш мумкин. Ёш болалик ёки кексалик шахснинг табиий ҳолати билан боғлиқ бўлса, ҳушсизлик, кучли мастлик ёки жисмоний жароҳат муайян вазият таъсирида юзага келиши мумкин. Бундай тасниф жиноят содир этилган вақтда жабрланувчининг ҳақиқий ҳолатини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Илмий адабиётларда ожиз аҳволга киритиладиган ҳолатлар сифатида ёш болалик, кексалик, касаллик, руҳий касаллик, жисмоний ёки руҳий нуқсон, ҳомиладорлик, ҳушсиз ҳолат, қаршилик кўрсата олмаслик, воқеа моҳиятини англай олмаслик, айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлик, васийлик ёки ҳомийлик остида бўлиш, муайян ижтимоий ҳолат туфайли ҳимоясиз қолиш каби ҳолатлар кўрсатилади. Бироқ уларнинг ҳар бири муайян иш ҳолатларидан келиб чиқиб баҳоланиши лозим.

Ожизликни ҳимоясизлик тушунчасидан ҳам фарқлаш зарур. Ҳимоясизлик кўпроқ шахснинг ташқи тажовуздан ўзини ҳимоя қилиш имкониятининг йўқлигига ишора қилса, ожизлик кенгроқ мазмунга эга бўлиб, шахснинг жисмоний, руҳий ва психофизиологик имкониятларини қамраб олади. Шунинг учун ҳимоясизликни ожизликнинг таркибий кўринишларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Суд амалиётида ожизлик ҳолати шахснинг жисмоний ёки руҳий ҳолати туфайли ўзини ҳимоя қила олмаслиги ва айбдорга фаол қаршилик кўрсата олмаслиги билан белгиланади. Бунда айбдор жиноий тажовуз содир этаётганда жабрланувчининг ожиз ҳолатда эканлигини англаган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли ”Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида жабрланувчининг оғир касаллиги, кексалиги ёки содир бўлаётган воқеаларни тўғри идрок этиш қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ ҳолатлар ожизликни баҳолашда аҳамиятли экани кўрсатилган.

А.Е. Меркушовнинг ёндашувига кўра, қотилликни жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланган ҳолда содир этилган деб квалификация қилиш учун жабрланувчининг ўзи хавфни англагани эмас, балки айбдор унинг ожиз ҳолатда эканини англагани муҳимдир.

Э.А. Саркисова оғир касаллик, ақлий норасолик, уйқу, кучли алкоголь ёки гиёҳванд моддалар таъсиридаги ҳолатларни қотилликда ожиз аҳволни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади. Халқаро тажрибада, жумладан, Нидерландия ва Япония жиноят қонунчилигида ҳам ҳушсиз ҳолат ожизликнинг муайян кўриниши сифатида қаралади. Бироқ ҳушсизликни ақлий заифлик ёки руҳий касаллик билан тўлиқ тенглаштириб бўлмайди, чунки ҳушсиз шахс муайян вазиятда ўз иродасини ифодалаш, қарор қабул қилиш ёки қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Т.Е. Сарсенбаевнинг фикрига кўра, тажовуз пайтида хавфни англамаслик ва ҳушсиз ҳолат бир хил тушунча эмас. Шу сабабли суд томонидан ожизлик ҳолатини аниқлашда жабрланувчининг воқеани англаш қобилияти, унинг жисмоний имкониятлари ва айбдорнинг ҳаракатлари ўзаро боғлиқ ҳолда баҳоланиши керак.

Умуман олганда, илмий қарашларнинг таҳлили ”ожиз аҳвол” тушунчаси демографик, тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий омилларни қамраб олувчи мураккаб категория эканини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари ”ожиз аҳволдаги шахс” тушунчаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ва кўп қиррали баҳоловчи категория эканини кўрсатади. Унинг мазмунини шахснинг фақат ёши, касаллиги, ногиронлиги ёки руҳий ҳолати билан чеклаш тўғри эмас, чунки мазкур белгиларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам шахсни ожиз ҳолатга туширмайди. Ҳал қилувчи мезон муайян жиноий тажовуз вақтида жабрланувчининг ўзини ҳимоя қилиш, хавфдан қочиш, қаршилик кўрсатиш ёки содир бўлаётган ҳаракатларнинг моҳиятини англаш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланиши лозим.

Ожиз аҳвол доимий ёки вақтинчалик, жисмоний, руҳий ёки психофизиологик хусусиятга эга бўлиши, шунингдек, шахсга дастлаб хос бўлган ёки муайян ташқи вазият таъсирида юзага келиши мумкин. Шу сабабли уни аниқлашда шахснинг индивидуал хусусиятлари, жиноят содир этилган вақтдаги аниқ вазият, жабрланувчининг реал имкониятлари ва айбдорнинг ушбу ҳолатни англаганлиги комплекс равишда баҳоланиши зарур.

Жиноят-ҳуқуқий маънода жабрланувчининг ожиз аҳволини шахснинг жисмоний, руҳий ёки психофизиологик ҳолати билан боғлиқ бўлган, муайян вазиятда унинг ўзини ҳимоя қилиш ва жиноий тажовузга қарши қаршилик кўрсатиш имкониятини жиддий чекловчи ҳолат сифатида таърифлаш мумкин. Бунда ушбу ҳолатнинг объектив мавжудлиги билан бир қаторда айбдорнинг жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаганлиги ҳам муҳим юридик аҳамият касб этади.

Суд амалиётида ”ожиз аҳвол” тушунчасининг турлича талқин қилиниши мазкур категорияни янада аниқлаштириш заруратини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларида ожиз аҳволнинг жисмоний, руҳий ва психофизиологик жиҳатларини аниқроқ ифодалаш, унинг асосий кўринишларини белгилаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун ягона мезонларни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бундай ёндашув жабрланувчиларнинг жиноий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноятларни тўғри квалификация қилиш, жавобгарликни адолатли табақалаштириш ва жазони индивидуаллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ”ожиз аҳвол” тушунчасининг ҳуқуқий мазмунини аниқлаш қонунни бир хил қўллаш, асоссиз талқинларнинг олдини олиш ва шахс ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Зарнигор ХАЛИЛОВА,

Криминология тадқиқотлар институти изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шикула И.Р. Теоретические и практические проблемы определения понятия “беспомощное состояние” в уголовном праве России // Вестник Казанского юридического института МВД России. — 2016. — № 3 (25). — С. 78–81.

2. Барышева К.А. Коллизии определения наличия признака беспомощности потерпевшего в некоторых составах преступлений // Право. Журнал Высшей школы экономики. — 2016. — № 4. — С. 118–128.

3. Лопашенко Н.А. Еще раз об оценочных категориях в законодательных формулировках преступлений в сфере экономической деятельности // Уголовное право. — 2002. — № 2. — С. 42–45.

4. Плаксина Т.А. Основания повышения ответственности за убийство лица, заведомо для виновного находящегося в беспомощном состоянии // Известия высших учебных заведений. Правоведение. — 2005. — № 1 (258). — С. 151–159.

5. Семернева Н.К. Квалификация преступлений (части Общая и Особенная): научно-практическое пособие. — М.: Проспект; Екатеринбург: Уральская государственная юридическая академия, 2010. — 296 с.

6. Сарсенбаев Т.Е. Обстоятельства, обуславливающие беспомощное состояние жертвы преступления // Пробелы в российском законодательстве. — 2017. — № 1. — С. 19–23.

7. Кобзева Е.В. Оценочные признаки в Уголовном законе: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. — Саратов, 2002.

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: https://lex.uz/docs/111453

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/ru/docs/1455961

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори // Lex.uz. URL: https://lex.uz/acts/2414120

11. О судебной практике по делам об убийстве (ст. 105 УК РФ): Постановление Пленума Верховного Суда Российской Федерации от 27.01.1999 № 1 (ред. от 03.03.2015). URL: https://rulaws.ru/amp/vs_rf/Postanovlenie-Plenuma-Verhovnogo-Suda-RF-ot-27.01.1999-N-1/

12. Wetboek van Strafrecht [Нидерландия Қироллигининг Жиноят кодекси], 2024 йил 20 мартдаги Wet seksuele misdrijven (Staatsblad 2024, 59) таҳририда. URL: https://zoek.officielebekendmakingen.nl/stb-2024-59.pdf

13. 刑法（明治40年法律第45号）[Япония Жиноят кодекси, 1907 йилги 45-сон Қонун], 2023 йил 23 июндаги 66-сон Қонун таҳририда. URL: https://www.shugiin.go.jp/Internet/itdb_housei.nsf/html/housei/21120230623066.htm

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада кибержиноятларни тергов қилишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг жиноят-процессуал асослари тадқиқ этилган. Муаммонинг долзарблиги 2024 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-1003-сон қонун билан жорий этилган рақамли далил институтида яхлитликни тасдиқлаш механизми белгиланмаганлиги билан изоҳланади.*

Калит сўзлар: *кибержиноят, рақамли далил, электрон маълумотлар, тергов, далил яхлитлиги, далил ҳаракатланиш занжири, рақамли криминалистика.*

Рақамли технологияларнинг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши жиноятчиликнинг янги шакли — кибержиноятларнинг кенгайишига олиб келди. Кибержиноятлар рақамли муҳитда содир этилиши, электрон изларнинг беқарорлиги ва кўпинча трансчегаравий хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар анъанавий процессуал воситалар самарадорлигини чеклайди.

Миллий қонунчиликда ушбу эҳтиёж 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сон қонун орқали эътироф этилди. Унга мувофиқ, рақамли далил мустақил далил тури сифатида тан олинди, мутахассис иштироки мақбуллик шарти даражасига кўтарилди, шахсий электрон маълумотларга аралашув суд назоратига бўйсундирилди, кўчирма нусха олишда яхлитликни сақлаш талаби белгиланди.

Бироқ қонунчилик рақамли далил билан ишлашнинг барча босқичларини тўлиқ қамраб олмаган ва унинг яхлитлигини тасдиқлашнинг объектив механизмини белгиламаган. Рақамли нусханинг асл нусхадан ташқи жиҳатдан фарқланмаслиги ва унга яширин техник аралашув имконияти мавжудлиги мазкур муаммони янада долзарблаштиради. Шунингдек, процессуал нормалар электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш воситалари билан етарлича уйғунлаштирилмаган.

Амалдаги қонунчиликда икки категория ажратилади: "электрон маълумот" — ахборотнинг техник кўриниши ва "рақамли далил" — қонуний йўл билан олинган, иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумот. Электрон файл автоматик равишда далил ҳисобланмайди; у ишга алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик мезонларига жавоб бериши лозим.

Муаллифнинг илмий позициясига кўра, рақамли далил уч элементдан иборат: контент (файл мазмуни), метамаълумот (файлнинг яратилиши ва ўзгартирилишига оид техник ёзувлар) ҳамда трафик маълумотлари (тармоқ уланишлари тарихи). Амалиётда кўпинча фақат файлнинг ўзи олиниб, метамаълумот ва тизим журналлари инобатга олинмайди. Бу эса судда далилнинг ҳақиқийлигини исботлашни қийинлаштиради. Шу боис рақамли далил тузилмасининг норматив тан олиниши метамаълумотларни олишни мажбурий процессуал талабга айлантириши лозим.

ЖПКнинг 95[1]-моддасига кўра электрон маълумотни мутахассис иштирокисиз олиш уни номақбул далилга айлантиради; ЖПКнинг 204[2]-моддаси эса кўчирма нусха олишда яхлитлик ва айнан ўхшашлик сақланишини талаб қилади, бироқ буни тасдиқлаш усулини белгиламайди. ISO/IEC 27037:2012 стандарти бундай тасдиқнинг объектив воситаси сифатида криптографик назорат йиғиндисини ҳисоблашни назарда тутади. Шу сабабли ЖПКнинг 204[2]-моддасидаги яхлитлик талаби уни текшириш воситаси қонунда белгиланмаган "техник жиҳатдан таъминланмаган мажбурият" сифатида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат рақамли далилларнинг мақбуллигини баҳолашни мураккаблаштиради.

ЖПКнинг 163-моддаси олиб қўйиш ва тинтув натижаларини баённомада қайд этишни, 208-моддаси эса далилларни сақлаш ва юборишни тартибга солади. Бироқ ушбу нормаларда рақамли далилга кириш, уни нусхалаш ва текширишга оид ҳар бир амални ягона электрон журналда узлуксиз қайд этишнинг махсус тартиби батафсил белгиланмаган.

ЖПКнинг 140-моддаси телекоммуникация тармоқларида кўздан кечиришга йўл қўйса-да, масофавий кўздан кечиришнинг процессуал шартларини аниқ белгиламайди. Шунингдек, ЖПК 161-моддаси шахсий электрон маълумотларни суд қарорига боғлайди, бироқ мазкур тушунча ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда маълумотларни олиш тартибини етарлича аниқлаштирмаган. Будапешт ва БМТ конвенцияларида назарда тутилган тезкор муҳофазага олиш механизмининг ЖПКда мавжуд эмаслиги трансчегаравий маълумотларнинг йўқолиш хавфини оширади.

Қиёсий таҳлил хорижий амалиётда рақамли далиллар билан ишлашнинг турли механизмлари шаклланганини кўрсатади: Германияда тергов ҳаракатлари рақамли муҳитга мослаштирилган, Буюк Британияда процессуал ваколатлар амалий стандартлар билан тўлдирилган, АҚШда хеш-қиймат ва трансчегаравий маълумот олиш механизмлари қўлланади, Европа Иттифоқида эса провайдерга йўналтирилган процессуал буйруқ модели мавжуд. Инсон ҳуқуқлари стандартлари ушбу ваколатларни суд назорати билан чеклайди.

Натижада самарали тизим уч асосга — аниқ процессуал ваколат, яхлитликни объектив тасдиқлаш ва мустақил суд назоратига таянади. Миллий моделда иккинчи элемент етишмайди.

Аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш учун рақамли далил ишончлилигини таъминлашнинг уч босқичли модели таклиф этилади: олиш босқичида — электрон маълумотларни қонуний тартибда олиш ва баённомада процессуал тўғри қайд этиш; сақлаш босқичида — далил ҳаракатини акс эттирувчи электрон журнал юритиш; суд босқичида — назорат йиғиндисини қайта ҳисоблаш орқали яхлитликни тасдиқлаш. Мазкур модель техник стандартни процессуал мажбуриятга айлантириб, далил ишончлилигини объектив қайта текшириш имконини беради.

Унинг асосида қуйидаги норматив таклифлар шакллантирилди:

1) ЖПКнинг 204[2]-моддасини рақамли далил яхлитлиги криптографик назорат йиғиндиси орқали тасдиқланиши, унинг қиймати ва ҳисоблаш усули баённомада қайд этилиши ҳақидаги қоида билан тўлдириш;

2) ЖПКнинг 25-бобини “Рақамли далилнинг сақланиши ва ҳаракатланиш занжири” моддаси билан тўлдириб, далилни узатиш, очиш, нусхалаш ва экспертизага юборишни сана, вақт, масъул шахс ва мақсад кўрсатилган ҳолда қайд этувчи журнал юритиш мажбуриятини белгилаш;

3) ЖПКнинг 161-моддасидаги “шахсий электрон маълумот” тушунчаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун билан уйғунлаштирилиб, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда бундай маълумотларни олишни суд томонидан кейинчалик тасдиқлаш тартиби, шунингдек масофавий кўздан кечиришнинг асослари, суд санкцияси талаб этиладиган ҳоллари, мажбурий видеоқайд ва мутахассис иштирокини назарда тутувчи алоҳида процессуал норма белгилаш.

4) БМТ конвенцияси стандартларига мувофиқ маълумотларни тезкор муҳофазага олиш буйруғи институти ва доимий ваколатли алоқа нуқтаси жорий этилиб, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда идоравий ҳужжатлар даражасида рақамли далиллар билан ишлашнинг ISO/IEC 27037 талаблари асосидаги ягона услубий стандартини тасдиқлаш.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ЎРҚ-1003-сонли қонун рақамли далилларнинг процессуал мақомини мустаҳкамлаган бўлса-да, уларнинг яхлитлиги, ҳаракатланиши ва трансчегаравий муомаласини тўлиқ тартибга солмаган. Тадқиқот натижасида рақамли далилнинг уч элементли тузилмаси ҳамда унинг ишончлилигини таъминлашнинг уч босқичли ҳуқуқий модели асосланди. Мазкур моделни қонунчилик ва тергов амалиётига жорий этиш рақамли далиллар билан ишлашнинг ягона процессуал стандартини шакллантириш ва инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш имконини беради.

Баҳром НЕМАТИЛЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. URL: https://lex.uz/acts/6445145.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Амалдаги таҳрир. URL: https://lex.uz/acts/111453.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси Амалдаги таҳрир. URL: https://lex.uz/acts/111460.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1003-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/7228758.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/5960604.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/4396419.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/docs/6234904.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги 611–II-сон “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/165079.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги ЎРҚ–249-сон “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/1633102.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. URL: https://lex.uz/docs/3895986.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сон “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. URL: https://lex.uz/acts/6523582.
12. Council of Europe. Convention on Cybercrime. ETS No. 185. — Budapest, 23 November 2001. URL: https://rm.coe.int/1680081561.
13. Council of Europe. Second Additional Protocol to the Convention on Cybercrime on enhanced co-operation and disclosure of electronic evidence. CETS No. 224. — Adopted 17 November 2021; opened for signature in Strasbourg, 12 May 2022. URL: https://www.coe.int/en/web/cybercrime/second-additional-protocol.
14. United Nations. United Nations Convention against Cybercrime. Annex to General Assembly Resolution A/RES/79/243, adopted 24 December 2024. URL: https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n24/426/74/pdf/n2442674.pdf.
15. Regulation (EU) 2023/1543 of the European Parliament and of the Council of 12 July 2023 on European Production Orders and European Preservation Orders for electronic evidence in criminal proceedings and for the execution of custodial sentences following criminal proceedings // Official Journal of the European Union. — 2023. — L 191, 28 July. — P. 118–180. URL: https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2023/1543.
16. Directive (EU) 2023/1544 of the European Parliament and of the Council of 12 July 2023 laying down harmonised rules on the designation of designated establishments and the appointment of legal representatives for the purpose of gathering electronic evidence in criminal proceedings // Official Journal of the European Union. — 2023. — L 191, 28 July. — P. 181–190. URL: https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2023/1544/oj/eng.
17. Clarifying Lawful Overseas Use of Data Act (CLOUD Act). Public Law 115–141, Division V, 23 March 2018, 132 Stat. 1213. URL: https://www.govinfo.gov/content/pkg/PLAW-115publ141/pdf/PLAW-115publ141.pdf.
18. Federal Rules of Evidence. As amended to 1 December 2024. Rules 901(b)(9), 902(13), 902(14). — United States Courts. URL: https://www.uscourts.gov/forms-rules/current-rules-practice-procedure/federal-rules-evidence.
19. Police and Criminal Evidence Act 1984. 1984 c. 60. Sections 19–20. URL: https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1984/60/section/19; https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1984/60/section/20.
20. Strafprozessordnung (StPO). §§ 94, 98, 100a, 110. Амалдаги таҳрир. URL: https://www.gesetze-im-internet.de/stpo/.
21. ISO/IEC 27037:2012. Information technology — Security techniques — Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence. — ISO/IEC, 2012. URL: https://www.iso.org/standard/44381.html.
22. Kent K., Chevalier S., Grance T., Dang H. Guide to Integrating Forensic Techniques into Incident Response. NIST Special Publication 800–86. — Gaithersburg: National Institute of Standards and Technology, 2006. — 121 p. URL: https://csrc.nist.gov/pubs/sp/800/86/final.
23. Casey E. Digital Evidence and Computer Crime: Forensic Science, Computers and the Internet. — 3rd ed. — Academic Press, 2011. — XXVII, 807 p. — ISBN 978–0–12–374268–1.
24. Riley v. California, 573 U.S. 373 (2014). Supreme Court of the United States. Judgment of 25 June 2014. URL: https://www.govinfo.gov/content/pkg/USREPORTS-573/pdf/USREPORTS-573-373.pdf.
25. Big Brother Watch and Others v. the United Kingdom [GC]. Applications nos. 58170/13, 62322/14 and 24960/15. European Court of Human Rights. Judgment of 25 May 2021. URL: https://hudoc.echr.coe.int/fre?i=001-210077.
26. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январдаги ЎРҚ–1022-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. URL: https://lex.uz/acts/7347837.
27. Guttman B., White D. R., Walraven T. Digital Evidence Preservation: Considerations for Evidence Handlers. NIST Interagency Report 8387. — Gaithersburg: National Institute of Standards and Technology, 2022. DOI: https://doi.org/10.6028/NIST.IR.8387.

НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ: ҲУҚУҚИЙ ЧЕКЛОВЛАР ВА УЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ: *мақолада нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг жиноят ишлари бўйича суд экспертизасини ўтказишига нисбатан қонунчиликда белгиланган умумий чеклов таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг мақсади мазкур чекловнинг ҳуқуқий асосланганлигини баҳолаш ҳамда уни қайта кўриб чиқиш заруратини асослашдан иборат. Қонуннинг 17-моддасида нодавлат ташкилотларнинг давлат суд-экспертиза муассасалари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги белгиланган бўлса-да, жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш ваколати назарда тутилмаган. Калит сўзлар: нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, жиноят ишлари, суд эксперти, эксперт мустақиллиги, холислик, сертификатлаш, аттестация, давлат реестри, мажбурий суғурта, экспертиза тури.*

Калит сўзлар: *нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, жиноят ишлари, суд эксперти, эксперт мустақиллиги, холислик, сертификатлаш, аттестация, давлат реестри, мажбурий суғурта, экспертиза тури.*

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд-экспертлик фаолиятидаги ўрни уларнинг қайси турдаги ишлар бўйича экспертиза ўтказишга ваколатли эканлиги билан белгиланади. "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, бундай ташкилот фуқаролик, иқтисодий, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд экспертизаларини, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. Бироқ мазкур нормада жиноят ишлари бўйича суд экспертизасини ўтказиш ваколати назарда тутилмаган.

Шу билан бирга, 17-модданинг учинчи қисмига кўра нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари давлат суд-экспертиза муассасалари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, бундан қонунда назарда тутилган чекловлар мустасно. Жиноят ишлари бўйича чеклов ана шундай истисналардан бири бўлиб, унинг асосланганлигини баҳолаш керак. Шу сабабли масаланинг моҳияти нодавлат секторнинг мавжудлиги эмас, балки жиноят процессида унинг иштироки нима сабабдан умумий тарзда чекланганидадир.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг жиноят ишларида иштирок этишига қарши илмий доктринада асосан учта эътироз илгари сурилади. Биринчи эътироз экспертиза ҳақи билан эксперт мустақиллиги ўртасидаги боғлиқликка тааллуқли. М.А.Боярова экспертиза ҳақи билан эксперт мустақиллиги ўртасида муайян боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайди. У.Х.Раҳимова эса бундай ҳолатларда эксперт холислигига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкинлигини қайд этади. Айниқса, жиноят иши бўйича экспертиза хулосасининг далилий аҳамияти экспертнинг молиявий манфаатлардан холи бўлишини талаб қилади.

Бироқ молиялаштириш билан боғлиқ хавф нодавлат ташкилотларни жиноят ишларидан тўлиқ четлаштириш учун мутлақ асос бўла олмайди. Молиявий муносабатлар эксперт мустақиллигига таъсир қилиши мумкин, аммо бундай хавфни процессуал ва ҳуқуқий кафолатлар орқали камайтириш мумкин. Шунинг учун мазкур эътироз умумий тақиқни эмас, эксперт мустақиллигини таъминловчи самарали механизмларни шакллантириш заруратини асослайди.

Иккинчи эътироз нодавлат экспертни экспертиза ўтказишга мажбурлаш имкониятининг чекланганлиги билан боғлиқ. Давлат муассасасидан фарқли равишда нодавлат экспертлик муносабатлари шартномавий асосда шаклланади ва уларда ихтиёрийлик мавжуд. Бироқ шартнома тузишдан бош тортиш имконияти билан шартнома тузилганидан кейин экспертнинг қонунчиликда белгиланган мажбуриятларини бажариши бир хил масала эмас. Шу сабабли мазкур ҳолат нодавлат экспертнинг жиноят процессида иштирок этишини инкор этмайди, балки унинг фаолиятини шартномавий асосда ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади.

Учинчи эътироз экспертиза сифати билан боғлиқ. Л.В.Лазарева сўнгги йилларда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг техник ва технологик имкониятлари сезиларли даражада ривожланганини қайд этади. Демак, экспертиза сифатини ташкилотнинг мулкчилик шакли билан бевосита боғлаш тўғри эмас. Сифат, аввало, экспертнинг малакаси, тадқиқот ўтказиш учун зарур шароитлар, қўлланиладиган методика ва назорат механизмларига боғлиқ.

О.Г.Дяконова эса суд-экспертлик тадқиқоти муайян ташкилот томонидан эмас, балки аниқ бир суд эксперти томонидан амалга оширилиши ва унинг натижалари учун жавобгарлик ҳам айнан эксперт зиммасига юкланишини таъкидлайди. Бу нуқтаи назар мустақиллик, мажбурлаш ва сифат билан боғлиқ эътирозларни умумлаштириш имконини беради. Яъни, экспертиза натижасининг ишончлилиги ташкилотнинг номи ёки мулкчилик шаклидан кўра экспертнинг касбий малакаси, тадқиқотнинг илмий-услубий асосланганлиги ва процессуал кафолатларга риоя этилиши билан белгиланади.

Шу билан бирга, бу нодавлат сектор устидан назоратга эҳтиёж йўқлигини англатмайди. Аксинча, мустақиллик, ваколатлилик, сифат ва масъулият билан боғлиқ хавфлар аниқ ҳуқуқий механизмлар орқали бошқарилиши лозим. Й.К.Орлов, Т.В.Сезонова ва Э.Д.Андреева Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида нодавлат суд-экспертиза муассасалари давлат муассасалари билан тенг ҳуқуқий мақомга эга бўлса-да, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ягона ҳуқуқий механизм ва экспертларга нисбатан ягона малака талаблари мавжуд эмаслигини қайд этадилар. Бу фикр нодавлат секторни жиноят процессига жалб этишда ҳуқуқий тенгликнинг ўзи етарли эмаслигини, балки аниқ малака ва назорат талаблари ҳам зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда эса нодавлат суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи бундай механизмларнинг асосий қисми шаклланган. Хусусан, тегишли экспертиза турлари бўйича моддий-техник базага минимал талаблар белгиланган, суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинади, ташкилотлар ва суд экспертлари давлат реестрларига киритилади. Сертификат Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссияси томонидан тест синовлари ҳамда суҳбат шаклидаги имтиҳон натижаларига кўра берилади.

Ушбу механизмлар турли вазифаларни бажаради: моддий-техник талаблар экспертизани сифатли ўтказиш учун зарур шароитларни, сертификатлаш ва аттестация экспертнинг касбий ваколатлилигини, давлат реестри фаолиятнинг расмий ҳисобини, мажбурий суғурта эса фуқаролик жавобгарлиги билан боғлиқ ҳимояни таъминлайди. Демак, нодавлат сектор фаолиятини назорат қилиш учун ҳуқуқий воситалар мавжуд.

Шу нуқтаи назардан муҳим масала — чекловни ишнинг процессуал турига ёки экспертизанинг хусусиятига боғлашдир. "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси

турлари Президент қарори билан белгиланиши назарда тутилган. Демак, қонуннинг ўзи экспертиза турларига қараб дифференциал ёндашув қўллаш учун ҳуқуқий имконият яратади.

Бунда асосий мезон жиноят, фуқаролик ёки маъмурий ишнинг ўзи эмас, балки муайян экспертиза турининг хусусияти бўлиши керак. Чунки бир хил экспертиза тури турли суд ишларида тайинланиши мумкин. Экспертга қўйиладиган малакавий, техник ва ташкилий талаблар эса ишнинг процессуал тоифасидан эмас, тадқиқотнинг хусусиятидан келиб чиқади. Шу сабабли қўшимча техник шароит ёки юқори даражадаги малака талаб қилинадиган экспертиза турларига нисбатан чеклов сақланиши, белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа турлар бўйича эса нодавлат сектор имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Бундай дифференциал ёндашув ҳуқуқий тенглик принципига ҳам мос келади. 17-модданинг учинчи қисмида нодавлат ташкилотларнинг давлат суд-экспертиза муассасалари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги эътироф этилган. Бу тенглик барча экспертиза турларида бир хил рухсат берилиши кераклигини англатмайди, балки чекловлар экспертиза турининг объектив хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар асосида аниқ белгиланиши лозимлигини англатади.

Нодавлат секторнинг жиноят процессидаги иштироки давлат сиёсатида ҳам ўз аксини топган. ПФ-6256-сон фармон ва у билан тасдиқланган Концепцияда нодавлат суд экспертларининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд иш юритуви жараёнларида иштирок этиши учун зарур процессуал-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсади белгиланган.

Мазкур йўналиш ПҚ–270-сон қарорда белгиланган кўрсаткичларда ҳам намоён бўлади. Унда нодавлат суд-экспертиза институтининг суд-экспертлик фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш, унинг экспертиза тадқиқотларини ўтказишдаги улушини 5 баробарга ошириш назарда тутилган (1-банд “г”).

Шу жиҳатдан давлат сиёсатида нодавлат сектор улушини ошириш вазифаси белгиланган бир пайтда уни жиноят ишларидан умумий равишда четлаштириш муайян номувофиқликни юзага келтиради. Чунки экспертизаларнинг салмоқли қисми жиноят ишлари доирасида тайинланишини ҳисобга олганда, мазкур ишлардан нодавлат ташкилотларни тўлиқ четлаштириш нодавлат сектор улушини ошириш бўйича белгиланган мақсадларга таъсир қилиши мумкин.

Шунинг учун муаммони ҳал қилишда умумий тақиқни бутунлай бекор қилиш эмас, балки уни экспертиза турининг хусусиятига асосланган дифференциал тартиб билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат назорати сақланади, чунки қайси экспертиза турлари нодавлат сектор томонидан ўтказилиши мумкинлиги Президент қарори билан белгиланади. Зарур ҳолларда алоҳида техник, малакавий ва ташкилий талаблар қўйилади. Сертификатлаш, аттестация, давлат реестри, моддий-техник талаблар ва мажбурий суғурта каби механизмлар эса ушбу фаолиятнинг сифат ва масъулиятини таъминлашга хизмат қилади.

Шу асосда “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти шартнома асосида фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд экспертизасини, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан тадқиқотлар ўтказишга ихтисослаштирилган ташкилотдир. Жиноят ишлари бўйича суд экспертизаси нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланадиган суд экспертизаси турлари доирасида амалга оширилади”.

Таклиф этилаётган таҳрир жиноят ишлари бўйича нодавлат сектор иштирокини чекловсиз рухсат сифатида белгиламайди. Аксинча, рухсатни муайян экспертиза турлари билан боғлайди. Шу орқали давлат назорати сақланади, бироқ нодавлат ташкилотларни жиноят ишларининг барча тоифаларидан олдиндан ва умумий тарзда четлаштиришга йўл қўйилмайди.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг жиноят ишларида иштирок этишига қарши келтириладиган асосий эътирозлар — эксперт мустақиллиги, экспертиза ўтказишга мажбурлаш имкониятининг чекланганлиги, экспертиза сифати ва масъулият масалалари — муайян хавфларни ифодалайди. Бироқ уларнинг ҳеч бири нодавлат секторни жиноят ишларининг барча тоифаларидан мутлақ четлаштириш учун етарли асос сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон қонунчилигида сертификатлаш, аттестация, давлат реестри, моддий-техник талаблар, мажбурий суғурта ва Эксперт-малака комиссияси каби назорат механизмлари шаклланган. Шу сабабли чекловни ишнинг процессуал турига эмас, экспертиза турининг хусусиятига боғлаш имкони мавжуд.

ПФ-6256-сон фармон билан тасдиқланган Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепциясида (4-бўлим) нодавлат суд экспертларининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд иш юритувида иштирок этиши учун процессуал қонунчиликка ўзгартиш киритиш вазифаси белгиланган. Мазкур мақсадлар амалдаги умумий чекловни қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Шу боис “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг жиноят ишларида иштирокини Президент қарори билан белгиланадиган муайян экспертиза турлари доирасида амалга оширишни назарда тутувчи норма белгилаш лозим. Бундай ёндашув нодавлат сектор имкониятларидан фойдаланиш билан давлат назорати, эксперт мустақиллиги, сифат ва масъулият талабларини бир вақтда таъминлашга хизмат қилади.

Акрам ХАЛИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги ЎРҚ-1152-сон “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Lex.uz. URL: https://www.lex.uz/acts/8265035

2. Боярова М.А. Особенности правового статуса эксперта в рамках уголовного процесса // Известия Института систем управления СГЭУ. – 2019. – Т. 19, № 1. – С. 34–36.

3. Рахимова У. Некоторые аспекты назначения и проведения судебных экспертиз в ходе судебного разбирательства // Общество и инновации. – 2025. – Т. 6, № 1/S. – С. 489–496. DOI: 10.47689/2181-1415-vol6-iss1/S-pp489-496.

4. Россинская Е.Р. Судебная экспертология: генезис, современное состояние, направления развития // Вестник экономической безопасности. – 2016. – № 4. – С.

5. Лазарева Л.В. Особенности правового статуса субъектов судебно-экспертной деятельности // Актуальные проблемы российского права. – 2019. – № 4 (101). – С. 111–117. DOI: 10.17803/1994-1471.2019.101.4.111-117.

6. Дьяконова О.Г. Перспективы развития науки “Судебная экспертология” // Вестник экономической безопасности. – 2016. – № 4. – С.

7. Орлов Ю.К. Судебная экспертиза как средство доказывания в уголовном судопроизводстве. – М.: ИПК РФЦСЭ, 2005. – С. 63.

8. Сезонова Т.В., Андреева Е.Д. Современные проблемы правового и организационного обеспечения судебно-экспертной деятельности // Современная наука

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссияси тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 февралдаги 73-сон “Нодавлат суд-экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.02.2026 й., 09/26/73/0164-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Lex.uz. URL: https://www.lex.uz/docs/5491507

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-270-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.09.2025 й., 07/25/270/0810-сон. URL: https://lex.uz/docs/7717938

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада давлат харидлари соҳасида содир этиладиган жиноий қилмишларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг турлари ва содир этилиш босқичлари таҳлил қилинган. Давлат харидлари жараёнидаги мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ва улардан четга чиқиш, пора олиш ва пора бериш каби коррупциявий жиноятларнинг содир этилиш хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, АҚШ, Эстония, Хитой, Германия, Арманистон, Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатларнинг давлат харидлари соҳасида жиноий-ҳуқуқий чораларни қўллаш тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган.*

Калит сўзлар: *давлат харидлари, давлат буюртмаси, контракт тизими, давлат эҳтиёжлари, жиноий жавобгарлик, хорижий тажриба, юридик шахслар.*

Давлатларни ҳуқуқий оилаларга таснифлашнинг ягона универсал мезонлари мавжуд эмас. Масалан, Рене Давид ҳуқуқий оилаларни асосий (роман-герман, англо-саксон ва социалистик) ҳамда қўшимча (диний, анъанавий, ҳинду ва Узоқ Шарқ) ҳуқуқий оилаларга ажратган. К. Осакве эса уларни Ғарб, Ғарбга мансуб бўлмаган ва диний ҳуқуқий оилаларга таснифлайди. Мазкур ёндашувлар турли мезонларга асосланган бўлиб, ҳуқуқий оилаларнинг ягона таснифини ифодаламайди.

Бизнинг фикримизча, тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, давлатларни давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш усулларига кўра икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳга жиноят қонунчилигида мазкур соҳадаги жиноятлар учун махсус нормаларни мустаҳкамлаган Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон, Эстония ва Беларусь Республикалари киради. Иккинчи гуруҳни эса ушбу жиноятларга қарши курашишда бошқа норматив-ҳуқуқий воситалардан фойдаланадиган АҚШ, Германия, Франция ва Қозоғистон ташкил этади.

АҚШда 18 мингдан ортиқ давлат органлари буюртмачи, 120 мингга яқин турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар эса ижрочи сифатида фаолият юритади. Улар ўртасида ҳар йили давлат эҳтиёжлари учун умумий қиймати қарийб 600 миллиард АҚШ долларига тенг камида 15 миллиона шартнома тузилади. Ушбу тизим фаолиятини давлат харидлари соҳасидаги 60–70 минг нафар мутахассис таъминлайди . АҚШда давлат харидларини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар "Давлат буюртмасини режалаштириш, жойлаштириш ва ижро этишнинг федерал қоидалари" ҳамда "Мудофаа эҳтиёжлари учун харидлар қоидалари — қўшимча" ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар давлат буюртмаларини режалаштириш, жойлаштириш ва ижро этишга оид 4 мингдан ортиқ нормани қамраб олади. Шунингдек, соҳанинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам амал қилади. Давлат харидлари соҳасида директивалар чиқариш ваколати Харидлар соҳасидаги федерал сиёсат бошқармасига берилган. АҚШ қонунчилигининг мазкур соҳадаги ўзига хос хусусияти ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдиндан аниқлашга қаратилганлигидир. Хусусан, АҚШ Кодексининг 31-титули 3730-§ига (False Claims Act) кўра, АҚШ Бош прокурори давлатга, жумладан давлат контрактлари бўйича ёлғон талаб тақдим этиш ҳолатларини синчиклаб текшириши шарт. Бундай ҳолатлардан хабардор хусусий шахслар эса ўзи ва давлат номидан фуқаролик даъвоси қўзғатиши мумкин. Харидлар соҳасидаги суиистеъмолликларга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири — ҳар бир давлат органида шартномалар бўйича офицер ва эркин рақобатни ҳимоя қилувчи мансабдор шахс лавозимларини жорий этишдир.

АҚШда давлат харидлари жараёни иштирокчилари мансабдор шахслар ҳисобланган сабабли, мазкур соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик умумий жиноят-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Хусусан, АҚШ Федерал қонунлар тўпламининг 18-бўлимидаги 11, 29, 41 ва 93-боблар порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, сиёсий фаолиятга оид ҳуқуқбузарликлар, товламачилик ва таҳдидлар, шунингдек, мансабдор шахслар ҳамда ёлланма ходимларнинг жавобгарлигини белгилайди. Давлат мудофаа буюртмаларига оид махсус нормалар чекланган бўлса-да, мазкур тўпламнинг 23-бобидаги § 443 шартнома ҳужжатларини белгиланган беш йиллик муддат тугамасдан қасддан йўқ қилганлик учун жарима, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ҳар икки жазони қўллашни назарда тутади.

АҚШ тажрибаси давлат харидларидаги қонунбузилишлар учун интизомий ва маъмурий чоралар билан бир қаторда жиноий жавобгарлик механизмлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда давлат харидлари, жумладан, мудофаа буюртмаларини ташкил этиш ва назорат қилиш ваколатига эга марказлашган махсус органни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу харид жараёнларида коррупция хавфларини камайтириш, ҳуқуқбузарликларни тўғри квалификация қилиш ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашга хизмат қилиши мумкин.

Сўровнома натижалари ҳам мазкур таклиф қўллаб-қувватланганини кўрсатади: респондентларнинг 77,4 фоизи давлат харидлари тизимини ташкил этиш тартибини белгиловчи орган тузишни маъқуллаган, 9,7 фоизи қарши чиққан, 12,9 фоизи эса жавоб беришга қийналган. Буюртмачи ташкилотлар ходимлари орасида ушбу таклифни қўллаб-қувватлаганлар 68,9 фоизни, қарши бўлганлар 9,7 фоизни ташкил этган, 21,4 фоизи эса ўз фикрини билдиришга қийналган.

АҚШ суд амалиётида давлат харидларига оид жиноятларни квалификация қилишда ноқонуний мукофот (kickback), савдоларда олдиндан келишиб олиш ва шартнома шартларини муайян иштирокчи манфаатига мослаштириш каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилади. Жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, айбдор жисмоний шахс савдоларда иштирок этиш ҳуқуқидан, юридик шахс эса давлат эҳтиёжлари учун шартномалар тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Романо-герман ҳуқуқий оиласига мансуб Германия тажрибаси ҳам давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилишнинг аҳамиятини кўрсатади. Мамлакатда мазкур соҳанинг норматив асосини Европа Иттифоқи ҳужжатлари ва федерал қонунчилик ташкил этади. Бюджет маблағларидан фойдаланиш принципларига оид қонунчилик харидларни амалга оширишнинг умумий қоидалари билан бирга, суиистеъмолликларнинг олдини олиш чораларини ҳам қамраб олади. Жумладан, айрим шартномаларнинг қонунийлигини мустақил эксперт баҳолашидан ўтказиш назарда тутилади.

Германия тажрибасининг муҳим жиҳати — давлат эҳтиёжлари учун харидларни ҳуқуқий муҳофаза қилишда маъмурий-ҳуқуқий механизмларнинг устуворлигидир. Ушбу механизмлар қонунбузарликлар учун жисмоний ва юридик шахсларга йирик миқдорда жарималар қўллаш имконини беради. Демак, давлат харидларида коррупцияга қарши самарали тизимни шакллантириш учун махсус назорат институтлари, ҳуқуқбузарликлар учун мутаносиб жавобгарлик ва мустақил баҳолаш механизмларини уйғунлаштириш муҳимдир.

Германияда давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда маъмурий-ҳуқуқий механизмларга устувор аҳамият берилади, жиноят ҳуқуқи эса қўшимча восита сифатида намоён бўлади. Мазкур соҳадаги жиноий қилмишлар, асосан, Германия Жиноят кодексининг (StGB) § 298 (танловларда рақобатни чеклаш), § 263 (фирибгарлик), § 332 ва § 334– § 335 (пора олиш ва пора бериш, шунингдек, уларнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари) билан квалификация қилинади. Амалиётда жиноятни фирибгарлик сифатида баҳолаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни жиноий қилмишлардан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, алдаш хусусияти ва етказилган зарарнинг ижтимоий хавфлилигига эътибор қаратилади.

Францияда давлат харидлари соҳасидаги муносабатлар 2018 йилда қабул қилиниб, 2019 йил 1 апрелдан кучга кирган Давлат харидлари кодекси (Code de la commande publique) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мазкур соҳадаги қонунбузарликларга қарши курашишда маъмурий ва жиноий-ҳуқуқий механизмлар қўлланилади. Маъмурий чоралар қаторига жарималар киради. Юридик шахсни тугатиш ва унинг давлат харидларида иштирок этишини чеклаш эса Жиноят кодексининг 131-39-моддасида назарда тутилган жиноий жазолардир. Франция Жиноят кодексининг 432-11-моддаси мансабдор шахснинг ўз мавқеидан фойдаланиб, муайян қарор ёки шартнома тузилишига таъсир кўрсатиш эвазига ноқонуний мукофот олишини жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган қилмиш сифатида белгилайди. Шу билан бирга, давлат харидларига хос барча ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида жиноят таркиблари назарда тутилмаган. Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни Франция Ҳисоб палатаси амалга оширади. Бу тажриба давлат харидларини тартибга солишда жиноят ҳуқуқи билан бир қаторда маъмурий ва молиявий назорат механизмлари ҳам муҳимлигини кўрсатади.

Японияда ҳам давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун алоҳида кенг қамровли нормалар тизими мавжуд эмас. Бироқ Япония Жиноят кодексининг

96-6-моддаси давлат шартномаларини тузиш учун ўтказиладиган аукцион ва танловларнинг холислигини бузиш, шунингдек, адолатли нарх белгиланишига тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний фойда олиш мақсадида тил бириктириш учун жавобгарликни белгилайди. Давлат хизматчиларининг бундай келишувларга аралашуви учун эса алоҳида қонунда (8-модда) жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, Япония Адолатли савдо комиссияси монополияга қарши қонунчиликка мувофиқ рақобатни ҳимоя қилиш ва унинг бузилишларига қарши курашиш ваколатларига эга. Демак, давлат харидларидаги суиистеъмолликларнинг олдини олишда жиноий таъқиб билан бирга рақобатни ҳимоя қилиш механизмлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Сингапур давлат харидлари тизимида очиқлик, адолатли рақобат ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Давлат харидларига оид қонунчилик етказиб берувчилар ва пудратчиларга танлов натижалари устидан шикоят қилиш имконини ҳам беради. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик асосида ваколатли комиссия молиявий санкциялар қўллаши мумкин. Шунингдек, харидлар жараёнида содир этилган фирибгарлик ҳаракатлари Жиноят кодексининг тегишли нормалари билан квалификация қилинади. Бу тажриба харидлар устидан назорат, рақобатни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий шикоят механизмларини ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Қозоғистонда давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар тўғрисидаги умумий нормалар асосида квалификация қилинади. Жумладан, Жиноят кодексининг 189-моддаси ўзлаштириш ёки растрата, 190-моддаси фирибгарлик, 216-моддаси эса муайян иқтисодий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди. Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, пора олиш ва хизмат сохтакорлиги каби қилмишлар ҳам тегишли моддалар билан қамраб олинади. Шартнома қийматини сунъий ошириш, сохта рақобатни ташкил этиш ва бажарилмаган ишлар ҳақида ҳужжатлар расмийлаштириш мазкур соҳада учрайдиган хавфли ҳуқуқбузарликлар қаторига киради. Қозоғистон тажрибаси давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга қарши курашишда қонунчиликни такомиллаштириш ва профилактик механизмларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Хитойда давлат харидлари иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатда 2003 йилдан амал қилаётган Давлат харидлари тўғрисидаги қонун миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Давлат харидларидаги коррупциявий қилмишлар пора олиш, фирибгарлик, ўзлаштириш ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга оид нормалар билан бир қаторда, айрим махсус жиноят-ҳуқуқий қоидалар асосида ҳам баҳоланади.

Хитой Жиноят кодексининг 7-бобида давлат мудофааси манфаатларига қарши жиноятлар белгиланган. Хусусан, 380-модда ҳарбий эҳтиёжлар учун буюртма қилинган товарларни етказиб беришдан бош тортиш ёки уруш даврида етказиб беришни қасддан кечиктириш учун жавобгарликни назарда тутади. 406-модда эса давлат манфаатларига жиддий зарар етказган шартномавий муносабатлардаги айрим масъулиятсиз ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилайди. Хитой қонунчилигида юридик шахсларнинг жавобгарлиги ва айбдорларнинг мол-мулкини мусодара қилиш механизмлари ҳам назарда тутилган. Бу ёндашув давлат ва, айниқса, мудофаа эҳтиёжларини таъминлашда жавобгарликнинг аҳамиятини кўрсатади. Бироқ жиноий таъқиб жараёнида шахс ҳуқуқларига риоя этилиши ва айбсизлик презумпцияси таъминланиши ҳам муҳимдир.

Россия Федерациясида давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик умумий коррупциявий ва иқтисодий жиноятлар тўғрисидаги нормалар билан бир қаторда махсус жиноят-ҳуқуқий қоидалар орқали ҳам тартибга солинади. Мазкур соҳадаги суиистеъмолликлар, пора олиш, фирибгарлик ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш каби қилмишлар тегишли нормалар асосида квалификация қилинади. Шу билан бирга, давлат харидларидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлашда нархларни сунъий ошириш, сохта банк кафолатлари ва иштирокчилар ўртасидаги эҳтимолий келишувларни таҳлил қилиш каби рақамли назорат усулларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Молдова Республикасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва оқибатларига қараб, йирик жарималар, давлат харидларида иштирок этиш ҳуқуқини чеклаш ёки юридик шахсни тугатиш каби чоралар қўлланилиши мумкин. Давлат харидлари қоидаларининг бузилиши, одатда, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади, бироқ қилмиш катта зарар, тизимли коррупция ёки сохтакорлик билан боғлиқ бўлса, жиноий жавобгарлик ҳам келиб чиқиши мумкин.

Умуман, турли ҳуқуқий тизимларга мансуб давлатлар тажрибаси давлат харидларидаги қонунбузарликларга қарши курашишда ягона модел мавжуд эмаслигини кўрсатади. Айрим мамлакатларда умумий жиноят-ҳуқуқий нормалар ва маъмурий назорат механизмлари устувор бўлса, бошқаларида давлат харидлари соҳасига оид махсус жиноят таркиблари ҳам белгиланган. Бироқ барча моделлар учун рақобатни ҳимоя қилиш, харидларнинг шаффофлигини таъминлаш ва қонунбузарликлар учун мутаносиб жавобгарлик белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Профессор Ю.В. Трунцевский таъкидлаганидек, коррупцияни нафақат миллий ҳуқуқ-тартиботга, балки халқаро ҳамжамият ва фуқаролик жамиятига ҳам таҳдид солувчи муаммо сифатида баҳолаш зарур. Шу нуқтаи назардан, давлат харидлари соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш миллий ҳуқуқий механизмлар билан чекланмасдан, халқаро ҳамкорлик ва илғор тажрибани ўрганишни ҳам талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари ҳар қандай мамлакат иқтисодий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг самарадорлиги ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий назорат ва жавобгарлик механизмларининг уйғунлигига боғлиқ. Жиноят ҳуқуқи коррупция ва фирибгарликка қарши курашишнинг зарур воситаси бўлса-да, у ягона ёки ҳал қилувчи восита эмас. Хорижий тажриба маъмурий жарималар, харидларда иштирок этиш ҳуқуқини чеклаш, мустақил назорат, рақобатни ҳимоя қилиш ва очиқ электрон тизимларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам давлат харидлари соҳасидаги суиистеъмолликларнинг олдини олиш учун жиноий жавобгарликни кучайтириш билангина чекланмасдан, харид тизимининг институционал асосларини такомиллаштириш, назорат механизмларини кучайтириш, рақобат ва шаффофликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга қаратилган комплекс чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шаҳноза ШУКУРОВА,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ катта инспектори, катта лейтенант, Криминология тадқиқот-институти мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алауханова А.О. (ред.) Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан. Алматы, 2008. 330 с.

2. Н.В.Артеменко, А.Д.Нечаев, А.М.Разогреева, Е.В.Тищенко, Н.Г.Шимбарева Преднамеренность неисполнения договорных обязательств как конструктивный признак мошенничества в сфере предпринимательской деятельности: доктринальные и правоприменительные подходы // Вестник юридического факультета Южного федерального университета. 2016. № 1 (7). С. 48-56.

3. Великая Е.В. Уголовные дела об откатах: сложности поддержания гособвинения//Уголовный процесс. 2015.№12. URL:http://e.ugpr.ru/article.aspx?aid=428486

4. Гук Д.В. К вопросу о дополнительной криминализации в УК РФ нарушений законодательства при осуществлении госзакупок // Законы России: опыт, анализ, практика. 2013. № 6. С. 62.

5. Клепицкий И.А. Система хозяйственных преступлений. М.: Статут, 2005. 572 с.

6. Косавич Дж.Л.Противодействие мошенничеству (Как разработать и реализовать программу мероприятий). М.Маросейка, 2011. 310 с.104 Ekaterina V. Tishchenko Matters of Russian and International Law. 2016, Vol. 6, Is. 11A.

7. Краснов И.В., Герасимова Л.О. Эффективность и перспективы уголовно-правовой охраны сферы государственных и муниципальных закупок // Известия Юго-Западного государственного университета. Серия: История и право. 2014. № 4. С. 127-131.

8. Назарова Д.С. Мошенничество в сфере закупок товаров, работ, услуг для обеспечения государственных или муниципальных нужд: особенности совершения и защита от рисков // Вопросы современной юриспруденции: сборник статей по материалам LVII международной научно-практической конференции. Новосибирск: СибАК, 2016. № 1 (53). С. 92-97.

9. Свод законов США (титул18). URL:http://www.sosrussia.com/analyse/library/clusa/page1/

10. Скосырская Ю.В. Криминологические и уголовно-правовые меры борьбы с преступлениями коррупционной направленности, совершаемыми в сфере государственных закупок: автореферат дис. ... канд.юрид.наук. М., 2011.402с.

11. Чайка Ю.А.Заседание коллегии по итогам работы в первом полугодии 2016 года в Генеральной прокуратуре РФ // Прокурор. 2016. № 3. С. 4-13.

12. Шурпаев Ш.М. Сфера осуществления закупок для обеспечения государственных и муниципальных нужд в механизме коррупционных проявлений // Экономика, социология и право. 2016. № 6. С. 90-93.

13. Craig M. Bradley. Criminal Procedure. A Worldwide Study. Carolina Academic Press, 2007. URL: http://www.cap-press.com/pdf/1632.pdf

14. Integrity in Public Procurement GOOD PRACTICE FROM A TO Z. OECD 2007. URL: file:///C:/Users/lenovo/Downloads/38588964%20(1).pdf

15. Fraud Against the Government // Coordination of Criminal and Civil Fraud Against the Government Cases. URL: https://www.justice.gov/usam/usam-9-42000-fraud-against-the-government

16. Josef T. Wells Fraud Casebook Lessons from the dad side of business. USA: John Willey & Sons, Inc., 2007. 605 c.

17. Khi V. Thai. Public procurement re-examined // Journal of public procurement. 2001. Vol. 1. No. 1. Pp. 9-50.

МАТЕРИАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИВЛЕЧЕНИЯ КОНТРОЛИРУЮЩИХ ДОЛЖНИКА ЛИЦ К СУБСИДИАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ДЕЛАХ О НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ

АННОТАЦИЯ: *в статье исследуется механизм привлечения контролирующих должника лиц к субсидиарной ответственности в делах о неплатежеспособности по законодательству Республики Узбекистан. Анализируются соотношение имущественной обособленности юридического лица с исключительной ответственностью лиц, определявших его действия, критерии статуса лица, управляющего делами должника, неправомерность поведения, причинная связь и недостаточность имущества. Особое внимание уделено презумпциям статьи 70 Закона "О неплатежеспособности", распределению бремени доказывания, разграничению ответственности за невозможность полного удовлетворения требований кредиторов и ответственности за несвоевременную подачу заявления о неплатежеспособности. Исследуются подача заявления внутри и вне дела, трехлетний срок, приостановление производства до определения размера ответственности, обеспечительные меры, исполнение судебного акта и использование права требования. Предлагаются функциональный тест решающего влияния, доказательственная матрица причинности, порядок разграничения конкурирующих оснований и стандарты мотивирования судебного акта. Учтены институциональные и цифровые реформы 2026 года.*

Ключевые слова: *неплатежеспособность; субсидиарная ответственность; контролирующее должника лицо; лицо, управляющее делами должника; решающее влияние; причинная связь; бремя доказывания; ликвидационная масса; обеспечительные меры; кредиторы; Узбекистан.*

1. Введение

Субсидиарная ответственность в неплатежеспособности находится на границе двух фундаментальных начал частного права. С одной стороны, юридическое лицо отвечает по своим обязательствам принадлежащим ему имуществом, а участники и менеджеры, как правило, не несут прямого риска по корпоративным долгам. С другой стороны, ограничение ответственности не должно превращаться в средство переноса последствий неправомерного управления на кредиторов. Поэтому ответственность контролирующего лица представляет собой не отмену имущественной обособленности, а исключительный корректирующий механизм, применимый при наличии нормативно заданной совокупности фактов.

Для узбекского права проблема приобрела особую актуальность после принятия Закона от 12 апреля 2022 года № ЗРУ-763 "О неплатежеспособности". Глава 7 сформировала самостоятельную систему ответственности руководителя и иных лиц: определила круг лиц, управляющих делами должника, основания и презумпции субсидиарной ответственности, субъектов обращения, сроки, процессуальный статус ответчика, особенности определения размера, способы использования права требования и рассмотрение заявления после завершения основного дела. Эти нормы взаимодействуют с Гражданским кодексом, корпоративным законодательством и общими правилами экономического процесса, что требует системного разграничения правовых режимов.

В научной литературе субсидиарная ответственность учредителей рассматривается как самостоятельная гражданско-правовая мера, требующая установления основания ответственности, а не как автоматическое следствие факта банкротства. Для неплатежеспособности это означает необходимость отделить предпринимательский риск и неудачное коммерческое решение от неправомерного поведения, которое юридически обусловило дефицит ликвидационной массы или невозможность полного удовлетворения требований кредиторов.

Цель исследования — сформировать целостную модель применения субсидиарной ответственности контролирующих должника лиц. Для этого требуется определить юридически релевантный контроль; раскрыть материально-правовой состав; установить действие специальных презумпций и распределение доказательственного риска; разграничить конкурирующие основания ответственности; предложить процессуальную архитектуру, обеспечивающую кредиторам эффективное восстановление прав и одновременно гарантирующую ответчику возможность опровергнуть контроль, причинность и размер требования.

2. Нормативная модель и правовая природа ответственности

2.1. Исключение из принципа имущественной обособленности

Статья 48 Гражданского кодекса закрепляет отправную точку: если неплатежеспособность юридического лица вызвана неправомерными действиями учредителя, собственника, члена органа управления либо лица, управляющего делами должника, на такое лицо при недостаточности имущества может быть возложена субсидиарная ответственность. Ответственность производна от обязательств должника, но ее основание не исчерпывается основным долгом. Необходим дополнительный юридический факт — неправомерное воздействие на деятельность юридического лица, причинно связанное с наступившей неплатежеспособностью.

Новая корпоративная модель усиливает эту логику. Закон от 21 апреля 2026 года № ЗРУ-1137 "Об обществах с ограниченной ответственностью" допускает субсидиарную ответственность директора, членов коллегиального исполнительного органа, наблюдательного совета, участника или доверительного управляющего, если неплатежеспособность общества вызвана их неправомерными действиями и имущества общества недостаточно. Если вред причинен несколькими лицами, закреплена солидарная ответственность. Это сближает корпоративный и неплатежеспособностный режимы, но требует ясного ответа, какая норма определяет состав, размер и процедуру в конкретном споре.

2.2. Круг контролирующих лиц и критерий решающего влияния

Статья 69 Закона использует формальную категорию "лицо, управляющее делами должника". К ней относятся руководитель и члены исполнительного органа, ликвидационная комиссия или ликвидатор, лица с предусмотренным законом корпоративным контролем, а также лица, имеющие право назначать руководителя. Но первая часть нормы шире перечня должностей: управлением признается право давать обязательные указания или иным образом определять действия должника, включая совершение сделок и определение их условий в предусмотренные законом периоды.

Поэтому квалификация не должна сводиться к механической проверке записи в реестре участников или должности. Фактическое решающее влияние может проявляться через цепочку взаимосвязанных лиц, доверительное управление, согласованное голосование, исключительный доступ к банковским операциям, распоряжение активами, обязательное согласование крупных платежей, кадровую зависимость или систематические инструкции, которым формальный орган фактически подчинялся. Вместе с тем родственный, договорный или деловой контакт сам по себе не создает статуса контролирующего лица: должно быть доказано реальное воздействие на значимые решения.

3. Материально-правовые основания субсидиарной ответственности

3.1. Неправомерность, причинная связь и кредиторский дефицит

Материально-правовой состав по статье 70 предлагается строить из пяти элементов. Первый — статус ответчика как лица, способного определять действия должника в юридически значимый период. Второй — конкретное неправомерное действие или бездействие: вывод активов, заведомо невыгодная сделка, принятие обязательств без экономического основания, сокрытие имущества, искажение документов, создание предпочтения в ущерб ликвидационной массе

либо иное нарушение. Третий — неплатежеспособность или невозможность полного удовлетворения требований. Четвертый — причинная связь. Пятый — количественно определяемый дефицит, который может быть возложен на ответчика.

3.2. Презумпции статьи 70 и распределение бремени доказывания

Статья 70 устанавливает специальные опровержимые презумпции. Пока не доказано иное, закон связывает невозможность полного удовлетворения требований с установленными судебным актом обстоятельствами, в том числе с существенным вредом имущественным правам кредиторов от отдельных сделок, с установленными лженепластежеспособностью, сокрытием неплатежеспособности или преднамеренной неплатежеспособностью, а также с долей задолженности 70%, возникшей из судебных актов о нарушениях управляющих лиц. Значение этих положений состоит не в автоматическом взыскании, а в изменении структуры доказывания причинной связи.

Общее правило статьи 68 Экономического процессуального кодекса требует от участника доказать обстоятельства требований и возражений. Специальная презумпция означает, что заявитель сначала доказывает факты, запускающие ее: статус ответчика, соответствующий судебный акт, сделку, характер вреда либо другое предусмотренное законом обстоятельство. После этого доказательственное бремя по опровержению причинного вывода переносится на ответчика, который должен показать отсутствие решающего влияния, иную самостоятельную причину дефицита или отсутствие связи между его поведением и неудовлетворенными требованиями.

3.3. Размер ответственности и конкуренция оснований

Базовый размер ответственности закон определяет как разницу между суммой требований, включенных в реестр, и ликвидационной массой. Формула объективизирует верхнюю границу коллективного требования, но не должна превращать любое контролирующее лицо в гаранта всего дефицита независимо от причинного вклада. Возможность освобождения или уменьшения ответственности при недоказанности решающего влияния подтверждает необходимость индивидуализации. При множественности лиц суд должен определить общий дефицит, роль каждого и основания солидарного режима, исключая повторное взыскание одного и того же ущерба.

Особая проблема — соотношение статьи 70 со статьей 10. Статья 10 связывает ответственность руководителя, членов ликвидационной комиссии или ликвидатора с неисполнением обязанности своевременно обратиться в суд и охватывает денежные и налоговые обязательства, возникшие после истечения установленного срока. Статья 70 имеет иной состав: неправомерное управление должно вызвать невозможность полного удовлетворения требований. Одно лицо потенциально может подпасть под оба основания, но объемы ответственности следует рассчитывать раздельно, а двойное удовлетворение одного требования исключать.

4. Процессуальные проблемы рассмотрения заявления

4.1. Право на обращение, срок и процессуальный статус

Статья 71 предоставляет право на обращение лицам, участвующим в деле, и судебному управляющему со дня признания должника банкротом и начала ликвидационного производства; управляющий может действовать по собственной инициативе, по решению собрания или комитета кредиторов либо по указанию уполномоченного органа. После завершения ликвидации работники и бывшие работники могут предъявить требование по непокрытой задолженности. Для статьи 70 установлен трехлетний срок со дня, когда лицо узнала или должно было узнать об основаниях, ограниченный также тремя годами после завершения ликвидационного производства.

Здесь действуют два временных фильтра: субъективный и объективный. Суду необходимо отдельно установить, когда конкретный заявитель получил либо должен был получить достаточную информацию именно об основаниях субсидиарной ответственности, а не только о факте неплатежеспособности. Само признание банкротом не всегда раскрывает скрытый контроль или экономический смысл операций. Начало субъективного срока должно мотивироваться ссылками на отчет управляющего, судебный акт по оспариванию сделки, результаты проверки или иные документы, раскрывающие соответствующие факты.

Лицо, в отношении которого заявление подано внутри дела, становится лицом, участвующим в деле, и получает процессуальные гарантии: знакомиться с материалами, представлять возражения и доказательства, заявлять ходатайства, обжаловать судебные акты. Предусмотрено и регрессное требование к должнику, которое удовлетворяется после иных реестровых требований. Субсидиарный должник не должен конкурировать с кредиторами, чьи неудовлетворенные требования обусловили привлечение его к ответственности.

4.2. Внутри дела, вне дела, приостановление и обеспечительные меры

Постановление Пленума Верховного суда от 23 июня 2025 года № 13 конкретизировало процедуру. Пленум подтверждает возможность рассмотрения требования как в рамках дела, так и после его завершения, определяет статус привлекаемого лица и разъясняет действия суда, если в заявлении вне рамок дела не указаны заинтересованные лица. Суд оставляет такое заявление без движения и предоставляет заявителю возможность ознакомиться с материалами основного дела для их выявления. Это предотвращает превращение отсутствия доступа к архиву дела в непреодолимый формальный барьер.

Существенная особенность — двухэтапность. Если основания уже могут быть исследованы, но точный размер до завершения расчетов определить невозможно, статья 73 предписывает приостановить рассмотрение до установления необходимых доказательств и окончания расчетов. Суд может сначала сформировать доказательственный массив по контролю, неправомерности и причинности, а количественный дефицит определить после окончательного формирования ликвидационной массы. Это снижает риск преждевременного отказа только из-за неготовности арифметической части требования.

Закон сохраняет действие принятых обеспечительных мер в период приостановления. Это важно, поскольку ожидание завершения расчетов создает риск отчуждения активов ответчика. Однако обеспечение не должно быть автоматическим. Суду следует установить вероятный максимальный размер требования, связь имущества с возможностью исполнения, соразмерность ограничения и риск затруднения исполнения. Мотивированное обеспечение защищает кредиторов, тогда как необоснованная блокировка способна превратить обеспечительную меру в предварительную ответственность.

4.3. Использование права требования и исполнение

После вступления судебного акта в силу механизм не заканчивается выдачей одного исполнительного листа. Статьи 74 и 75 предусматривают коллективную модель использования права требования. Ликвидационный управляющий уведомляет кредиторов, а они выбирают законный способ: взыскание внутри дела, продажу права требования либо отказ от права или его части в пользу другого кредитора. Затем формируется распределение права на исполнение с учетом размеров и очередности требований.

После завершения основного производства лица, чьи требования удовлетворены не полностью, вправе обратиться вне рамок дела. Статья 76 связывает такое заявление с экономическим и гражданским процессуальным законодательством, а статья 77 допускает мировое соглашение при наличии у ответчика достаточного имущества. При утверждении соглашения суду следует проверять не только согласие сторон, но и отсутствие обхода очередности, ущерба интересам других кредиторов и реальность предложенного исполнения.

5. Обсуждение и направления совершенствования

5.1. Единая доказательственная матрица

Для повышения единообразия практики предлагается семиблочная доказательственная матрица. Первый блок — статус и период контроля. Второй — конкретные решения, указания, сделки или бездействие. Третий — их неправомерность. Четвертый — финансовая динамика до и после поведения. Пятый — применение или неприменение законной презумпции причинности. Шестой — альтернативные причины неплатежеспособности и доказательства ответчика. Седьмой — окончательный кредиторский дефицит и причинно относимая к ответчику часть. Такая матрица отделяет статус от вины, а факт неплатежеспособности — от причинности.

В доказательственный массив должны входить не только устав, реестр участников и решения органов управления, но и документы о фактическом принятии решений: банковские полномочия, электронные согласования платежей, переписка, доверенности, протоколы, бухгалтерский учет, движение взаимосвязанных активов, сведения о бене-

фициарной заинтересованности, отчеты судебного управляющего и экспертные заключения о признаках фиктивной, скрытой или преднамеренной неплатежеспособности. Особое значение имеет хронология: документ оценивается с учетом состояния платежеспособности и известных на тот момент рисков, а не изолированно постфактум.

5.2. Соотношение гражданского, корпоративного и неплатежеспособностного регулирования

